

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А.В.ВАХАБОВ, Н.М.МАЖИДОВ

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ
ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДАГИ РОЛИ**

ТОШКЕНТ
“Universitet”
2017

УДК-369.336.9(584.4)

Монографияда жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларининг инвестицион сиёсатни амалга оширишдаги ролининг назарий ва амалий масалалари баён этилган. Унда пенсия таъминотининг ижтимоий суғурта тизимида тутган ўрни, пенсия тизимининг моделлари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари, пенсия тизимларини гуруҳлаштириш услубиятлари ёритиб берилган. Миллий пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион имкониятларини ошириш масалалари ривожланган ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси мисолида тадқиқ этилган, ижобий ва салбий тажрибалар аниқланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти жорий қилинишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари кенг ёритилган, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўналишлари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари инвестицион имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш истиқболларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, шу соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, илмий педагогик ходимлар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.н. Рахмонов Р.Н.
Тақризчилар: и.ф.д., проф. А.У.Бурханов
и.ф.н. Зохидова Ш.Ш.

Ушбу монография Ф-1-16 “Ўзбекистонда инвестиция жараёнларига жамғарилиб бориладиган пенсия жамғармасининг таъсир механизмларини тадқиқ этиш” мавзuidaги тадқиқот лойихаси доирасида тайёрланган.

ISBN -978-9943-4585-9-8

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллигининг кучайиши мавжуд пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялашни тақозо этмоқда. Дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг мақсади самарали, молиявий барқарор бўлган, пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган пенсия тизимини шакллантириш ҳисобланади. Пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялаш, ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг инвестицион фаоллигини кучайтириб, уларни иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи, рағбатлантирувчи омилига айлантиради.

Иқтисодиёт барқарор ривожланишининг асосий омили инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурслар жалб этиш ҳисобланади. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицияларнинг асосий манбаи аҳоли маблағлари бўлиши лозим. Шу билан бирга, бундай ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятларини излаш лозимки, ушбу ресурслар капитал инвестицияларнинг асосий манбаидир. Пенсия жамғармалари молиявий бозорнинг узоқ муддатли даврда амалга оширишга мўлжалланган дастурларни инвестициялаш бўйича катта салоҳиятга эга бўлган муҳим субъектлари ҳисобланади. Пенсия жамғармаси маблағларини капитал бозорига йўналтириб, узоқ муддатли инвестиция сифатида жойлаштириш ушбу бозорнинг ривожланишига имконият яратади. Бунда пенсия жамғармаларининг ўзлари капитал бозоридаги қудратли кучга айланади. Бундай шароитда жамғармалар бошқарувчиларининг инвестицион сиёсати капитални тақсимлаш ва самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда миллий иқтисодиётни барқарор суръатда ўсишини таъминлайди.

Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармалари инвестицион жараёнларнинг муҳим иштирокчилари ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳозирги даврда пенсия тизимини бирдамлик тизимидан аралаш шаклга ўтаётганлиги билан характерланиб, шаклланаётган тизимда нодавлат пенсия жамғармаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, пенсия жамғармалари, биринчи навбатда, ижтимоий функцияни бажарувчи молиявий институтлар бўлиб, унга нисбатан инвестицион фондлар, суғурта компаниялари, банкларга қўйилгани каби талаблар қўйилиши лозим.

Пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш ва пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий услубларидан жаҳон амалиётида кенг тарқалган “жавобгарлик хатти-ҳаракати” принципига ўтиш лозим. Бу принцип институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини сақлаган ҳолда бозор таклифларига мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган халқаро андозаларга жавоб бераётган жамғармаларга ўз активларини молия бозорларида мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади ва уларнинг фаолиятига бўлган ишончнинг ортишини таъминлайди.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан миллий иқтисодиётнинг бошқа таркибий қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, оқилона ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар жамғариладиган пенсия таъминоти соҳаси ривожланишига туртки берди. Келажакда мустақил моддий таъминланиш тўғрисида қайғуриш ишловчини ўз меҳнат фаолияти жараёнида ихтиёрига кўра жамғармалар қилишга мажбур этади. Уларнинг жамғарилган маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада белгиланган муддатда пенсионерларнинг даромад манбаи ҳаракатга келади ва ушбу маблағ миллий иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилади. Пенсия жамғармасининг келажакда кутаётган молиявий харажатларини прогнозлаштириш, уларга тайёргарлик кўриш, даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш, пенсия жамғармалари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг, балки дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларини чуқур ўйлашга мажбур қилмоқда. Чунки, дунёда шаклланаётган демографик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни бир зумда ўз йўналишидан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар пенсия жамғармаларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий, концептуал асосларини, Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга оид тизимли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

I БОБ. ПЕНСИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Пенсия таъминотининг ижтимоий суғурта тизимида тутган ўрни

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки мақсад эмас, балки у инсон ва унинг ҳаёти фаровон бўлиши, манфаатлари амалга ошиши ва эҳтиёжлари қондирилишига шарт-шароит яратилиши учун амалга оширилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш турмуш даражасининг пасайиши, мамлакат аҳолисининг даромад жиҳатдан табақалашувининг кучайиши, инфляция, ишсизлик, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, бир қатор аҳоли табақаларининг турмуш кечириш манбаларидан маҳрум бўлиши каби ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиш имкониятига қанчалик эга бўлмасин, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Мазкур ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун кучли ижтимоий сиёсат юритилиши тақозо этилади. Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат аниқ ишлаб чиқилган ва бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган, аҳолининг муайян сабабларга кўра даромад ишлаб топиш имкониятига эга бўлмаган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали қамраб олишга ҳаракат қилади. Мамлакатда кучли ва самарали ижтимоий суғурта тизимининг шакллантирилиши вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш имконини беради.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллайди.

Пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ҳамда конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимида хизмат қилувчи пенсия жамғармалари учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши,

маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги, мустақил, бюджетдан ташқари молия-кредит ташкилоти ҳамда ижтимоий суғуртанинг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда пенсия жамғармаларининг моҳиятини белгилашда уч нуқтаи назардан ёндашилиб келинмоқда, яъни, унинг ижтимоий таъминот учун мўлжалланган маблағлар эканлиги; мустақил молия-кредит ташкилоти; ижтимоий йўналишдаги бюджетдан ташқари жамғарма эканлиги эътироф этилади. Бу жамғармалар ижтимоий суғуртанинг таркибий элементи сифатида эътибордан четда қолиб келмоқда. Бу жиҳат, пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадаллари, давлатнинг молиявий иштироки асосида шаклланиувчи ҳамда муайян ижтимоий хавф-хатарларга мувофиқ суғурталанган аҳоли тоифаларига тўловларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш учун мўлжалланган мустақил пул жамғармалари сифатида таърифлаш имконини беради.

Миллий иқтисодиётдаги пенсия тизими тақсимот муносабатлари маҳсули бўлиб, катта ижтимоий юкни кўтаради. Унинг маблағлари фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат сингари иқтисодиёт субъектлари даромадларини қайта тақсимлаш жараёнида шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўтиш иқтисодиётининг кўп укладли хусусиятига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналардан иборат бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ҳимоялашда ижтимоий таъминот моделидан ижтимоий суғурта моделига ўтишда жаҳон тажрибаси ва миллий амалиётимизга хос хусусиятлар инобатга олинishi, пенсия тизимининг ижтимоий суғурта тизимида тутган ўрни назарий ва амалий жиҳатдан аниқ белгилаб олинishi лозим. Бошқача айтганда, ижтимоий суғурта тизими, хусусан, пенсия тизимининг шаклланиши илғор тамойилларга асосланиши, ижтимоий хавф-хатар ва актуар ҳисоблар назариясига таяниши ва автоном, ўзини-ўзи идора қилувчи шерикчилик йиғиндиси кўринишида амалга оширилади.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурс ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ

бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодий инвестициялашнинг молиявий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иқтисодий адабиётларда пенсия таъминоти ва ёлланма ишловчиларни суғурталаш тизимининг шаклланиши ҳамда амал қилиши бўйича турлича қарашлар мавжуд.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг қатъий тарафдорлари фикрича, давлат пенсия тизимининг мавжудлиги маблағларнинг сарфланишини акс эттиради. Давлат пенсия таъминоти тизимининг мавжудлиги ишловчининг ўзини-ўзи мустақил таъминлаш тўғрисида қайғуришини чеклайди, меҳнат фаолиятини тўхтатгандан кейин пул даромадлари олишга ишонч уларни меҳнат сифатини оширишдан манфаатдорлигини камайтиради. Ишловчининг ўзини мустақил таъминлашга эҳтиёжи ва доимий интилиши уни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради.

Бу далилнинг бошқа жиҳати инвестицион жараёнларни такомиллаштириш мақсадидан келиб чиқади. Келажакда мустақил моддий таъминланиш тўғрисида қайғуриш ёлланма ишловчини ўзининг меҳнат фаолияти жараёнида ўз хоҳишига кўра жамғармалар қилишга мажбур этади. Уларнинг банкларда жамғарувчи маблағлари инвестиция сифатида фойдаланилиши ва меҳнат унумдорлигининг ортишига таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада белгиланган муддатда пенсионерларнинг даромад манбаи ҳаракатга келади ва ушбу маблағлар иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилади. Бу ёндашувда пенсия тўловларини ташкил қилишда давлатнинг иштироки ортиқча¹, деган ғоя илгари сурилади.

Келажакда пенсия тўловлари олишга қатъий ишонч ишловчини меҳнат унумдорлигини оширишга интилишини сусайтиради, деган ғоя, фикримизча, етарли даражада асосли эмас. Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан, улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматига киради, аммо тўловлар институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади. Бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир. Ёлланма ишловчини самарали меҳнатга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси, бир томондан, пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига

¹ Государственное регулирование рыночной экономики./Под общ. ред. Кушлина В.И., Волгина Н.А.-М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. – С.361.

боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишловчининг малака даражаси, ишлаган даври мобайнидаги меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқ. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида олинган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самарали меҳнатга рағбатлантириш имконини беради. Бу ўринда муайян қонуниятни аниқлаш мумкин, яъни пенсия тизими орқали ҳимоялаш даражаси фуқароларнинг индивидуал молиявий иштирокига тўғри мутаносиб, даромадларни қайта тақсимлаш даражасига тесқари мутаносибликда бўлади.

Жамғариш ҳар доим ҳам мунтазам инвестицияга айланмайди. Амалиёт кўрсатишича, банк маблағлари ҳам доимо реал капиталга айлана олмайди. Муайян шароитларда улар молиявий, спекулятив, ҳаракатчан капитал шаклида бўлади. Шундай қилиб, хусусий жамғармалар ишлаб чиқариш самарадорлиги, реал иқтисодий ўсиш омилига айланмаслиги ҳам мумкин. Ҳукуматнинг муайян монетар сиёсати туфайли пул қадрсизланиши ва собиқ ёлланма ишловчи ўзини такрор ишлаб чиқарувчанлик функциясини йўқотиши мумкин.

Кишиларнинг субъектив сифатлари, ҳаётдаги турли экстремал ҳолатлар таъсирини ҳам инобатга олиш лозим, бу уларнинг шахсий жамғармаларини етарли даражада бўлмаслигига таъсир кўрсатади.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тўловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафақат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёсат доирасида зарурий ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, авлодлар бирдамлиги, қайта тақсимлаш тамойилига асосланган пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусий пенсия жамғармалар қилишларини инкор этмайди.

Пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсад туради:

- фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдида тўланадиган иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш.

Қариллик бўйича пенсия олиш учун муайян суғурта стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига эришиш зарур. Суғурта

стажи деганда пенсия суғуртаси жамғармасига бадал тўловлари тўланган давр тушунилади. Суғурта стажига қонунга мувофиқ ишсизлик бўйича нафақа тўловлари даври киритилади. Европа Иттифоқининг (ЕИ) кўпгина мамлакатларида пенсия ёши эркакларга ҳам, аёлларга ҳам 65 ёш деб белгиланган. Пенсияга чиқиш учун энг катта ёш Данияда - эркаклар ва аёллар учун 67 ёш, энг кам - 60 ёш - Франция ва Италияда (Италияда аёллар учун пенсия ёши 55 ёш қилиб белгиланган).

Пенсия таъминоти тизими кексалик бўйича асосий ва қўшимча пенсия ҳамда нафақа шаклида курилади. Кексалик бўйича асосий пенсиялар Нидерландия, Люксембург, Буюк Британия, Дания, Ирландия каби мамлакатларда олдинги иш ҳақи миқдоридан қатъи назар, барча кишилар учун бир хил пул миқдори тўловлари орқали берилади. ЕИнинг қолган мамлакатларида асосий пенсия белгиланган вақт мобайнидаги ўртача иш ҳақи билан белгиланади, пенсиянинг энг кам ва энг юқори миқдори чегараланган бўлиши мумкин.

Қўшимча пенсия тармоқ ёки фирмалар бўйича тўланади. Улар асосий пенсиянинг ўртача 10-20% ни ташкил этади, у нафақат пенсияга чиқувчиларнинг даромадларини қўллаб-қувватлаш, тўлдириш усули, балки ушбу корхона (тармоқ)да кадрларни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблашда оила таркиби ҳисобга олинади (ёлғиз пенсионерлар ва болаларнинг сони). ЕИнинг деярли барча мамлакатларида пенсия индексацияси киритилган. Пенсия жамғармаларини молиялаштиришда ишловчиларнинг улуши унинг умумий ҳажмининг ўртача 30-40%ни ташкил этади. Бадалларнинг аксарият қисмини иш берувчилар тўлайди. Пенсия бадаллари миқдори ишловчилар учун иш ҳақи миқдорининг 6-7% дан (Бельгия, Буюк Британия, Италия) 12% гача (Нидерландия) тебраниб туради. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизими кўпинча молиялаштириш ва қайта тақсимлашнинг аралаш моделидан фойдаланади.

Пенсиялар миқдори, бир томондан, жамиятда энг кам даромадлар ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликка эришиш имконини беради, иккинчи томондан, ижтимоий адолатлилиқни таъминлаш имконини берувчи пенсияга чиқиш олдидаги иш ҳақи даражаси билан боғлиқ. Шундай қилиб, бирдамлик пенсия тизимида жорий пенсия мажбуриятларини қоплаш учун зарурий бадал турларини йиғиш амалга оширилади. Пенсия миқдори эса пенсия фондининг фаолият натижасига, молия бозорига,

маблағларни самарали инвестициялаш даражасига боғлиқ бўлмай, инвестицион мойилликнинг сусайиши каби қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жамғариш тамойилига асосланган хусусий пенсия тизимлари бадалларни капиталлаштириш ва пенсия ҳисобини индивидуаллаштириш тамойили асосида шаклланиб, шахсий ҳисобларда жамғарилувчи суғурта бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Хусусий пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланмайди, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада, пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиққунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки меҳнат фаолияти мобайнида тўлаган бадаллари миқдорига фоизни ифода этади.

Бирдамлик, қайта тақсимлаш пенсия тизимидан фаркли ўлароқ, хусусий пенсия тизимида суғурта бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли резерв фонди шакллантирилади.

Пенсия тизимининг бу икки – бир-биридан принципиал фарқ қилувчи моделлари ўртасида кўпгина оралиқ вариантлар мавжуд бўлиб, улардан ҳар бири тизимдаги камчиликларни камайтириш ва уларнинг устунлигини кучайтиришга йўналтирилган. Бу тегишли ташкилий-ҳуқуқий таркибни яратишга уринишда ўз ифодасини топади. Бундай таркибни умумлашган ҳолда уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

- давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;

- мажбурий ижтимоий суғурта тизими орқали бериладиган ва минимал суғурта стажини “тўплаган” кишилар учун давлат бюджети дотациясидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;

- тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисобларни юритиш орқали амалга ошириладиган хусусий пенсия тизими.

Пенсия таъминотининг мазкур модели қуйидаги ёндашувларга асосланади:

биринчидан, мамлакатнинг барча фуқароларини камбағалликдан ижтимоий ҳимоялаш унинг вазифасидир (ижтимоий пенсия);

иккинчидан, умумий суғурта тизими уч даражали тизимнинг муҳим элементи ҳисобланади ҳамда барча иқтисодий фаол аҳолига қарилик бўйича пенсияни “ишлаб топиш”ни таъминлайди;

учинчидан, қўшимча ихтиёрий суғурта тизими ҳар бир ишловчи фуқарога хусусий жамғарма тўплаш имконини беради.

Ногиронлик бўйича пенсия. Бу пенсия вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа тўловлари муддати ўтиб кетгандан кейин меҳнат қобилиятидан бутунлай маҳрум бўлинганда, жабрланувчининг ҳолати (аҳволи) узоқ муддатли тўлов белгилашни талаб этган пайтда ёки қонун билан белгиланган меҳнатга қобилиятсизликнинг дастлабки ҳақ тўланадиган муддати мобайнида ёки врачлар жабрланувчининг меҳнат қобилиятини йўқотган деб топиб, меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотиш даражасини белгилаган ҳолатларда тўланади.

Ногиронлик бўйича пенсия касаллик ёки жароҳатланиш оқибатида иш ҳақидан маҳрум бўлган кишиларга татбиқ этилади. Франция, Бельгия, Англия, Ирландия ва Данияда қонунчилик ногиронликни касаллик сифатида қарайди ва уларни касаллик бўйича суғуртага бирлаштиради. ГФР, Италия, Люксембургда ногиронлик суғуртаси қарилик бўйича суғуртага тааллуқли.

Бельгия, Италия, Люксембургда ногиронлик бўйича нафақа тўловларида ишловчи ногирон бўлгунга қадар олган даромади нормал даромаднинг $1/3$ қисмини ташкил этмаган вазият кўзда тутилади. ГФРда ногиронликнинг икки даражаси эътиборга олинади: умумий (100%), яъни киши меҳнат қобилиятини тўла йўқотганда ва касбий (50%), яъни, у ўз касби билан ўртача иш ҳақининг $1/2$ қисмини ишлаб топа олган шароитда.

Ногиронлик бўйича пенсия олиш учун муайян суғурта стажи талаб этилади. ГФР, Италия, Люксембургда у 60 ойга етади, Францияда – 12 ой ва 800 соат меҳнат фаолияти. ЕИнинг бошқа мамлакатларида суғурта (меҳнат) стажи камроқ. Барча мамлакатларда (Италиядан ташқари) ногиронлик бўйича пенсия қонуний пенсия ёшига етгунча тўланади ва қарилик бўйича пенсия билан ўрин алмашинади.

Пенсия миқдорини белгилашда қуйидагилар эътиборга олинади:

- меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиш даражаси;
- асосий даромади миқдори;
- меҳнат стажининг давомийлиги.

Бир қатор мамлакатларда меҳнат қобилиятини йўқотишни аниқлашнинг муфассал шаклланган усулига асосланувчи тизимни қўллайдилар.

1.2. Пенсия тизимининг ривожланиш моделлари ва уларнинг амал қилиш механизми

Мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутади. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизимини яратишнинг мақбул моделини танлашни тақозо этади. Шу сабабли дунё мамлакатларида пенсия тизимининг таркиби, амал қилиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳон амалиётида пенсия таъминотининг қуйидаги базавий институтлари мавжуд бўлиб, улар пенсия тизими моделларини гуруҳлаштириш имконини беради:

1. Ижтимоий ёрдам. Бу аксарият мамлакатларда амал қилувчи пенсия ёшидаги аҳоли таркибида камбағаллик улушини қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган қайта тақсимот дастури ҳисобланади.

2. Мажбурий пенсия суғуртаси. Ушбу суғурта меҳнатга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рискларни суғурталаш мақсадида ёлланиб ишловчилар ва ўзини-ўзи иш билан таъминловчи шахслар томонидан мажбурий суғурта бадалларини тўлашни тақозо этади. Тақсимот ёки жамғариш тамойилларига асосланган пенсия дастурлари деярли барча мамлакатларда амал қилади.

3. Шахсий (ихтиёрий) пенсия суғуртаси. Ушбу суғурта кенгайтирилган ёки айрим ҳолатларда иккинчи институтнинг ўрнини босувчи суғурта ҳисобланиб, фуқароларнинг хоҳиш-ихтиёри ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, шакллантирилади. Фуқароларнинг меҳнат фаолияти тугагандан кейин ихтиёрий суғурта уларнинг турмуш даражасига реал таъсир кўрсатади. Айрим мамлакатларда ихтиёрий пенсия суғуртаси ишчиловчиларни меҳнат фаолияти тугагандан кейинги даврда ўзини-ўзи ҳимоялашнинг муҳим механизми вазифасини ўтайди.

Мутахассисларнинг фикрича, қайд этиб ўтилган институтларнинг барчасидан фойдаланиш нисбатан ишончли пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш имконини беради.

Маълумки, биринчи классик пенсия тизими XIX аср охирларида пайдо бўлган бўлиб, биринчи тўлақонли пенсия тизимини яратиш борасида етакчи давлат Германиядир. 1883-1884 йилларда Германияда касаллик ва шикаст олганлик учун молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинди, кейинчалик 1889 йилда эса пенсия таъминоти пайдо бўлди¹. XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб пенсия таъминоти барча ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг асосий шаклига айланди.

Мамлакатларда юз бераётган иқтисодий ва демографик ўзгаришларга боғлиқ равишда пенсия таъминоти соҳасида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби ўзгариб, такомиллаштирилмоқда. Ўз навбатида, пенсия таъминоти тизимини ташкил қилиш шакллари ва молиялаштириш усуллари бугунги кунга қадар илмий мунозара майдонида бўлиб келмоқда, муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу соҳада изланиш олиб бораётган мутахассис ва тадқиқотчилар пенсия тизимларини давлатнинг иқтисодиётдаги роли, хусусий ва давлат пенсия тизимлари компонентларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб гуруҳлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, пенсия тизимлари эволюцияси давлат моделларининг аралаш моделларига қараб, аралаш моделлардан эса хусусий моделларга қараб ривожланган (1.2.1-жадвал)².

1.2.1-жадвал

Пенсия тизимларининг гуруҳланиши

Давлат пенсия тизимлари	Хусусий пенсия таъминоти билан тўлдирилган давлат пенсия тизимлари	Давлат пенсия таъминоти билан тўлдирилган хусусий пенсия тизимлари	Хусусий пенсия тизимлари
Собиқ совет иттифоқи ва бошқа мамлакатлар, Италия, Сингапур	АҚШ, Канада, Австралия, Германия	Буюк Британия, Япония	Чили

¹Мосейко В. В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства // Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования. –Томск. 2008. –С. 19.

²Новиков А. А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 5. - С. 67.

Бошқа гуруҳ мутахассислари пенсия тизимларини ташкил этишнинг англосаксон (Беверидж модели) ва континентал (Бисмарк модели) тизимларини фарқлашади³. Уларнинг фикрича, Беверидж моделига (Буюк Британия, АҚШ, Канада) хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: иш ҳақи миқдорининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг юқорилиги (60-65%), тақсимот тизимида ажратилаётган бадаллар миқдорининг камлиги (иш ҳақи миқдорига нисбатан 12-14 % ёки ЯИМга нисбатан 6-7 %), қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 3-4%).

Бисмарк модели (Германия, Италия, Австрия, Франция) эса қуйидаги хусусиятларга эга: иш ҳақи миқдорининг ЯИМдаги улушининг камлиги (45-50%), бадаллар миқдорининг юқорилиги (ЯИМга нисбатан 15%гача), қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 2-3%).

Яна бир гуруҳ иктисодчилар пенсия тизимини ташкил этишнинг қуйидаги уч хил турини фарқлашади:⁴

Беверидж модели. Бу модель Буюк Британия, Австралия, Ирландия, Канада ва Шимолий Европанинг қатор мамлакатлари учун хос бўлиб, собиқ совет пенсия тизимида хос бўлган умумий тамойилларга эга.

Хусусий корпоратив модель. Ушбу модель АҚШ, Латин Америкаси мамлакатлари, Португалия, Бельгия, Нидерландия, Финляндияга хос бўлиб, устун даражада нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятига асосланади.

Бисмарк модели. Бу модель Германия, Австрия, Люксембург, Франция, Италия, Греция, Швейцарияда қўлланилади. Ушбу модель пенсия фондларини шакллантиришда иш берувчилар ва ёлланиб ишловчиларнинг тенг қатнашишларига асосланади.

Молиялаштириш усулларига кўра, тақсимловчи (авлодлар бирдамлиги) ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари фарқланади.

Тақсимот тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари кейинги авлод томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобидан таъминланади.

Жамғариладиган тизимда эса бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун эмас, балки капиталлаштирилади ва инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик жамғаришни амалга оширган шахсларнинг пенсия таъминоти учун

³ Роик В.Д. Эволюция пенсионных систем: мировые тенденции и опыт России //Человек и Труд. 2008. № 8.

⁴ Шатохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом: учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации, Яросл. гос. ун-т им. П.Г. Демидова. -Ярославль: изд-во ЯрГУ. 2002. –С.7.

фойдаланилади. Аксарият мамлакатларда пенсия тизимларида тақсимот ва жамғариладиган тамойиллари биронтасининг устуворлиги шароитида аралаш қўлланилади.

Пенсияларни молиялаштириш тақсимот моделининг шаклланиши ва ривожланиши XX асрнинг 50-70-йилларидаги демографик портлаш даврига тўғри келади. Тақсимот тизимининг ишончилиги мажбурий суғурта тўловларини амалга ошираётган ишловчилар сонининг пенсионерлар сонидан ортиқлиги ҳисобига эришилган.

Пенсиянинг тақсимот тизими қуйидаги афзалликларга эга:

– тақсимот механизми юқори даромадга эга бўлмаган кишиларнинг юқори даражада ҳимояланганлигини таъминлаб бера олади;

– иқтисодий ўсишга мос равишда пенсиялар миқдорини реал ошириш имконини беради;

– пенсиялар ишлаётган фуқароларнинг тўловлари ҳисобидан тўланаётгани учун кишиларнинг пенсия олиш ҳуқуқи тезда амалга оширилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ушбу тизимнинг самарадорлиги демографик вазиятнинг ёмонлашуви шароитида кескин пасайиб кетади.

XX асрнинг 80-йилларидан туғилишнинг камайиши ва фуқаролар яшаш давомийлигининг узайиши натижасида аҳолининг кексайиши билан боғлиқ равишда тақсимловчи пенсия тизимида муаммолар кузатила бошлади. Мутахассисларнинг прогнозларига кўра, 2030 йилгача ривожланган мамлакатларда ишловчи аҳолига тўғри келувчи пенсия ажратмалари миқдори тахминан икки баробарга ортади⁵. Кўпгина давлатларда ишловчи аҳолига пенсия устамаларининг (ажратмаларининг) ортиши пенсия жамғармалари бюджетининг камомадини келтириб чиқарди, унинг миқдори ҳозирги пенсионерларга пенсия тўловларини таъминлай олмай қолди. Ушбу муаммони битта пенсионерга тўғри келувчи ишловчи фуқаролар сонининг нисбати динамикаси асосида таҳлил қилиш мумкин. Масалан, XX асрнинг 50-йилларида ривожланган давлатларда ушбу коэффициент бир пенсионерга 3,5 ишловчини ташкил этган бўлса, 90-йилларга келиб эса 2,5 ни ташкил қилди⁶. Мутахассисларнинг фикрига кўра, пенсионерлар ва банд фуқаролар сонининг нисбати

⁵Гайдар Е.Т. История пенсий. Становление и кризис системы социальной защиты в современном мире. Статья вторая//Независимая газета. 2004. 13 июля. -С. 10.

⁶Борисенко Н.Ю. Мировой опыт проведения пенсионных реформ // Финансы и кредит. 2004. № 18. -С. 54

1:10 нисбатдан кам бўлмаган даражада бўлса, тақсимловчи пенсия тизими самарали бўлиши мумкин⁷. Шунингдек, жамиятдаги индивидуалистик тенденцияларнинг ортиб бориши билан вужудга келган психологик омиллар ҳам тақсимловчи пенсия тизимининг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қила бошлади. Йигирманчи асрнинг охирларидан бошлаб юқори даромадли аҳоли пенсия таъминотидаги тенглаштириш тамойилига нисбатан ўз норозиликларини билдириб, ҳар кимга нисбатан алоҳида ёндашувни талаб қила бошладилар.

Бу муаммолар амалдаги пенсия тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди. Унинг ечими сифатида 1994 йилда Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан жамғариладиган пенсия таъминоти модели ишлаб чиқилди. XX аср охирида жаҳонда бешта мамлакат (Боливия, Чили, Сальвадор, Мексика, Қозоғистон) жамғариладиган тизимга тўла ўтди.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг Чили модели тажрибаси таҳлили кўрсатишича, фақат жамғариладиган пенсия тизимидан фойдаланиш унинг молиявий барқарорлигини оширмади, барча ишловчиларни қамраб олмади, пенсионерларнинг, асосан, аҳолининг кам мулкли қатламининг моддий аҳволини барқарорлаштиришга олиб келмади. Бугунги кунда Чили ҳукумати жамғариладиган пенсия тизимида иштирок этувчи пенсионерларга ёрдам кўрсатишга мажбур бўлмоқда⁸.

Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг “Америка қитъаси учун динамик ижтимоий таъминот: ижтимоий бирдамлик ва институционал хилма-хиллик” номли маърузасида тақсимловчи тизимдан жамғариб бориладиган тизимга ўтишнинг салбий оқибатлари ёритиб берилган⁹:

- пенсия капиталини шакллантиришда аҳоли манфаатдорлигининг паст даражаси;
- қоплаш коэффициентининг пасайиши;
- тақсимловчи тизимдан жамғариладиган тизимга ўтишдаги харажатларнинг юқорилиги (Чилида бу харажатлар ЯИМнинг 5%ни ташкил этган);
- ижтимоий нафақаларни тўлаш учун давлатга қўшимча юклама;

⁷Пенсионная реформа: от слов к делу//Ваш Банк. Экономист. Декабрь 2000.

⁸Оскомина Чилийского чуда// Фонд "Антикризис". 2009. 27 июля.

⁹Итоги пенсионной реформы и долгосрочные перспективы развития пенсионной системы Российской Федерации с учетом влияния мирового финансового кризиса//Пенсионное обозрение. 2011. 22 декабря.

- пенсия жамғармаларини бошқаришга юқори харажатлар.

Натижада Жанубий Америка давлатлари давлат тақсимловчи пенсия тизимини тиклашга йўналтирилган пенсия тизимини яннгитдан ислох қилишга киришдилар.

Бу ислохотлар икки асосий йўналишда амалга оширилади:

а) тақсимловчи механизмларни қайта тиклаш; 2002 йилдан бошлаб Чили пенсиянинг базавий даражасини киритди;

б) жамғариладиган тизимни инкор қилиш ва тақсимловчи тизимга қайтиш. 2009 йил 1 январдан бошлаб Аргентина суғурталанган шахсларнинг (9.5 млн.) пенсия жамғармаларини нодавлат пенсия жамғармаларидан олиб Аргентина давлат пенсия жамғармасига берди.

Пенсия ислохотлари даврида ҳозирги авлодга пенсия тўлаш учун турли мамлакатларда қуйидаги чоралар қўлланилади:

- тақсимловчи тизимни қисман сақлаб қолиш (Польша, Венгрия, Швеция, Уругвай);

- пенсия жамғармасига бадаллар миқдорини ошириш – кўпгина ривожланган мамлакатларда қўлланилган;

- пенсия даромадларидан эмас, балки, масалан, Хитойдаги каби лотереялардан даромад ёки Аргентинадаги каби қўшилган қиймат солиғидаги даромаддан фойдаланиш;

- ўтиш даврида бюджет профицитидан фойдаланиш (Хитой);

- приватизацион даромадлардан фойдаланиш (Перу, Боливия, Польша).

Саноати ривожланган кўпгина мамлакатларда мажбурий пенсия тизимини ташкил қилишда асосий ўринни тақсимловчи схемалар эгаллайди. Жамғариладиган тизимлар, асосан, ихтиёрий (қўшимча) характерга эга.

Кўриб чиқилган моделларнинг ҳар биридан муайян иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкин, аммо пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг самарали воситаси уларнинг биргаликдаги фаолияти ҳисобланади.

Пенсия таъминотидаги институционал ўзгаришлар самараси, аввало, уларнинг қандай социал институт ва механизмларга таяниши, қандай социал дастак ва индикаторлардан фойдаланишига, тартибга солиш хусусиятларига боғлиқ.

Пенсия тизимларини тартибга солиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Ёндашувлар ўртасидаги фарқланиш тизимнинг тарихий эволюцияси, пенсия жамғармалари тузилмасининг ўзига хос ҳуқуқий

хусусияти, молиявий бозорнинг институционал ривожланиш даражаси ва уни тартибга солиш, иқтисодий тараққиётни ўзи ичига олувчи омиллар билан асосланади. Вариантларнинг ижобий жиҳатларини соддалашган схемага сиғдириш мумкин эмас, бироқ умумий компонентларни аниқлаш мумкин. Тартибга солишнинг ўзига хос компонентлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лицензиялаш мезонлари;
- жамғарма бошқарувини тартибга солувчи қоидалар;
- активларнинг бўлинишини тартибга солувчи қоидалар;
- ташқи аудитор/актуарий талаблари;
- ахборотларни ошкор қилишга талаблар;
- инвестицияларни тартибга солиш;
- кафолатлар;
- минимал капитал ва заҳираларга талаблар;
- харажатларни тартибга солиш.

Пенсия заҳираларини марказлашган ҳолда тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бу борадаги асосий масалалардан бири инвестицион жараёнларни деполитизация қилиш ва инвестицион қарорлар қабул қилишда нафақат бюджет манфаатларини, балки суғурталанган шахснинг пенсия даромадини ошириш борасидаги узоқ муддатли манфаатларини ҳам инобатга олиш лозим.

Пенсия тизимини молиявий таъминлаш усуллари, фонд таркиби, хусусий, касбий тизимлар ва давлатнинг роли, суғурта бадаллари ва пенсия тўловларининг ўзаро алоқаси пенсия тизими амал қилишининг самарадорлик даражасини белгиловчи муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, пенсия тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масалалари илмий адабиётларда тадқиқот доирасидан четда қолиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, пенсия тизимининг самарадорлигини аниқлашда, пенсия тизими амал қилишининг алоҳида жиҳатларини акс эттирувчи - макроиқтисодий, молиявий, ташкилий ва функционал самарадорлик кўрсаткичларига асосланган тўрт ёндашувни ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Пенсия тизимининг самарадорлиги макродаражада тизим амал қилишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва инсон омилини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давлат томонидан тартибга солиш даражасини акс эттиради.

Молиявий нуқтаи назардан, пенсия тизимининг самарадорлиги, маблағларни жалб қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ишлатилиш даражасини ифода этади.

Пенсия тизимининг ташкилий самарадорлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда қўлланилаётган ташкилий усулларнинг натижавийлигини акс эттиради.

Пенсия тизимининг функционал самарадорлиги ижтимоий зарарларни қоплаш даражасини акс эттириб, қоплаш коэффициенти, тўловлар даражаси ва унинг қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мос келиши ҳамда ижтимоий меъёрлар даражасига мослиги кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Пенсия тизимига суғурта бадалларини қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган счетлардан фойдаланган ҳолда молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишнинг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олган ҳолда, пенсия миқдорини белгилаш каби белгилар хос.

Бундан келиб чиқадики, агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, ҳозирги пайтда пенсия тизимини ривожлантириш ва молиялаштириш борасида дунё амалиётида катта эътибор қаратилаётган жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш чораларини кўриш зарур.

Пенсияни молиялаштиришнинг жамғариладиган механизмидан фойдаланиш институтлари пенсия таъминоти ва суғуртанинг нодавлат институтлари ҳисобланади. Шу сабабдан жамғарма механизмлари дастурини умумдавлат пенсия суғурта тизимига жорий этишда пенсия жамғармалари маблағларини бошқариш бўйича тажрибага эга мамлакатлар амалиётини чуқур, таҳлилий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

1.3. Пенсия тизимларини гуруҳлаштириш услубияти

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Европа иттифоқи, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), МАСО таҳлилий материалларида пенсия тизимларини гуруҳлашнинг турли ёндашувларини таҳлил этиш мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти миллий пенсия тизимларининг тарихий шаклланиш хусусиятларидан келиб чиқиб,

ҳуқуқий шаклларига қараб эмас, балки молиялаштириш тамойилларига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлади. ХМТ ва МАСО тавсияларига кўра, мажбурий пенсия тизимларига фақат универсал давлат пенсия дастурлари киритилади. Турли касбий, корпоратив ва индивидуал пенсия дастурлари ушбу тизимга киритилмайди.

Умуман, иқтисодий адабиётларда пенсия тизимларининг умумқабул қилинган ягона классификацияси мавжуд эмас. Бу эса пенсия тизимларининг муайян даражасида мажбурий ва ихтиёрий жамғариш компонентининг ўрнини аниқлашда сезиларли фарқнинг юзага келишига олиб келади.

Дастлаб, анъанавий ҳисобланган пенсия тизимларининг уч даражаси фарқланади¹⁰:

1) мажбурий бирдамлик-таксимот компоненти – барча категориядаги пенсионерларнинг минимал турмуш даражасини давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминлашни кафолатлашга қаратилган дастурлар;

2) мажбурий персонификациялаштирилган компонент – ҳар бир суғурталанувчи шахс томонидан шакллантириладиган иқтисодий механизм. Суғурталанувчи шахс меҳнатга лаёқатли даврдаги турмуш даражасидан келиб чиқиб, меҳнатга лаёқатсиз даврдаги турмуш даражасини таъминлаш учун маблағ жамғаради;

3) ихтиёрий жамғариладиган компонент – жисмоний шахс томонидан жамғарилиши ёки иш берувчи томонидан тақдим этилишидан қатъи назар, ихтиёрийлик тамойилига асосланади.

Биринчи даражага қуйидаги пенсиялар киради: минимал, таянч пенсия ёки муҳтожлик бўйича пенсия.

Иккинчи даражадаги пенсия қуйидагича гуруҳланади:

- суғурталовчилар бўйича (давлат ва хусусий);
- пенсия ҳуқуқининг шаклланиш усули бўйича (бадаллар ёки тўловлар миқдори ўрнатиладиган);
- давлат пенсия мажбуриятларининг шаклланиш усули бўйича («балли» ёки «шартли-жамғариладиган ҳисоблар билан»).

Аммо ИХТТ қўллайдиган услубиятга мувофиқ, хусусий пенсия дастурлари доирасида иккинчи даражали пенсия тизимига мажбурий ёки квази-мажбурий профессионал пенсия схемалари киради. Ушбу схемаларни яна “корхона ходимлари учун схемалар” сифатида ҳам тушуниш мумкин. Бу турдаги пенсия схемалари Нидерландия,

¹⁰http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2013-en

Швейцария, Швеция, Дания, Австралия, Исроил ва Норвегия каби мамлакатлар учун хос (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Пенсия тизимларининг таркиби (ИХТТ услубияти)¹¹

Мамлакатлар	Биринчи даража (мажбурий, умумий, бирдамлик-таксимот тизими)			Иккинчи даража (мажбурий, жамғариладиган тизим)	
	Муҳтожлик бўйича пенсиялар	Таянч пенсиялар	Минимал пенсиялар	Давлат пенсиялари	Хусусий, профессионал пенсиялар
1	2	3	4	5	6
Австралия	мавжуд				ЎБС
Австрия				ЎТС	
Бельгия	мавжуд		мавжуд	ЎТС	
Канада	мавжуд	мавжуд		ЎТС	
Чили	мавжуд		мавжуд		ЎБС
Чехия		мавжуд	мавжуд	ЎТС	
Дания	мавжуд	мавжуд			ЎБС
Эстония		мавжуд		балли	ЎБС
Финляндия			мавжуд	ЎТС	
Франция			мавжуд	ЎТС +балли	
Германия	мавжуд			балли	
Греция			мавжуд	ЎТС	
Венгрия				ЎТС	ЎБС
Исландия	мавжуд	мавжуд			ЎТС
Ирландия		мавжуд			
Исроил		мавжуд			ЎБС
Италия	мавжуд			ШЖТ	
Япония		мавжуд		ЎТС	
Корея Республикаси	мавжуд	мавжуд		ЎТС	
Люксембург	мавжуд	мавжуд	мавжуд	ЎТС	
Мексика			мавжуд		ЎБС
Нидерландия		мавжуд			ЎТС

¹¹Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012. С. 154.

1.3.1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6
Янги Зеландия		мавжуд			
Норвегия			мавжуд	ШЖТ	ЎБС
Польша			мавжуд	ШЖТ	ЎБС
Португалия			мавжуд	ЎТС	
Словакия			мавжуд	балли	ЎБС
Словения			мавжуд	ЎТС	
Испания			мавжуд	ЎТС	
Швеция			мавжуд	ШЖТ	ЎБС
Швейцария	мавжуд		мавжуд	ЎТС	ЎТС
Туркия			мавжуд	ЎТС	
Буюк Британия	мавжуд	мавжуд	мавжуд	ЎТС	
АҚШ			мавжуд	ЎТС	
Россия		мавжуд		ШЖТ	ЎБС

Изоҳ: Ўрнатилган тўловли схема – ЎТС; Ўрнатилган бадалли схема – ЎБС; Шартли-жамғариладиган тизими – ШЖТ.

Профессионал пенсия тизимлари меҳнат шартномалари ва корпоратив пенсия келишувлари орқали намоён бўлади, аксарият мамлакатларда давлат қонунчилиги даражасида эмас, балки ёлланиб ишловчилар, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқ муносабатлари орқали тартибга солинади. Такдим этилаётган мамлакатлардан Швейцария ва Австралия истисно қилинади. Австралияда мажбурий профессионал схемалар ҳуқуқий жиҳатдан 1992 йилда, Швейцарияда эса 1982 йилда жорий этилган. Бундай схемалар Европада Франция, Исландия, Лихтенштейн ва Швейцария мамлакатларида мавжуд.

Нидерландияда мавжуд қонунчиликка кўра, иш берувчилар учун ишловчиларга пенсия таъминоти дастурларини таклиф этишлари назарда тутилмаган бўлса-да, иш берувчилар ва ишловчилар ўртасида шу турдаги келишувлар ишчилар ва ходимларнинг 91%ни қамраб олади. Австралияда ойлик иш ҳақи 450 Австралия долларидан ошмайдиган ишчилар мажбурий профессионал пенсия тизимида бадаллар тўлашмайди, Швейцарияда эса ушбу кўрсаткич 20520 франкка тенг. Шу билан бирга, Австралия ва Швейцарияда ўзини-ўзи иш билан таъминловчи аҳоли мажбурий профессионал пенсия тизимида қатнашмайди. Демак, мажбурий профессионал пенсия

схемаларини мажбурий универсал жамғариб бориладиган компонент қаторига киритиш мумкин эмас.

ИХТТ мамлакатларида даромадга йўналтирилган мажбурий компонент ҳам пенсия тизимининг иккинчи даражасига киритилади. Норвегияда иккинчи даражада давлат пенсия схемаларида шартли-жамғариб бориладиган ҳисоблар, хусусий схемаларда эса миқдори белгилаб қўйиладиган бадаллар схемаси амал қилади. Норвегия пенсия тизими қуйидаги даражаларга эга: даромадга йўналтирилган (суғурта, шартли-жамғариб бориладиган), кафолатланган (муҳтожлик бўйича) ва мажбурий профессионал пенсиялар. Демак, ИХТТ услубияти бўйича мажбурий жамғариб бориладиган компонентни аниқлашда барчани қамраб олиш ва улар учун умумийлик шартлари ҳисобга олинмайди.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсияларида уч даражали пенсия тизими кузатилади (Social Security Programs, 2010a, 2010b):

– биринчи даража: минимал пенсиялар – аҳолининг барча қатламлари учун қамбағалликка қарши йўналтирилган (реал муҳтож аҳоли учун) пенсиялар. Биринчи даражани молиялаштириш суғурталанаётган шахслар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари, давлат бюджетининг умумий солиқли даромадлар қисмидан амалга оширилиши мумкин. Минимал пенсиялар харид қобилияти нуқтаи назаридан мажбурий индексацияланиши зарур;

– иккинчи даража: давлат пенсиялари суғурта тамойиллари асосида мажбурий тақсимланадиган пенсиялар – ушбу пенсиялар йўқотилган иш ҳақиға мос пенсия миқдорини (қоплаш коэффиценти) таъминлаб бериши зарур. Пенсияларнинг ушбу даражаси йўқотилган иш ҳақиға мослик тамойилини қўллаб-қувватлаш учун тўлиқ индексацияланиши зарур;

– учинчи даража: бадаллар миқдори белгиланган жамғариладиган схема пенсия мажбуриятларини хусусий бошқаришни назарда тутди. Аҳолининг айрим табақалари учун мўлжалланган давлат пенсия дастурларини тўлдириш зарур. Ушбу схема барча учун умумий ҳисобланмайди. У профессионал ва индивидуал пенсия схемаларини ўз ичига олади.

Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) тавсияларида ҳам миллий пенсия тизимлари уч даражали пенсия тизимларига ажратилади (Les pensions privées, 2005):

– биринчи: давлат томонидан бошқариладиган тўловлар миқдори умумий белгиланадиган тақсимот (Pay-As-You-Go) тизими;

– иккинчи: бадаллар миқдори белгиланадиган мажбурий персоналлаштирилган тизим;

– учинчи: кексалик даврида кўпроқ моддий ҳимоядан манфаатдор суғурталанувчилар учун ихтиёрий жамғармаларни индивидуал ҳисобга олиш тизими.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, пенсия тизимларини таҳлил этиш тамойилларининг бир-бирига яқинлигига қарамасдан, уларнинг мазмунида фарқлар мавжуд. Ушбу фарқлар пенсия ҳуқуқларининг шаклланиши асосида ётувчи иқтисодий тамойилларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Хусусан, Жаҳон банки классификациясида аксарият мамлакатлар амалиётида алоҳида ўринга эга бўлган мажбурий жамғариладиган профессионал схемалар ўз аксини топмаган. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда Жаҳон банки услубиятида асосий эътибор кўп даражали пенсия тизимиغا қаратилмоқда.

Пенсия тизимларининг даражаси бўйича гуруҳланиши Жаҳон банки томонидан тақлиф этилган ва жуда оммалашган гуруҳлаш ҳисобланади. Дунёнинг аксарият мамлакатларида кўп даражали пенсия тизимлари амал қилади. Бунда 2- ва 3-даражалар ҳам давлат тизимида, ҳам хусусий бўлиши мумкин. Пировардида мамлакат пенсия тизимининг асосий хусусиятини даражалар сони ва уларнинг таркибий тузилиши белгилаб беради:

0-даража – энг камбағал ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини зарур ижтимоий нафақалар билан таъминлаш. Бунда бадаллар кўзда тутилмаган, тўловлар миқдори эса давлат томонидан белгиланади (масалан, пенсионер учун яшаш минимуми). Пенсия жамғармаси иш берувчилар ва давлат бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

1-даража – бирдамлик тизими. Ишловчилар меҳнатга лаёқатли ёшида пенсия тизимиغا бадаллар ўтказилади, пенсионерларнинг пенсияларини молиялаштирадиган ва пенсия ёшига етганларида нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Жорий даврда ишлаётганларнинг пенсиялари кейинги авлод бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади (Pay-As-You-Go, PAYG). Демак, биринчи даража иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар бадалларидан молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизимлари, одатда, давлат томонидан бошқарилади.

2-даража – жамғариб бориладиган тизим. Ушбу тизимда жамғармалар индивидуал ҳисоб-рақамларда сақланади ва турли молиявий воситаларга инвестицияланади. Жамғармалардан

пенсияларни тўлаш бўйича жорий харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилмайди, улар эгасига пенсия ёшига етганда ишлаб топилган фоизлари билан биргаликда қайтарилади. Иккинчи даража тўлов ёки бадаллар миқдори қайд этилган, хусусий ёки давлат шаклида бўлиши мумкин. Бу тизимда қатнашиш мажбурий ҳисобланади.

3-даража – ихтиёрий жамғариб бориладиган тизим. Ушбу тизим ишловчиларга пенсия ҳисоб-рақамларига ихтиёрий асосда қўшимча маблағлар ажратиш имконини беради.

2 ва 3 - даражалар иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар жамғармалари ва даромадлардан келадиган фоизлар ҳисобидан молиялаштирилади. 1.3.2-жадвалда пенсия тизимларининг турлари келтирилган.

1.3.2-жадвал

Пенсия тизимларининг турлари¹²

	Тўловлар ва бадалларни ҳисоблаш тартиби	Қаерда ва қандай амал қилади
Ижтимоий нафақалар (0 -даража)	Тўловлар давлат томонидан белгиланади ва молиялаштирилади	80 дан ортиқ мамлакатларда амал қилади
Бирдамлик тизими (1- даража)	Ўрнатилган тўловлар	Аксарият мамлакатларда мажбурий давлат суғурта тизими. Доимо давлат тасарруфида бўлади
Жамғариб бориладиган тизим (2 ва 3- даражалар)	Ўрнатилган тўловлар	Кўпинча ихтиёрий (яъни 3 - даража). Австралия, Нидерландия, Чили ва Шарқий Европа мамлакатларида мажбурий (2-даража); одатда, хусусий шаклда бўлади.
	Ўрнатилган бадаллар	Ихтиёрий (яъни 3- даража) ва хусусий шаклда

Ушбу гуруҳлаштиришда мажбурий профессионал схемалар эътиборга олинади. Жаҳон банки уларни пенсия тизимининг иккинчи

¹²McKinsey Global Institute (2013) Financial Globalization: Retreat or Reset? Global capital markets 2013. McKinsey & Company. Available at:http://www.mckinsey.com/insights/global_capital_markets/financial_globalization

даражасига киритади. Шунингдек, профессионал ва ихтиёрий схемаларни ҳам фарқлаш зарур. Улар пенсия тизимининг учинчи даражасига тааллуқли бўлиб, мажбурий универсал жамғариб бориладиган компонентни аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон банкининг охири гуруҳлашига кўра, даромадга йўналтирилган пенсиялар пенсия тизимининг биринчи даражасига мос келади ва жамғариб бориладиган даражада ҳисобга олинмайди.

Шунинг учун турли халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган пенсия тизимлари гуруҳлаштирилишидаги фарқ гуруҳлаштириш асосига кўйилган мезон ёндашувларининг турличалиги билан изоҳланади. ИХТТ ва ХМТ мутахассислари пенсия тизимларини гуруҳлашда бадал тўловчилар нуқтаи назаридан ёндашишган бўлса, Жаҳон банки мутахассислари ХМТ ва МАСО услубиятига яқин бўлган институционал ёндашувдан фойдаланишган.

Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (МАСО) Social Security Programs Throughout the World пенсия тизимларини турли даражаларга бўлмайди ва пенсия тизимларининг қуйидаги алоҳида мажбурий компонентларини ажратади:

1) миқдори қайд этилган тўловлар (flat-rate) – меҳнат стажи ёки резидентлик муддатига асосланган ҳолда тўланадиган, миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланадиган тўлов, пенсия. Ушбу турдаги тўловлар иш ҳақидан ундириладиган солиқлар, ёлланиб ишловчилар ёки иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади;

2) даромадга йўналтирилган пенсиялар (earnings-related pension) – миқдори иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган пенсия. Бу турдаги пенсиялар иш ҳақидан ундириладиган солиқлар, ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади;

3) муҳтожлик бўйича (means-tested) – ўзи ёки оиласининг даромади, активлари миқдори белгилаб қўйилган минимал даражадан пасайиб кетган шахсларга тўланадиган пенсия. Бу турдаги пенсия, одатда, ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан эмас, балки давлат бюджетидан молиялаштирилади;

4) миқдори қайд этилган универсал тўлов (flat-rate universal) – миқдори иш ҳақи миқдорига эмас, балки резидентлик муддатига асосланган ҳолда белгиланадиган тўлов, пенсия. Одатда, давлат бюджетидан молиялаштирилади;

5) жамғариб бориладиган жамғарма (provident funds) – ёлланиб

ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат томонидан бошқариладиган махсус жамғарма. Бу турдаги жамғармадан пенсиялар бир маротабалик фоизлари билан ҳисобланган миқдор шаклида тўланади. Европада бундай жамғармалар учрамайди;

6) профессионал пенсиялар (occupational retirement schemes) – тадбиркорлар ва айрим ҳолларда ёлланиб ишловчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган профессионал хусусий пенсия. Нафақалар миқдори қайд этиб қўйиладиган тўловлар, аннуитет ёки пенсия кўринишида тўланади;

7) индивидуал пенсия (individual retirement scheme) – ёлланиб ишловчилар ва айрим ҳолларда иш берувчилар иш ҳақидан муайян фоизларнинг индивидуал ҳисоб-рақамларига ўтказишлари ҳисобидан шаклландиган пенсия. Ушбу пенсия ёлланиб ишловчи танлайдиган давлат ёки хусусий пенсия жамғармалари томонидан бошқарилади. Жамғарилган капитал аннуитет ёки маблағларни ечиб олиш дастурларини (ёки иккала вариантни биргаликда) сотиб олиш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, жамғарилган капитал бир йўла тўланиши ҳам мумкин.

Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг гуруҳлашишига мувофиқ, 170 та мамлакатдан 26 тасида муайян шаклдаги индивидуал-жамғариладиган пенсия дастурлари, 16 тасида жамғариб бориладиган жамғармалар ва 9 тасида профессионал пенсиялар амал қилади. (1.3.3-жадвал).

Таҳлиллар миллий пенсия тизимларида жамғариб бориладиган компонент қатор хусусиятларга эга бўлиб, амал қилишида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар жамғариб бориладиган компонентнинг демографик инқироз даврида пенсия тизимларининг барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи универсал дастак эмаслигини билдиради (1.3.4-жадвал).

Масалан, Швеция пенсия тизимида ХМТ ва МАСО услубияти бўйича мажбурий жамғариб бориладиган компонент кўзда тутилган. Аммо ушбу компонентнинг пенсия суғуртасидаги улуши оз. Швецияда жамғариб бориладиган компонент учун иш ҳақидан пенсия суғуртаси учун ажратиладиган 18,5% маблағнинг 2,5%и ўтказилади. Венгрияда жамғариб бориладиган давлат пенсия мажбуриятларини бажариш даражаси молиявий инқироз даврида кескин пасайиб кетди. Венгрия Европада биринчилардан бўлиб пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия суғуртаси моделини жорий этди.

**МАСО услубиятига кўра мамлакатларнинг жамғариб
бориладиган компонентлар бўйича гуруҳланиши¹³**

Компонент-лар	Мамлакат-лар сони	Минтақа	Мамлакатлар
Жамғариб борилади- ган жамғарма- лар	16	Осиё ва Океания (12 та мамлакат)	Бруней, Фижи, Ҳиндистон, Индонезия, Кирибати, Малайзия, Непал, Самоа, Сингапур, Соломон ороллари, Шри-Ланка, Вануату
		Африка (4 та мамлакат)	Свазиленд, Уганда, Гамбия, Кения
Профессио- нал пенсия	9	Европа (4 та мамлакат)	Франция, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария
		Осиё ва Океания (3 та мамлакат)	Австралия, Гонконг, Папуа- Янги Гвинея
		Америка (1 та мамлакат)	Бермуд ороллари
		Африка (1 та мамлакат)	Гана
Индивидуал пенсиялар	26	Европа (10 та мамлакат)	Болгария, Кипр, Эстония, Венгрия, Латвия, Польша, Руминия, Россия, Словакия, Швеция
		Осиё ва Океания (4 та мамлакат)	Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тайван
		Америка (11 та мамлакат)	Боливия, Чили, Колумбия, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Сальвадор, Мексика, Панама, Перу, Уругвай, Эквадор
		Африка (1 та мамлакат)	Нигерия

¹³ Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012. -С.160.

**ИХТТ мамлакатлари пенсия тизимлари мажбурий
компонентларининг МАСО услубиятига кўра гуруҳланиши¹⁴**

Мамлакатлар	Қайд этиладиган ставка	Даромадга йўналтирилган тизим	Муҳтожлик бўйича нафақа	Универсал қайд этилган тизим	Таъминлаш жамғармаси	Профессионал пенсия тизими	Индивидуал пенсия тизими
Австралия			+			+	
Австрия		+	+				
Бельгия		+	+				
Канада		+	+	+			
Чили		+	+				+
Чехия	+	+					
Дания		+		+			
Эстония	+	+	+				+
Финляндия		+	+				
Франция		+	+			+	
Германия		+					
Греция		+	+				
Венгрия		+					+
Исландия			+			+	
Ирландия	+		+				
Исроил	+		+				
Италия		+	+				
Япония	+	+					
Корея Республикаси		+	+				
Люксембург	+	+					
Мексика		+					+
Нидерландия	+		+				
Янги Зеландия			+	+			
Норвегия	+	+					
Польша	+	+					+
Португалия		+	+				
Словакия		+					
Словения		+	+				+
Испания		+					
Швеция		+	+				+

¹⁴Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012. -С.161.

Венгрияда 1997 йилдан бошлаб уч даражали пенсия тизими шакллантирилган: Венгрия пенсия жамғармасига истиқболда давлат пенсиясини (1-даража) олиш учун тўланадиган бадаллар билан бир қаторда биринчи марта меҳнат фаолиятини бошлаган шахслар даромадларининг бир қисмини хусусий пенсия фондларига (2-даража) ўтказишлари, шунингдек, мустақил пенсия жамғармаларини (3-даража) ҳам шакллантиришлари зарур бўлди.

Венгрияда жамғариб бориладиган компонент ўз меҳнат фаолиятларини бошлаганлар учун мажбурий, бошқа ишчилар учун эса ихтиёрий этиб белгиланди. Натижада жамғариб бориладиган тизимдаги пенсионерлар сони жуда оз бўлади.

Масалан, 2010 йилда Венгрия пенсия тизимининг тақчиллиги ва давлат бюджети даромадларининг қисқариши натижасида хусусий пенсия жамғармаларида жамғармага эга бўлган 3,1 млн. киши хусусий пенсия жамғармаларида қолиш ёки давлат бошқарувидаги пенсия жамғармаларига ўтиб кетиш муаммосига дуч келишди. Хусусий пенсия жамғармаларида қолиш истагини билдирганлар ўз жамғармаларининг 10%ини ҳисобларга хизматлар кўрсатиш учун тўлашлари лозим эди. Бу эса уларни давлат пенсиясини олиш ҳуқуқидан маҳрум этар эди. Натижада хусусий пенсия жамғармаларида 3%гина пенсионерлар (102 минг киши) қолишди. Ҳозирда Венгрияда пенсияларнинг мажбурий жамғариладиган компоненти амалда фаолият кўрсатмаяпти, деган хулосага келиш мумкин.

2-БОБ. НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИНВЕСТИЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

2.1. Пенсия таъминоти тизимида жамғариш усулларини қўллашнинг зарурлиги ва уни тартибга солиш хусусиятлари

Демографик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий омилларнинг ўзгариши пенсия суғуртаси амалиётида пенсияларни молиялаштиришнинг бошқача механизмларини ишлаб чиқиш ва қўллаш заруратини келтириб чиқарди. Пенсияларни шакллантиришга бозор механизмларининг татбиқ этилиши бадал ставкаларидан ташқари, пенсия маблағларини инвестициялашдан олинadиган қўшимча даромадлар ҳисобига ҳам тушумларнинг ўсишини таъминлайди. Кўпгина мамлакатларда пенсия жамғармаларини капиталлаштириш ёки пенсияни молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган механизми усуллари қўлланила бошланди. Бу механизм янги бўлмай, унда суғурта ва жамғариш тамойиллари бирлашади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими тақсимловчи тизимдан тубдан фарқ қилади. Унинг тақсимловчи тизимдан асосий фарқи шундаки, ҳар бир суғурталанган шахс пенсияни ўзи шакллантиради. Жамғариб бориладиган тизимда ишловчининг бадаллари кекса кишиларга тўловларга сарфланмайди, балки капиталлаштирилади, инвестицияланади ва келгусида инвестициялашдан олинган даромадлар билан бирга, жамғаришни амалга оширган шахснинг пенсия таъминоти учун фойдаланилади. Бу ўринда пенсия бадаллари молиявий активларга эга бўлиш учун фойдаланилади. Муайян ишловчининг кексаликдаги пенсиясини молиялаштириш учун мўлжалланган бундай активларнинг умумий миқдори вақт ўтган сари нафақат тушаётган бадаллар ҳисобига, балки активларнинг молиявий маблағларидан фоиз ёки қўйилган капиталга дивиденд шаклида ўсиб боради. Ишловчи пенсияга чиқиш ёшига етганида жамғарилган активлар захирасидан доимий пенсия тўловларини таъминлаш учун фойдаланиш мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими қатор устунликларга эга. У мамлакатдаги демографик вазиятга, ишловчилар ва пенсионерлар нисбатига боғлиқ бўлмайди, бироқ иқтисодий ўсиш суръатига боғлиқ. Жамғариб бориладиган пенсия тизими йиғилган маблағлардан узок муддатли инвестициялаш учун фойдаланиш имкониятини берганлиги сабабли, иқтисодиётни ривожлантиришга имкон берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида кишининг

қанча маблағ жамғариши ва унинг жамғармаси қанчалик самарали инвестицияланганлигига қараб, пенсияларнинг дифференциацияси таъминланади. Шу ўринда эътибор қаратиш лозимки, даромадларнинг тақсимланиши баб-баравар бўлмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими бозор хўжалиги тамойилларига мос келади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ялпи массивлар бўлғуси пенсия тўловларининг замонавий қийматини ташкил қилади, ялпи активлар эса пенсия жамғармасининг маблағларидир.

Жамғариб бориладиган механизмдан фойдаланишнинг ижобий жиҳатлари билан бирга қатор муаммолар ҳам мавжудки, бу механизмни қўллашда мазкур жиҳатларни ҳам эътиборга олиш муҳим. Аввало, ушбу тизимда молиявий риск даражаси юқори бўлади, айниқса, нобарқарор иқтисодиёт шароитида бу ниҳоятда жиддий масала ҳисобланади. Молиявий рискларга активлари пенсия резервларини қоплашга жалб қилинган ташкилотларнинг банкротлик ҳолатларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, жамғариб бориладиган пенсияни шакллантиришга пенсия жамғармаси маблағлари узоқ муддатга капиталлаштирилиши сабабли сиёсий рисклар кучли таъсир кўрсатади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, инфляция тақсимланадиган ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимларига салбий таъсир кўрсатади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия бадаллари ставкасининг математик ҳисоб-китоби бирдамлик тизимида нисбатан мураккаб муносабатни ифода этади. Бадаллар ставкаси активларнинг қайтими нормаси, уларни жамғариш даврининг давомийлиги (яъни, жисмоний шахснинг меҳнат фаолиятининг давомийлиги), пенсия тўланиши лозим бўлган йиллар давомийлиги (яъни, пенсияга чиққандан кейинги яшаш даври), ишловчи иш ҳақининг қоплаш коэффициентига боғлиқ бўлади.

Мутахассислар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ўтиш молиявий ва ташкилий томондан жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Демографик тенденциялардан мустақиллик мамлакатнинг иқтисодий ўсиши суръатига боғлиқликка айланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, пенсия жамғармалари узоқ муддатга капиталлаштирилиши сабабли, сиёсий рисклар ҳам мавжуд бўлади. Баъзи муаллифлар бошқа муаммоларни ажратиб кўрсатадилар, яъни уларнинг фикрича: ушбу тизимда риск унинг иштирокчилари зиммасига тўлиқ юкланади; тизим фақат пенсия олиш учун етарли жамғариш имкониятига эга юқори маошли мутахассислар учунгина

тўғри келади; инфляциянинг муайян суръати шароитида тизим эрозияга учрайди¹⁵. Шунинг учун жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир элементи устида назоратни ташкил этиш бўйича институционал чора-тадбирларни кўриш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, давлатнинг инвестицион сиёсати ҳам бу тизим ривожига кучли таъсир кўрсатади. Инвестициялардан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал қилмасдан туриб пенсия жамғармалари маблағлари базасидаги пенсия ислоҳотларини мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг таъсирчан омилига айлантириб бўлмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий қилиш борасидаги ислоҳотларда фақат макроиктисодий асосланганлик етарли бўлмайди, чунки, пенсия тизими нафақат мамлакатнинг иктисодий, балки ижтимоий тизимининг ҳам қисми ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам унга ижтимоий томондан айри қараш мумкин эмас, пенсия ислоҳотларининг асосий мақсади – пенсионерларнинг шароитини уларнинг меҳнати ҳисобига яхшилаш.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, эркаклар ва аёлларнинг меҳнат бозорида ва бандлик соҳасидаги турлича иштироки сабабли гендер масалалари билан боғлиқ ҳолда пенсия миқдорини жинслар бўйича табақалаштириш муаммоси вужудга келади. Шу туфайли саноати ривожланган мамлакатларда пенсия таъминотида гендер муаммолари доирасида қизгин баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Тадқиқотчилар кўпроқ гендер ҳолислигига эришиш учун пенсия таъминоти тизимида ислоҳотлар зарурлиги тўғрисидаги ғоя борасида кўпроқ гапирмоқдалар.

Аёлларга юқори ҳақ тўланмайдиган ишларда, тўлик бўлмаган иш ҳафтаси режимидаги ишларда, болалар, кексалар ва меҳнатга лаёқатсизларга қараш сабабли ишдаги танаффуслар билан боғлиқ ишларда кўпроқ банд бўлишлик хос. Аёллар бандлигининг бу жиҳатлари пенсия таъминотининг замонавий тизими қурилиши хусусиятига ўз таъсирини кўрсатади, яъни мазкур ҳолат натижада аёлларни пенсия таъминотида етарли қамраб олмаслик, пенсия тўловларининг паст даражада бўлишига олиб келади. Демак, пенсия тизими соҳасидаги ислоҳотларда бу жиҳатларни ҳам инобатга олиш лозим.

¹⁵Роик В.Л., Чернышев С.Д. Социальное страхование – основной путь реформирования досрочных профессиональных пенсий. // Пенсия. 1997. №6.

Пенсияларни молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган механизмини жорий қилишдаги энг муҳим вазифа – маблағларни бошқариш, бутлигини таъминлаш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни ўз ичига олувчи пенсия капитали жамғаришнинг ишончли бошқарув тизимини яратиш. Пенсия жамғармаларининг бутлигини таъминлаш жамғариб бориладиган пенсия тизимида муҳим жиҳат ҳисобланадики, бу унинг самарадорлигига боғлиқ. Шунинг учун жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтиш молиявий соҳани ислоҳ қилиш билан мувофиқликда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун инвестицион жараёнлар субъектлари фаолиятини тартибга солиш механизмини ишлаб чиқиш зарур, бу жараён пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва инвестициялаш борасидаги муносабатлар субъектларига татбиқ этилувчи стандартларни, шунингдек, молиявий активларни танлашни қамраб олган ҳолда инвестициялашни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Пенсия жамғармалари маблағларини муваффақиятли бошқариш кўпгина омилларга боғлиқ. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш ҳаракатларни бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда мувофиқлаштиришни талаб этади, яъни, бир томондан, бўлғуси пенсионерларнинг маблағлари тақдири учун жавобгарликни давлат зиммасига олади, бошқа томондан, инвестициялашни молия бозорининг профессионал иштирокчилари амалга оширади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини шакллантиришда инвестициялашни тартибга солишнинг асосий вазифаси – уни ташкил қилишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш. Бунда инвестициялаш субъектларини (янги тузилма яратиш, активларни бошқариш учун хусусий компанияларни конкурс асосида жалб этиш), танлов, тендер категорияларини аниқлаш; бу субъектларга қўйиладиган талаб ва рискларни пасайтириш ҳамда жавобгарликни ошириш учун уларнинг бозордаги ўзаро муносабати қоидаларини ишлаб чиқиш; манфаатлар низосини тартибга солиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

2.2. Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил қилиш асослари ва асосий тамойиллари

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда пенсия суғуртаси ва таъминотининг нодавлат соҳаси иккита муҳим функцияни бажаради: пенсия ёшидаги шахсларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлаш ва мамлакат иқтисодиётига

инвестициялаш учун пенсия жамғармасы маблағларини жамғариш. Қўшимча пенсия олиш давлат пенсияларини бекор қилмайди, аксинча уни тўлдиради. Давлат пенсия таъминотидан фарқли ўлароқ, қўшимча пенсия таъминотига ажратмалар ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Қўшимча пенсия фуқароларнинг шахсий хоҳиши ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилади ҳамда уларнинг пенсияга чиққандан кейинги турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, нодавлат пенсиялар шахсларнинг меҳнат фаолиятини тамомлагандан кейинги моддий таъминланганлигининг миқдорий даражасини аниқлашда тармоқ ва ҳудудий хусусиятларни катъий ҳисобга олиш имконини беради.

Бунда давлатнинг вазифаси ижтимоий ва инвестицион муаммоларни ҳал қилиш учун мазкур имкониятдан максимал фойдаланишдан иборат. Амалиётнинг кўрсатишича, нодавлат пенсия таъминоти тизимининг ривожланиши нафақат давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига, балки давлатнинг қўллаб-қувватлашига, ҳудудий даражада эса маҳаллий ҳокимият органларининг мадади ва ташаббусига боғлиқ бўлади.

Барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда пенсия таъминоти фақат давлат монополияси ҳисобланмайди. Давлат ўзига таъминотнинг муайян даражаси – йўқотилган иш ҳақининг етарли даражада қоплашни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган қисмини ҳимоялашни олади.

Пенсия таъминоти тизимига нодавлат пенсия институтларини босқичма-босқич жорий қилиш барча ривожланган давлатлар учун хос бўлган умумий тенденциядир. Дастлабки босқичларда жамғариш схемаси, айтиш мумкинки, тасодифан вужудга келган. Пенсия дастурларини ишлаб чиқиш бўйича етакчилар хусусий фирмалар бўлишган, тартибга солувчанлик ролини эса давлатда қолдиришган. Ҳозирги кунда давлат томонидан тартибга солинувчи, иш берувчилар ва хусусий шахслар томонидан молиялаштирилувчи корпоратив ҳамда шахсий пенсия режалари тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Қўшимча пенсия таъминоти тизими, асосан, иш берувчиларнинг ташаббус соҳасидир. Тегишли талабларга мувофиқ лойиҳалаштирилган ва мос бўлган пенсия тизими нафақат ёлланма ишловчиларнинг, балки корхонанинг ҳам кўплаб муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

Бу тизим иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи жамоавий шартномаларнинг

таркибий қисми бўлиши мумкин. Корхонанинг ишловчилари учун пенсия тизимини ташкил қилишдан мақсад – ишловчиларнинг меҳнат фаолиятини яқунлагандан сўнг бирламчи турмуш даражасини сақлаш учун иш ҳақининг қоплаш коэффицентини ошириш, ишловчининг меҳнат жамғармаси билан унинг пенсияси ўртасидаги реал боғлиқликни таъминлаш. Бундай тизимлар ишловчиларнинг меҳнатини рағбатлантиради, пенсияга чиқишда йўқотилган даромадни етарли даражада қоплашни таъминлайди. Бундан ташқари, улар корхоналарга ишловчиларнинг пенсия миқдорини уларнинг малакаси ва иш стажига боғлиқлигини ўрнатган ҳолда малакали кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ҳамда янги юқори малакали мутахассисларни жалб қилишга йўналтирилган персоналларни бошқаришнинг самарали дастурларини яратиш имконини беради. Ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ва эртанги кунга ишончининг ортиши меҳнат натижаларидан манфаатдорлик ҳамда масъулиятлиликнинг ортишини таъминлайди, чунки, уларнинг меҳнат харажатлари меҳнатга қобилятсиз ёшида қопланади.

Нодавлат пенсия жамғармалари тўловлари ва пенсия ҳуқуқларини шакллантириш шартлари ҳамда тартиби пенсия схемаси каби белгиланади. Халқаро гуруҳлаштиришга мувофиқ пенсия схемалари ўрнатилган тўловли (defined benefit plans) ва ўрнатилган бадалли (defined contribution plans) асосда бўлиши мумкин. Белгиланган тўловли схемалар пенсия шартномасини тузишда ҳисобланган ҳар ойлик пенсия тўловларини кафолатлайди.

Ўрнатилган бадалли схемада тўловларнинг муайян миқдори кўзда тутилмайди. Ушбу схемада пенсия бадалларининг миқдори ва даврийлигини омонатчининг ўзи белгилайди ёки нодавлат пенсия жамғармалари ёхуд суғурталовчилар билан бирга белгиланади. Пенсия тўловлари миқдори фақатгина жамғарма миқдорига боғлиқ бўлади.

Ўрнатилган тўловли схемалар бир хил бўлиб, гибрид режалар деб аталувчи, яъни ўрнатилган бадалли режаларнинг бир неча хусусиятларини ўзига олган ўрнатилган тўловли режаларни истисно қилганда, турли шаклларга ажратилмайди. Бу тизимлар, асосан, фақат ташкилот маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ишловчилар бадал тўламайди. Кўрсатиб ўтилган пенсия схемаларидан фойдаланилганида ташкилотнинг бирдамлик ҳисоб-рақами очилади, бу ҳисобни ирода қилиш ҳуқуқига омонатчи (ташкилот) эга бўлади. Шундай қилиб, пенсия тизими бирдамликдаги жавобгарлик ёки қайта тақсимлаш тамойилларида қурилади. Бунда иш берувчи ишловчилар

рўйхати ва пенсия олиш шартларини белгилаш имкониятига эга бўлади. Қўшимча пенсия таъминоти тўғрисида шартнома тузишда ташкилот хизматчилари пенсия тўловлари миқдорини белгилайди, бадаллар миқдори ва тўлаш даврийлиги бадаллар режасида ҳисоб-китоб қилиниб, қайд этилади. Муайян давр ўтганидан кейин кадрлар алмашинуви ва олинган инвестицион даромадлардан келиб чиқиб, бадалларни қайта ҳисоблаш амалга оширилади, бадаллар режасида янгитдан қайд этилади. Ушбу схема ташкилотлар учун кўпроқ мос келади. Бундан ташқари, омонатчи муддатидан олдин шартномани бекор қилиши ва бирдамлик ҳисоб-рақамидаги маблағларни қайтариши мумкин.

Молиялаштириш шартларига кўра, пенсия схемалари қуйидаги турларга бўлинади:

- жорий тушумлардан пенсияларни тўлашга асосланган, фондлаштирилмаган пенсия схемалари;

- фондлаштирилган, пенсия тўлаш учун маблағлар белгиланган жамғармада жамғарилади;

- қисман фондлаштирилган ёки аралаш схемалар, масалан, фақат пенсияга чиқувчи шахслар учун жамғарма ташкил этишни кўзда тутади.

Фондлаштириладиган схемаларга қуйидагилар тааллуқли:

- жамғариладиган, мажбуриятларни белгилашда умр кўриш эҳтимоллиги ҳисобга олинмайди, жамғарма меросхўрлиги кўзда тутилади;

- суғуртавий, мажбуриятларни белгилашда умр кўриш эҳтимоллиги ҳисобга олинади, жамғарманинг меросхўрлиги бўлмайди;

- аралаш (жамғариш-суғуртавий), яъни иккала схемани кетма-кет қўллашни назарда тутади: жамғариш босқичида – жамғариш схемаси, пенсия тўлаш босқичида – суғуртавий схема.

Бундан фарқли равишда, ўрнатилган бадалли режаларнинг кўплаб турлари мавжудки, уларда иштирокчиларни ҳисобга олиш бирдамликда, персонификациялашган, тўловлар эса умрбод ёки муддатли (олдиндан келишилган йиллар давомида) бўлиши мумкин. Мос равишда ушбу тизимларни молиялаштиришнинг турли усуллари мавжуд. Иш берувчилар томонидан ишловчилар учун яратилган ўрнатилган бадалли нодавлат пенсия тизимлари ишловчилар ва иш берувчилар томонидан муайян нисбатда биргаликда молиялаштирилиши мумкин.

Бирдамликдаги ҳисобни очиш, унга иш берувчилар маблағларининг тушиши ва ушбу ҳисобни идора қилиш ҳуқуқи, шу жумладан, нодавлат пенсияларини тўлаш шартлари ўрнатилган тўловли схемадан фойдаланиш каби амалга оширилади. Бирдамликдаги ҳисобли нодавлат пенсияларини тўлашни амалга ошириш учун омонатчи бирдамликдаги ҳисобли тўловлар реестрини тақдим этади ёки корхонанинг бирдамликдаги ҳисоб-рақамидан маблағларни шахсий пенсия ҳисоб-рақамига ўтказиш – ҳисобни персонификациялаш тўғрисида фармойиш беради.

Тизимнинг бир қисмини ишловчиларнинг ўзлари молиялаштирадиган шароитда ишловчилар учун номи кўрсатилган (шахсий) пенсия ҳисоби очилади ва улар ушбу ҳисобни идора қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, индивидуал нодавлат пенсия таъминоти ҳам мавжудки, унинг ҳар бир иштирокчиси ўз имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нодавлат пенсия таъминоти тўғрисида шартнома тузади, бўлғуси қўшимча пенсияси параметрларини ўзи белгилайди, одатда, бу ўрнатилган бадалли схема бўйича амалга оширилади. Бундай шартномаларни тузишдан мақсад – муносиб кексаликни таъминлаш учун етарли маблағ жамғариш.

Кўпгина бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари корпоратив шаклда фаолият юритади. Бундай жамғармалар дастлаб корпоратив пенсия схемаларини рўйхатдан ўтказди, бу қўшимча пенсия таъминоти корхонада (корпоратив жамғармалар учун) ёки муайян тармоқда (тармоқ жамғармалари учун) белгиланган иш стажига эга ёлланма ишловчиларга тадбиқ этилади. Бундан ташқари, корпоратив пенсия тизимида молиявий тузилмаларда иштирок этиш корхонада пенсия захираси маблағларини қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки кредитлашнинг имтиёзли шартлари орқали реинвестициялашни амалга ошириш имконини беради. Корпоратив пенсия тизими ёки корхонанинг пенсия дастури ташкилот ёки ташкилотлар гуруҳи буюртмасига асосан ишлаб чиқилади.

Янада тўлароқ шаклда, копоратив пенсия тизими икки шаклда - корпоратив ва индивидуал пенсиянинг бирлигини тақозо этади. Бунда корпоратив пенсия иш берувчи томонидан, индивидуал пенсия эса бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан пенсия таъминоти тўғрисида шартнома тузган ташкилот ишловчилари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шундай қилиб, ушбу пенсия тизимида омонатчилар пенсия шаклига боғлиқ равишда ёки ёлланма ишловчилар ёки иш берувчилар бўладилар.

Одатда, корпоратив пенсиялар ўрнатилган тўловли пенсия турига тааллуқли бўлади ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида бирдамликдаги пенсия ҳисобига ажратмалар қилувчи юридик шахс – омонатчи маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Индивидуал пенсия ўрнатилган бадалли пенсия турига тааллуқли. У ташкилот ходимининг шахсий маблағларининг ваколатли жамғармадаги шахсий пенсия ҳисобига мунтазам ажратиб турадиган қисми ҳисобидан шакллантирилади ва пенсияга чиққанида унга тайинланади.

2.3. Нодавлат пенсия тизими ривожланишининг хориж тажрибаси

Нодавлат пенсия суғуртасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш учун нодавлат пенсия тизимлари нисбатан илгарилаб кетган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда дунёда кексаликни таъминлашни индивидуал капиталлаштириш тамойили асосида ташкил этиш ва уни давлат томонидан тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш асосий тенденцияга айланган.

Давлат мамлакат пенсия тизимининг ҳуқуқий базасини яратиш ва такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди, ушбу тизимни амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш орқали уларнинг фаолиятини шакллантиради ва такомиллаштиради.

Мажбурий кўшимча пенсиялар борасидаги қонун биринчилардан бўлиб 1959 йилда Швецияда қабул қилинган. Кейинчалик бунга ўхшаш тизимлар Финляндияда (1961 йил) ва Норвегияда (1967 йил) жорий қилинган.

Бундай қарор 1972 йилда Францияда, 1975 йилда Англияда, 1985 йилда Швейцарияда қабул қилинган¹⁶. Юқорида санаб ўтилган мамлакатларда, шунингдек, Япония, Дания, Канадада иккала тизим учун параллел қонуний ҳуқуқий база яратилди. Бири (давлат тизими) умумий пенсия таъминотининг ўртамиёна даражасини кафолатлайди, иккинчиси (нодавлат тизими) пенсияларга кўшимча устамани, шунингдек, меҳнаткашларнинг айрим гуруҳлари ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилувчи тоифаларини пенсия билан таъминлайди. Пенсия таъминотига бундай ёндашув дуалистик пенсия тизими номини олган.

¹⁶Малютинина Н.Н. Развитие системы пенсионного обеспечения в зарубежных странах // Труд за рубежом. - 1995. - № 3. - С. 104.

Нодавлат пенсия жамғармалари АҚШда кенг тарқалган, давлат пенсия тизими яхши ривожланган мамлакатларда эса нисбатан камроқ ривожланган (Скандинавия мамлакатлари ва Австрия).

Кўпгина мамлакатларда нодавлат пенсия суғуртасининг институционал асосларини нодавлат пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари ифода этади. Буюк Британия, АҚШ, Канада, Япония каби мамлакатларда нодавлат пенсия суғуртасининг асоси сифатида ваколатли траст фондлари майдонга чиқади¹⁷.

Эътиборни қаратиш лозимки, масалан, Германияда хусусий маблағлардан молиялаштирилувчи беш шаклдаги ва давлат маблағлари иштирокида молиялаштирилувчи уч шаклдаги қўшимча пенсия таъминоти мавжуд¹⁸.

Кўриб чиқилаётган нодавлат пенсия суғуртаси дунёда кенг тарқалган бўлиб, пенсияга чиққандан кейинги пенсия таъминотини ташкил қилиш учун фойдаланилади. Суғурта борасидаги қонунчиликка кўра, рента учун берилган маблағлар то омонатчилар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар тўла амалга оширилмагунча, компаниянинг фойдаси сифатида фойдаланилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, пенсия жамғармаларини капиталлаштириш амалга оширилади ва пенсия маблағлари пенсия жамғармалари эмас, балки суғурта компаниялари номидан молиявий бозорнинг ресурслари сифатида фойдаланилади¹⁹.

Жамғармаларни капиталлаштиришга асосланган жамғармаларда маблағларни капиталлаштириш амалга оширилади, уларнинг умумий активлари қонунчиликка биноан ҳозирги ва келгуси пенсионерларнинг олдидаги мажбуриятга тенг бўлиши керак. Бундай жамғармаларнинг фаолиятига давлатнинг аралашуви жамғармалар солиқлардан озод қилинган мамлакатларда рўй беради. Бундай ҳолатларда давлат корхоналар, иштирокчилар (ишловчилар) ажратмалари ҳисобидан жамғарилган маблағларни муддатидан олдин олиш ҳуқуқини чеклайди ва иш берувчиларнинг ушбу ҳисобидаги ажратмалар ҳажмини лимитлайди.

Масалан, АҚШда янгидан ташкил қилинган пенсия жамғармаларининг 80 %идан ортиқроғи маблағларни муддатидан олдин олишни чеклашга асосланган²⁰.

¹⁷ Чудовская Г.В. Негосударственные пенсионные фонды в Российской Федерации: дис. ... канд. экон. наук. - М., 2007. - С. 61-62.

¹⁸Непп А.Н. Возможность применения реформирования системы пенсионного обеспечения Германии к Российским условиям: дис. ... канд. экон. наук. - Екатеринбург, 2005. - С. 45.

¹⁹Басов В.В. Негосударственные пенсионные фонды как институт социальной защиты населения: дисс. канд. экон. наук. - Нижний Новгород, 2000. - С. 57.

²⁰Басов В.В. Указ. соч. С. 59.

Кўпгина хорижий мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармалари аҳолининг пул маблағларини йиғиш, уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестициялаш, охир-оқибатда, жамғарма иштирокчиларига пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланишдан иборат турли режали нотижорат фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлардир.

Чехияда, масалан, нодавлат пенсия суғуртаси бўйича “ўтказувчи” ҳисобланувчи пенсия жамғармалари 800 минг АҚШ долларига яқин минимал устав капиталига эга акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Сербия Республикасида 2005 йил 6 октябрда қабул қилинган “Ихтиёрий пенсия жамғармалари ва пенсия режалари тўғрисида”ги Қонунга кўра, ихтиёрий пенсия жамғармаларини бошқариш бўйича ёпиқ акционерлик жамияти сифатида фаолият юритувчи жамият таъсис этилди. Пенсия жамғармаларини бошқариш бўйича ёпиқ акционерлик жамиятининг таъсисчилари миллий ёки хорижий жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Банклар ва суғурта компанияларига бундай акционерлик жамиятининг таъсисчилари сифатида иштирок этишларига руҳсат этилади. Ўз навбатида, устав капиталида давлатнинг улуши устун бўлган юридик шахсларга таъсисчи сифатида иштирок этиш тақиқланади. Қонун ихтиёрий пенсия жамғармасини бошқариш бўйича ёпиқ акционерлик жамияти устав капиталининг минимал миқдорини белгилайди. Юқорида қайд этилган Қонуннинг 7-моддасига асосан ёпиқ акционерлик жамияти устав капиталининг минимал миқдори 1 млн. еврони ташкил этади²¹.

Хорватия Республикасининг 1999 йил 13 майдаги “Мажбурий ва ихтиёрий жамғармалар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан пенсия жамиятлари акционерлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади. Пенсия жамғармалари тузиш ва бошқариш пенсия жамияти фаолиятининг предметини ташкил қилади. Ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий ва ихтиёрий пенсия жамиятларини ташкил қилиш кўзда тутилган. Ихтиёрий пенсия жамғармаларига суғурталанган шахслар ўзларининг жамғариш ҳисоб-рақамларига ихтиёрий асосда ажратмалар (бадаллар) тўлайдиган жамғармалар киради. Ихтиёрий пенсия жамиятлари ихтиёрий пенсия жамғармалари тузишлари мумкин. Ихтиёрий пенсия жамиятлари учун устав капиталининг минимал миқдори 15 млн. куна қилиб белгиланган (8-модда). Бунинг учун ихтиёрий пенсия жамғармалари 2 мингдан ортиқ аъзога эга бўлишлари керак.

²¹Шрам В.П. О реформе пенсионного обеспечения в Сербии и Хорватии // Журнал российского права. - 2008. № 6.

Россиянинг нодавлат пенсия жамғармалари хорижий мамлакатлар жамғармаларидан ташкилий-ҳуқуқий шаклларига кўра фарқ қилади. Агар хорижий мамлакатларда хусусий пенсия жамғармалари мижозларининг манфаатларини қондириш билан бирга ўз таъсисчилари фойдасига фойда олишга мажбур бўлса, Россия нодавлат пенсия жамғармалари ўз таъсисчиларига тўғридан-тўғри фойда келтирмайди, асосий муаммо йирик бошланғич капитал билан жамғармани ташкил қилишдир.

Таъсисчилар ялпи омонати минимал миқдорининг қонуний белгилаб қўйилганлиги Россия нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятидир. Хорижий нодавлат пенсия жамғармаларининг таъсисчилари – жамғарма камомади вужудга келган ҳолатларда унинг иқтисодий барқарорлигини қопловчи (таъминловчи) кафолати ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларнинг амалдаги қонунчилиги хусусий пенсия жамғармаларининг тузилмасини ҳам белгилаб беради. Масалан, Хорватия Республикасининг 1999 йил 13 майдаги “Мажбурий ва ихтиёрий жамғармалар тўғрисида”ги²² Қонуни пенсия жамиятлари органларининг уч бўғимли тузилмасини назарда тутди: бошқарма, кузатув кенгаши ва акционерларнинг умумий йиғилиши.

Россияда “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Федерал Қонунда жамғарма бошқарув органининг қуйидаги таркиби белгилаб берилган:

- жамғарма кенгаши, жамғарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи юқори бошқарув органи. Кенгаш коллегиал орган бўлиб, унда қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади;
- жамғарманинг ижроия органи (яккабошчи ёки яккабошчи ва коллегиал) жамғармани оператив бошқаришни амалга оширади;
- васийлик кенгаши – назорат функциясини бажарувчи ва жамғарма фаолияти устидан жамоат назоратини таъминловчи коллегиал орган.

Жамғарманинг ижро органи фаолияти устидан оператив назоратни таъминлаш мақсадида унинг уставида тафтиш комиссияси тузиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳар бир пенсия жамғармаси ўз қоидалари (устави)га кўра фаолият юритади ва пенсия таъминотининг давлат тизимида боғлиқ бўлмаган, мустақил юридик ҳамда молиявий ташкилот ҳисобланади.

Алоҳида компания ва муассасаларда ташкил этилган пенсия жамғармалари нотижорат ташкилотлари бўлиб, одатда, уларда

²² Narodnenovine. 1999. № 49; 2000. № 63.

тарбиркорлик фойдаси бўлмайди, бўш маблағларни инвестициялашдан олинган даромад иштирокчиларга мўлжалланган бўлади. Турли мамлакатларда жамғармалар фаолиятини таъминлашда олинган инвестицион даромаддан ўзларининг муайян фоизларини белгилайдилар.

Чехияда пенсия жамғармаларининг даромадларини тақсимлаш бошқа давлатлардагидан бирмунча фарқ қилади: 41%ни солиқлар ташкил қилади, қолган қисми қуйидагича сарфланиши керак: 5%дан кам бўлмаган қисми захира фондига ўтказилади, 10%гача маблағ жамғарманинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ сарфланиши мумкин (одатда, бу жамғарма таъсисчиларининг дивидендларидан иборат бўлади). Фойданинг асосий, яъни солиқлар тўлашдан кейинги қолган қисми (85%) иштирокчиларнинг ҳисобига тушади²³.

Россиянинг “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Федерал Қонун 27-моддасида пенсия жамғармаси маблағларини инвестициялаш ва пенсия резерви маблағларини жойлаштиришдан олинган даромаддан муайян фоиз (15%дан ортиқ эмас) белгиланган бўлиб, у устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилиши мумкин.

Эътиборни қаратиш лозимки, нодавлат пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятининг характерли жиҳати шундаки, улар суғурталанувчиларнинг маблағларини нафақат мамлакатнинг ичида, балки жамғармаларнинг ўсиш суръатини ошириш ва инфляциядан ҳимоялаш мақсадида бошқа мамлакатларда инвестициялаш имкониятига ҳам эгалар. Шу сабабли жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барқарорлиги ва унинг инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири чет элларда инвестициялашни амалга ошириш имкониятидир. Бунда маблағлар ҳажми лимитланади. Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида пенсия жамғармаларининг бошқа мамлакатлар қимматли қоғозларига қўйилмаларининг чегаравий миқдори – жамғарма умумий инвестицион портфелининг 10%гачасини ташкил қилади. Бироқ, амалда бир қатор мамлакатларда хорижий маблағлар улуши бирмунча юқори. Хусусан, Чилида 2001 йил охирида хорижий қўйилмалар улуши пенсия маблағлари умумий қўйилмаларининг 14%идан ортиғини ёки 4,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган²⁴.

Кўпгина Фарб мамлакатларида пенсия режаларига мувофиқ

²³ Непп А.Н. Указ. соч. -С. 50.

²⁴ Горюнов И.Ю. Негосударственные пенсионные фонды в современной России: Дис. ...докт. экон. наук.М., 2006. - С. 59.

ишловчилар иш ҳақининг муайян қисми улар пенсияга чиққунга қадар ушлаб қолинади. Бу миқдорга, одатда, фоизлар ҳисоблаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, кўпгина ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг пенсия режалари ва солиқли тартибга солиш амалиётида пенсияга чиқишда ишловчининг пенсия жамғармаси миқдорининг 25-33% доирасида бир марталик нафақа олиш имконияти мавжуд, бу ишловчига ўз молиявий муаммоларини (кредитни қоплаш, уй-жой сотиб олиш ва ҳ.к.) ҳал қилиш имкониятини беради. Австралияда пенсия ёшига етганда нодавлат пенсиясини расмийлаштириш билан бирга пенсия жамғармасини олишга рухсат берилади.

Кўпгина мамлакатларда ижтимоий суғурта ва солиққа тортиш тизими иш берувчиларга давлат пенсия жамғармаларига ажратмалар қилиш мажбуриятини юклашига қарамасдан, компаниялар ўз ходимлари учун кўшимча жамғариш имтиёзлари режасини ишлаб чиқади. Пухта тузилган пенсия схемалари нафақат мутахассисларни жалб қилиш имконини, балки уларни ташкилотда ушлаб туришга ҳам ёрдам беради.

АҚШ тажрибасидан фойдаланиб, дунёнинг кўпгина мамлакатлари амалиётида жамғариш тизимини ташкил қилишнинг мослаштирилган, икки тамойили энг кўп тарақалган: ўрнатилган тўловли ва ўрнатилган бадалли.

Ўрнатилган тўловли схемалар фақат тадбиркорлардан бадаллар олишни (жамғарманинг шаклланишида ишловчилар иштирок этмайди) назарда тутаяди. Бундай дастурларга, масалан, давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчилар учун давлат пенсия дастурларини, шунингдек, бир қатор хусусий дастурларни (алоҳида корхоналар доирасида) киритиш мумкин. Ўрнатилган тўловли дастурлар муайян миқдордаги ҳар ойлик пенсия тўловларини таъминлайди, кўпинча олдиндан иш ҳақидан муайян фоиз шаклида келишиб олинади (масалан, фирмадаги фаолиятининг охириги беш йиллигидаги ўртача иш ҳақининг ҳар бир ишланган йил учун 1% миқдорида)²⁵. Бундай дастурларда, одатда, пенсия тўловлари амалга ошириладиган ёш аниқ белгилаб қўйилади.

Ўрнатилган тўловли схемалар АҚШда 70-йилларнинг охирига қадар устунлик қилган. Ишловчиларнинг тўла ҳимояланганлигини, яъни пенсия кафолатини компаниянинг ўзи таъминлашини бундай

²⁵ Лебедева Л. Почему американским пенсионерам живется лучше, чем российским? // Человек и труд. - 2005. № 4. - С. 63.

режаларнинг асосий афзаллиги сифатида келтириш мумкин. Ҳозирги шароитда бундай дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар иш берувчилар учун оғирлик қилмоқда. Шунинг учун улар янги, хусусан, ҳар бир ишловчига ажратмаларни ўтказадиган ва сақланадиган персонал ҳисоб-рақами очилишига асосланган ўрнатилган бадалли схемаларни жорий қилишга уринмоқда.

1974 йилда ушбу соҳада қонун (ERISA - Employee Retirement Income Security Act) қабул қилинди, унга мувофиқ, кўшимча пенсия таъминоти ўртанилган тўловли дастурлар доирасида фаолият юрита бошлади. Ушбу дастурлар белгиланган ёшгача фаолиятни давом эттиришни компенсацияловчи нафақаларни тўлашни назарда тутар эди (кутилаётган пенсиянинг умумий миқдорини ошириш орқали), аммо, агарда шахс белгиланган ёшдан сўнг фаолиятни давом эттирадиган бўлса, тўлов миқдори пасаяди.

Охир-оқибатда ўрнатилган тўловли дастурлар тўғрисидаги нормаларнинг қисқариши ҳисобига ўрнатилган бадалли дастурлар тўғрисидаги қоидалар ривожланиб борди, ўрнатилган бадалли дастурларда иштирок этувчилар сони ўрнатилган тўловли дастур иштирокчилари сонидан ортиб кетди²⁶.

Ҳозирги вақтда ўрнатилган бадалли схема-режаларнинг бир қанча вариантлари амал қилади: 401 (k), 403 (b), компания акцияларига эгаллик қилиш, фойда бўлими режаси ва бошқалар.

401 (k) режаси иш ҳақининг қандай қисмини пенсияга чиқиш вақтига қадар берилмасдан қолишини ишловчининг ўзи ҳал қилиши имкони беради. Ушбу ҳолатда кечиктирилган тўловлар солиққа тортилмайди ва “тоза” ҳолида пенсия ҳисобига ўтказилади. 401 (k) режасида иштирок этувчи ишловчилар нафақат иш ҳақларидан қанчасини ушлаб қолишларини, балки уларни жойлаштириш учун қандай инвестицион воситалардан фойдаланишни ҳам ҳал қилиш орқали, ўз кексалигини моддий таъминлаш масъулиятини зиммаларига оладилар. Бундай турдаги пенсия режалари АҚШда кенг фаолият кўрсатади, хусусан, ноижорат соҳаси ишловчилари учун (хайрия ташкилотлари ва таълим муассасалари учун 403(b) режаси), давлат ва муниципал хизматчилар учун (475 режаси), федерал ҳукумат хизматчилари учун пенсия омонати дастури (Thrift Savings Plan)²⁷.

Ўрнатилган тўловли ва ўрнатилган бадалли схемалар ўртасида

²⁶U.S. Department of Labor, Employee Benefits Security Agency. Private Pension Plan Bulletin: Abstract of 2000 Form 5500 Annual Reports. 2005. July.

²⁷Александрова А.В. Реформирование пенсионного законодательства США в условиях глобализации// Социальное и пенсионное право. - 2009.- № 4.

балансланган режа деб аталувчи оралиқ вариант мавжуд. У икки схема ўртасидаги ўтишни амалга оширишга ёрдам беради²⁸.

Германияда фуқароларнинг кўшимча пенсия таъминотида иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида махсус дастур (Ристер ислоҳоти) ишлаб чиқилган бўлиб, унда кўшимча пенсия таъминоти улушини ошириш ҳисобидан пенсиялар миқдори нисбатан қисқаришини минималлаштириш мақсад қилиб қўйилган, натижада пенсияларнинг бир қисмини молиялаштириш фуқаролар ва корхоналар зиммасига юкланади.

Нодавлат пенсия тизимлари хорижий тажрибаларининг таҳлили кўшимча пенсия суғуртаси ва индивидуал пенсия дастурларини кенгайтириш борасидаги давлат сиёсати барча мамлакатлар учун хос хусусият эканлигини кўрсатди. Нодавлат пенсия таъминоти пенсия таъминоти тизимининг ажралмас қисмига айланган. Нодавлат пенсия тизимининг хорижий тажрибалари мамлакатимизда нодавлат пенсия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари ҳамда механизмларини белгилашда иллюзиядан қочиш, индивидуал жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш давлатга мажбурий ижтимоий суғурта тизимининг амал қилишида харажатлар юқини қисқартириш имконини беради.

Албатта, пенсия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишларини танлашда пенсия қонунчилиги муайян қонуннинг ижтимоий оқибатларини бошқа мамлакатлар тажрибаси мисолида инобатга олиши муҳим.

Пенсия суғуртаси фаолиятини оптималлаштириш учун АҚШ қонунчилигида қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган: пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш, кекса кишиларнинг фаолиятларини давом эттиришларини рағбатлантириш, индивидуал пенсия ҳисобларидан фойдаланган ҳолда жамғариб бориладиган пенсия дастурларини кенгайтириш²⁹.

Нодавлат пенсия тизимини ривожлантиришда солиқ сиёсати муҳим роль ўйнайди. АҚШ ва бошқа қатор мамлакатларда иш берувчиларнинг пенсия жамғармасига бадаллари муайян чегарада федерал солиққа тортилмайди. Иштирокчиларнинг бадаллари ҳам солиқлардан озод қилинган. Эътиборли жиҳати шундаки, жамғарманинг инвестицияларидан олинган даромадлар тўла ёки қисман солиқлардан озод қилинган. Шундай қилиб, пенсия

²⁸U.S.C. § 1001 etseq.

²⁹ Александрова А.В. Реформирование пенсионного законодательства США в условиях глобализации //Социальное и пенсионное право. - 2009. - № 4.

жамғармаларини молиялаштиришда давлат ҳам билвосита йўллар билан иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги ўн йиллик мобайнида кўпгина мамлакатлар ўз пенсия тизимларини ўрнатилган тўловли ва ўрнатилган бадалли элементлардан иборат жамғариб бориладиган ёки аралаш тизимларга ўзгартиришга уринмоқдалар.

“Жамғариб бориладиган тизимлар камроқ қайта тақсимлашни назарда тутаяди, тақсимловчи тизимга нисбатан хайрихоҳроқдир”³⁰. Дарҳақиқат, жамғариб бориладиган пенсия тизими ўз иш ҳақларидан пенсия суғуртасига бадаллар ажратган шахсларга пенсия тўлашга ишлатиладиган йирик ресурсларга эгаллик қилади. Шунингдек, жамғариб бориладиган тизим пенсия муносабатларига жалб қилинган кишилар ҳаётининг барча даврларида истеъмол даражасидаги узилишларни бартараф қилиш имкониятига ҳам эга. Бироқ, хавфсизлик чораларини қўллашни назарда тутмайдиган соф жамғариб бориладиган тизим, кексаларни, ҳаттоки, ўз меҳнат фаолияти давомида ўртача даромад олганларни ҳам кексалиқда қашшоқланиб қолиш хавфидан сақлаб қолабмайди³¹. Шунинг учун давлат пенсиялари олмайдиган (ҳуқуқи бўлмаган) шахсларнинг минимал пенсия олишлари давлат даражасида кафолатланиши, шунингдек, ишловчи аҳолининг пенсия жамғармалари инфляциядан ҳимояланган бўлиши лозим.

Бу борада аралаш пенсия тизими муассасаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз ичига барча фуқароларга ногиронлик ҳолатларида ёки меҳнат стажидан қатъи назар, белгиланган ёшга етганида қатъий белгиланган миқдорда бериладиган базавий пенсия; миқдори иш ҳақи ва меҳнат стажига боғлиқ бўлган меҳнат пенсияси; келтирилган иккала пенсияга кўшимча сифатида қараладиган ва алоҳида ташкилотлар, тармоқлар, ҳудудлар касбий пенсия тизимлари шаклидаги, шунингдек, суғурта компаниялари ва фуқароларнинг шахсий пенсия жамғармалари шаклидаги нодавлат пенсияларидан иборат уч даражали пенсия тизимини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ³².

Бошқача айтганда, пенсия тизими ишловчи фуқароларни ҳимоя қилиб, бадаллар тўлашга рағбатларнинг деформациялашувига йўл қўймаслиги ёки пенсия ресурсларининг йирик миқёсда қайта тақсимланишини келтириб чиқармаслиги лозим.

³⁰ Шушков В.В., Топунова И.Р. Обобщение мирового опыта проведения пенсионных реформ // Трудовое право. - 2008. - № 6.

³¹ Ўша манба.

³² Жарков А.А. Финансовые источники становления и развития негосударственных пенсионных фондов: автореферат дисс. канд. экон. наук. - М., 2008. - С. 22.

3-БОБ. МИЛЛИЙ ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНияТЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ


3.1. Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармаларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш йўналишлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллигининг кучайиши мавжуд пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялашни тақозо этмоқда. Дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг мақсади самарали, молиявий барқарор бўлган, пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган пенсия тизимини шакллантириш ҳисобланади. Пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялаш, ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларининг инвестицион фаоллигини кучайтириб, уларни иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи, рағбатлантирувчи омилига айлантиради

Ўрта истиқболда пенсия тизими самарадорлигини ошириш мезонлари аксарият банд аҳолини пенсия тизими билан қамраб олиш, пенсионерларга пенсияга чиққунга қадар бўлган даврдаги турмуш даражаси билан қиёсий таққосладиган муносиб турмуш фаровонлиги ва сифатини таъминлайдиган молиявий барқарорликдан иборат бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, пенсия тизими молиявий барқарорлигини жаҳондаги илғор, бой тажрибаларни чуқур қиёсий таҳлил этиш асосида такомиллаштириш долзарб, кам ўрганилган, муҳим, илмий-амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармалари инвестицион жараёнларнинг муҳим иштирокчилари ҳисобланади. Молия соҳаси таркибининг ўзгариши институционал инвесторлар учун пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, ўзаро ва суверен жамғармалар узок муддатли капитал қўйилмаларининг муҳим манбаига айланди. Узок муддатли молиялаштиришнинг инфратузилма секторида етишмаслиги кузатилмоқда. Инфратузилманинг ривожланмаганлиги жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу соҳани молиялаштиришнинг муқобил варианти сифатида аксарият ҳолларда пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари кўзда тутилмоқда.

Институционал инвесторлар охириги йилларда паст фоиз ставкалари ва фонд бозорларининг ўзгарувчанлиги шароитида узоқ муддатли ҳамда инфляциядан ҳимояланган янги даромад манбаларини излашмоқда. Инфратузилмага инвестициялар сарфлаш узоқ муддатга мўлжалланган, инфляциядан ҳимояланган ва барқарор иқтисодий ўсишга туртки берувчи даромад манбаи бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, инфратузилмага инвестициялар сарфлаш миқёсига аксарият пенсия ва суғурта жамғармалари ҳажмининг кичиклиги тўсқинлик қилиши мумкин.



3.1.1-расм. ИХТТ мамлакатларида узоқ муддатли молиялаштириш манбалари, 2014 й. (фоиз ҳисобида)³³


Европа инвестиция банки узоқ муддатли инвестиция ресурслари манбаларининг таркибида давлат сектори ресурслари ва хусусий сектор ресурсларини муҳим манбалар сифатида ажратади. Узоқ муддатли инвестиция ресурсларида давлат секторининг улуши учдан бир қисмини ташкил этгани ҳолда, хусусий сектор улушига учдан икки қисми тўғри келмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, корпоратив сектор узоқ муддатли инвестициялашнинг етакчи манбаи ҳисобланади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, институционал инвесторларнинг ресурслари яқин ва ўрта истиқболда инфратузилмани инвестициялаш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. ИХТТ прогнозларига кўра, 2030 йилга қадар

³³Лансков П.М. Внутренние инвестиции в финансовые инструменты рынков капитала стран ЕЭП. / П.М. Лансков, Н.В. Максимчук, Г.Г. Дуисенова – Алматы, 2015. – С. 24.

инфратузилмани молиялаштиришга бўлган ялпи эҳтиёж миқдори 50 трлн. доллар деб, баҳоланмоқда. Умумжаҳон иқтисодий форуми баҳосига кўра, институционал инвесторларнинг жами активлари 50 трлн. доллардан 70 трлн. долларгача бўлиши мумкин. “Узун пуллар”га эга бўлиш имконияти барқарор иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилувчи инфратузилмани бартараф этиш имконини беради. Шу билан боғлиқ ҳолда катор ихтисослашган халқаро ташкилотлар узок муддатли инвестициялаш манбаларини аниқлаш, турли дастакларни таҳлил қилиш ва инфратузилмани ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тўсиқ ҳамда чекловларни чуқур тадқиқ қилиб, уни фаол ўрганмоқдалар.

Институционал инвесторларнинг 2014 йилда амалга оширган фаолиятлари таҳлили қуйидаги илмий хулосалар олиш имконини беради: биринчидан, 2013 йилда ИХТТ мамлакатлари институционал инвесторлари (инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари билан биргаликда) активлари ҳажмининг ўсиши кузатилди. Ушбу активларнинг жами қиймати 2013 йилда 92,6 трлн. долларга етди. Шундан 35 трлн. доллари инвестиция фондлари, 26 трлн. доллари суғурта компаниялари, 24,7 трлн. доллари хусусий пенсия жамғармалари ҳиссасига тўғри келди. Умуман, 2001-2013 йилларда институционал инвесторлар активларининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди (3.1.2-расм).




3.1.2-расм. Институционал активлар таркиби ва динамикаси, трлн. долл.³⁴

³⁴ Della Croce, R. and J. Yermo (2013) Institutional Investors and Infrastructure Financing. OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions, No. 36, OECD Publishing. Available at: <http://dx.doi.org/10.1787/5k3wh99xgc33-en>

2013 йилда пенсия жамғармалари активларининг институционал инвесторлар жами активларидаги улуши жадал суръатлар билан ўсиб, 27%ни ташкил этди. Ваҳоланки ушбу кўрсаткич 2008 йилда – 25,7%, 2010 йилда – 26,6%, 2012 йилда – 28%га тенг бўлган эди.

Иккинчидан, пенсия жамғармалари фаоллигини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири жамғарилган активлар қийматининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўрсаткичи ҳисобланади.

ИХТТ услубиятига кўра, пенсия активларининг ЯИМдаги улуши 20%дан ошса, пенсия ресурслари бозори “етук” ҳисобланади. ИХТТ ҳисоб-китобларига кўра, 2013 йилда пенсия активларининг номинал ЯИМдаги улуши бирмунча ортган бўлишига қарамасдан ташкилотнинг 12 та аъзоларидан бошқа мамлакатларда ушбу кўрсаткич 20%дан ошмайди (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. ИХТТ мамлакатларида пенсия активларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (фоиз ҳисобида), 2013 й³⁵.

³⁵ Futures Industry Magazine (2013) Industry leaders call for IOSCO role in cross-border regulatory recognition. Available at: www.futuresindustry.org

Учинчидан, турли мамлакатларда пенсия жамғармалари ресурсларидан фойдаланиш инвестиция лимитлари тизими орқали тартибга солинади. Ушбу тизим пенсия фондлари портфелидаги инвестиция дастакларининг турлари ва улушини белгилаб беради. ИХТТнинг аксарият мамлакатларида пенсия жамғармалари облигациялар ва акцияларига инвестициялар сарфлашда чекловлар мавжуд эмас.


Инвестиция портфелида облигациялар улушининг чекланиши Австрия, Германия, Греция ва Чилидагина амал қилса, акцияларга инвестиция киритиш бўйича чекловлар ИХТТнинг 36 аъзосидан 14 тасида мавжуд. Акцияларга инвестицияларни йўналтириш бўйича чекловлар Корея Республикаси, Германия, Словения, Польша ва Швейцария каби мамлакатларда фаол қўлланилади (30%дан 50%гача). Чехия, Греция, Дания, Австрия, Словакия ва Чилида ушбу лимит 60%дан 80%гача белгиланган. Акцияларга инвестициялар жойлаштириш амалиёти қўлланилмайдиган мамлакатлар қаторига Австралия, АҚШ, Норвегия, Канада, Нидерландия, Испания, Туркия, Швецияни киритиш мумкин.

Тўртинчидан, пенсия активларини инвестициялаш миқёси ва таркиби капитал бозорининг ривожланиш даражаси, пенсия тизимининг тури, миллий қонунчиликларда пенсия ресурслари ва пенсия режалари таркибини бошқаришга талаб ҳамда чекловлар каби омиллар билан белгиланади. Акция ва облигациялар ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда пенсия ресурсларини инвестициялаш таркибида етакчи мавқега эга бўлмоқда (3.1.4-расм).

ИХТТнинг 13 та аъзоси 2012 йилда ўз пенсия портфелининг 80%дан ортиқ қисмини акция ва облигациялар сотиб олишга йўналтирган. АҚШ пенсия жамғармалари томонидан йўналтирилган инвестицияларнинг 49,5%и акцияларга жойлаштирилган.


Таҳлиллар кўрсатишича, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия ресурсларини устун даражада давлат ва корпоратив облигацияларга йўналтираётган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда фонд ва молия бозорлари нисбатан ривожлангани учун бўш маблағларини акция ва инвестицион пайларга жойлаштирмоқда.

Дунё мамлакатларининг пенсия жамғармаларида маблағларини давлат ва корпоратив облигациялар ўртасида жойлаштиришдаги нисбат қуйидагича шаклланмоқда (3.1.5-расм):



3.1.4-расм. ИХТТ мамлакатларида пенсия активларини инвестициялаш таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида), 2013 й³⁶.

³⁶ Futures Industry Magazine (2013) Industry leaders call for IOSCO role in cross-border regulatory recognition. Available at: www.futuresindustry.org.




3.1.5-расм. Дунё мамлакатларида пенсия ресурсларини облигацияларга инвестициялаш (жамига нисбатан фоиз ҳисобида), 2012 й³⁷.

Бешинчидан, пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялаш таҳлили кўрсатишича, 2012 йилда ИҲТТ аъзоларининг учдан бир қисми маблағларни анъанавий (акциялар, облигациялар, нақд пул ва депозитлар) манбалардан бошқа манбаларга жойлаштиришган. Масалан, Австралия, Канада, Финляндия, Германия, Япония, Корея, Италия, Португалия,

³⁷ Futures Industry Magazine (2013) Industry leaders call for IOSCO role in cross-border regulatory recognition. Available at: www.futuresindustry.org

Нидерландия, Швейцария ва АҚШда пенсия жамғармалари ўз портфелларидаги активларнинг 20%дан ортиқ қисмини “бошқалар” категориясига кирувчи манбаларга жойлаштиришган. “Бошқалар” категорияси таркибига кредитлар, ер ва кўчмас мулк, боғлиқ бўлмаган суғурта шартномалари, хедж-фондлар, тўғридан-тўғри инвестициялаш фондлари киради. Пенсия жамғармалари ўзгарувчан бўлмаган барқарор активларга, жумладан, доимий даромад келтирувчи дастаклар, пул ва депозитлар, муқобил инвестицияларга маблағ жойлаштиришга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Олтинчидан, дунёдаги 86 та йирик пенсия жамғармалари ва жамғариб бориладиган давлат пенсия жамғармалари фаолиятининг таҳлили ҳам маблағларни жойлаштиришда ўхшаш тенденциялар мавжудлигини кўрсатмоқда. Йирик пенсия жамғармалари ва жамғариб бориладиган давлат пенсия жамғармаларида 2011-2012 йилларда инвестиция активлари таркибида акциялар улушининг қисқариши, қайд этилган даромадли инвестиция ва бошқа муқобил инвестиция дастаклари улушининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. (3.1.6-расм).



3.1.6-расм. ИХТТ мамлакатларида турли пенсия жамғармаларининг инвестиция стратегиялари (жамига нисбатан фоиз ҳисобида), 2012 й³⁸.

³⁸ Futures Industry Magazine (2013) Industry leaders call for IOSCO role in cross-border regulatory recognition. Available at: www.futuresindustry.org

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пенсия жамғармалари фаолияти таҳлили кўрсатишича, ИХТТ мамлакатларининг аксарият қисмида пенсия жамғармалари маблағлари иқтисодиёт учун “узун” пулларнинг салмоқли манбаи ҳисобланиб, уларнинг улуши 43%дан 90%гача ўзгариб туради. “Узун” пулларнинг бошқа манбалари эса суғурта маблағлари, узоқ муддатли жамғармалар, қарз қоғозлари ва миллий фондлар маблағлари табиатига кўра турли хавф-хатарларга боғлиқлиги сабабли узоқ муддатли инвестициялашда кам фойдаланилади.

3.2. Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусиятлари

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ўтган асрнинг 90-йилларига келиб демографик босим туфайли миллий пенсия тизимларини тубдан ислоҳ этиш бошланди. Таҳлиллар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳоли ва пенсия ёшидагилар ўртасидаги нисбат дунё кўрсаткичидан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2015 йилда дунё аҳолиси таркибида 60 ёш ва ундан катталар улуши 12,3%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич юқори даромадли мамлакатларда 22,1%ни, Шимолий Европа мамлакатларида 23,4%ни, Швецияда эса 25,5%ни ташкил этди. БМТ мутахассисларининг башоратларига кўра, Швеция аҳолиси таркибида 60 ёш ва ундан катталарнинг улуши 2050 йилга бориб 29,0%ни ташкил этади (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ва пенсия ёшидагилар ўртасидаги нисбат³⁹

	2015 й.		2030 й.		2050 й.	
	15-64 ёш	60 ёш ва ундан катталар	15-64 ёш	60 ёш ва ундан катталар	15-64 ёш	60 ёш ва ундан катталар
Дунё бўйича	65,7	12,3	64,7	16,5	63,7	18,9
Юқори даромадли мамлакатлар	66,5	22,1	61,9	22,7	60,0	30,2
Шимолий Европа	64,4	23,4	61,1	28,0	59,7	29,4
Швеция	62,8	25,5	60,0	28,6	59,2	29,0
Норвегия	65,7	21,8	62,1	26,2	60,1	28,2

³⁹World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat, New York,2015.

Швеция пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган пенсия ислоҳотлари 1994 йилда мамлакат ҳукумати томонидан тақсимотга асосланган пенсия тизимидан тақсимот-жамғариб бориладиган аралаш пенсия тизимига ўтиш тўғрисида қабул қилган қароридан бошланган. Швеция миллий пенсия тизими қуйидаги элементлардан ташкил топган⁴⁰:

1. 65 ёшдан катта ва етарли пенсия жамғармаларини жамғара олмаган фуқаролар учун қафолатланган давлат минимал пенсияси.

2. 1938 йилда ва ундан кейин туғилганлар учун давлат меҳнат пенсияси. Пенсия бадаллари иш ҳақининг 16%и миқдоридан жамғариб бориладиган пенсияларни шакллантириш учун ажратилади. Ишчи иш ҳақи ёки ишсизлик нафақаси миқдорининг 7%и ҳажмида пенсия бадали тўлайди. Қолган қисмини иш берувчи иш ҳақи фонди ҳисобидан қоплаб беради. Иш берувчи томонидан ишчи даромадининг 7%и миқдори пенсия бадали ҳисобланади. Шу тариқа максимал пенсия базаси қонунчиликда белгиланган минимал иш ҳақининг 7,5%ини ташкил этади. Ажратилаётган маблағлар ишчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларида (шартли-жамғариладиган) жамғарилади, ушбу маблағларнинг 90%и пенсионерларга тўланадиган пенсияларни молиялаштиришга, 10%и пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида буфер фондларга йўналтирилади.

3. Давлат пенсия мукофоти (пенсия мукофоти) 1938 йил ва ундан кейин туғилган фуқароларнинг иш ҳақи миқдорининг 2,5%и ҳажмида шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамларда шакллантирилади. Давлат меҳнат пенсиясидан фарқли равишда пенсия мукофоти ишчилар томонидан мустақил танланадиган пенсия ҳисоб-рақамларда шаклланади ва пенсия жамғармалари ҳисобланади.

4. Касбий пенсиялар. Швецияда касбий пенсиялар мамлакат аҳолисининг 90%ини ва фуқароларнинг қуйидаги тўрт гуруҳини қамраб олади:

- хусусий секторда банд бўлганлар (2,8 млн. киши);
- хусусий секторда банд раҳбар ходимлар (2 млн. киши);
- давлат секторининг муниципал ва минтақа бўлимларида банд бўлган хизматчилар (1 млн. киши);
- давлат федерал хизматчилари (500 минг киши).

5. Ихтиёрий хусусий пенсия жамғармалари банк ёки суғурта компанияларида шахсий пенсия ҳисоб-рақамларида шаклланади ва ҳисобга олинади.

⁴⁰Официальный сайт Пенсионного Агентства Швеции –www.pensionsmyndigheten.se

Шу тарика Швецияда кўп даражали пенсия тизими шаклланган бўлиб, пенсия ислохотларининг асосий мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини шакллантириш ҳисобланади.

Швецияда жамғариб бориладиган пенсияларни шакллантириш учун ажратиладиган фоиз ставкаси бошқа мамлакатларга нисбатан юқори бўлиб, 18%ни ташкил этади. Аммо, кейинчалик инвестицияларга йўналтирилиши лозим бўлган шахсий ҳисоб-рақамларда жамғариладиган маблағлар учун ажратиладиган бадаллар ставкаси 2,5%ни ташкил этади, қолган қисми эса шартли-жамғариладиган маблағлар ҳисобланиб, ҳисоб-рақамларда фақат кайд этилади (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Швеция, Чили ва Қозоғистон пенсия тизимларида мажбурий жамғариб бориладиган маблағларнинг шаклланиши⁴¹

	Швеция	Чили	Қозоғистон
Молиялаштириш манбаси	Иш ҳақи	Иш ҳақи	Иш ҳақи
	Ходим ва иш берувчи	Ходим	Ходим ва иш берувчи
Тариф ставкаси	Мажбурий пенсия бадаллари – 18%	Мажбурий бадаллар – 10%	Мажбурий пенсия бадаллари – 10% Мажбурий касбий пенсия бадаллари – 5%

Таҳлиллар Швецияда пенсия жамғармалари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан юқори эканлигини (70%) кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичнинг юқорилиги мамлакат аҳолисининг 90%дан ортиғи ихтиёрий касбий пенсия дастурларида қатнашаётганлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, мажбурий давлат пенсия таъминоти ҳисобидан жамғариб бориладиган пенсиялар улуши меҳнат пенсиясига нисбатан 50%дан ортиқни ташкил этади (3.2.3-жадвал).

⁴¹//Научно-аналитический журнал “Наука и практика”. Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова. № 2 (14) 2014 г. С.25.

Швеция, Чили ва Қозоғистонда пенсия жамғармалари даражаси⁴²

	Пенсия жамғармаларининг ЯИМдаги улуши, %			Жамғариб бориладиган пенсияларнинг жами пенсиялардаги улуши, %		
	2010 й	2011 й	2012 й	2010 й	2011 й	2012 й
Швеция	60,0	60,0	72,0	44,6	46,9	50,5
Чили	63,0	58,5	60,0	60,0	60,0	60,0
Қозоғистон	11,6	11,3	11,2	67,4	66,7	66,7

Таҳлиллар Швецияда фуқароларнинг пенсия маблағларини инвестициялаш ва даромад олишларини таъминлаш стратегиясининг самарадор эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу стратегия жами пенсиялар таркибида жамғариб бориладиган пенсиялар улушининг ўсишига олиб келади.

Таҳлил этилаётган мамлакатларнинг макроиктисодий кўрсаткичларини ўрганиш уларда иш ҳақи миқдори даражаси ўртасида кескин фарқнинг мавжудлигини кўрсатади. Иш ҳақи миқдори ишловчи томонидан жамғариладиган пенсия тизимида ажратадиган мажбурий ва ихтиёрий бадаллар миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, 2013 йилда Швецияда ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатан 3,8 марта, Қозоғистонга нисбатан эса 6,5 марта юқори бўлган (3.2.4-жадвал).

Шу билан бирга, Швеция ва Қозоғистонда давлат ташқи қарзи миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотидан юқори. Ишсизлик даражаси ушбу мамлакатларда юқори, аммо Швецияда ишсизлик нафақасидан ҳам пенсия ажратмалари амалга оширилганлиги боис, ишсиз фуқаролар ҳам пенсия жамғармаларига эга бўлишади.

Пенсия жамғармаларини инвестициялаш жараёнини самарали ташкил этиш учун мамлакатда ривожланган молия бозори мавжуд бўлиши зарур. Молия бозорининг ривожланиш даражаси қатор сифат ва миқдор кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- молия бозорининг ҳажми (акцияларнинг капиталлашиш даражаси ва унинг мамлакат ЯИМдаги улуши, ички қарз қимматли қоғозлари ва банк кредитлари миқдорининг ЯИМдаги улуши);
- молия бозорининг концентрациялашиш даражаси;
- молия бозорининг ўзгарувчанлиги.

⁴²Галишникова Е.В. Международный опыт государственного управления пенсионными средствами в системах пенсионного обеспечения зарубежных стран //Научно-аналитический журнал "Наука и практика". Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова. № 2 (14) 2014 г. С.25.

Швеция, Чили ва Қозоғистон макроиқтисодий кўрсаткичлари⁴³

	Швеция	Чили	Қозоғистон
Давлат қарзи даражаси, ЯИМга нисбатан %да (2013 й.)	136,8	12,3	104,9
Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, долл. (2013й.)	4553,5	1192,5	694,5
Инфляция даражаси, % (2013 йил декабрь)	0,1	2,4	4,8
Ишсизлик даражаси	7,5	6,4	5,2
Мажбурий давлат пенсиясининг иш ҳақига нисбати, %	65,0	Эркаларда 52,0%, аёлларда 42,0%	60-75%
Ялпи ички жамғармаларнинг ички инвестицияларга айланиши, ЯИМга нисбатан %, 2013 й.	Жамғармалар 24,8%, шундан 18,9%и инвестициялар	Жамғармалар 21,1%, шундан 20,1%и инвестициялар	Жамғармалар 26,8%, шундан 23,2%и инвестициялар

Швецияда аҳоли ва ташкилотларнинг кредитлардан фойдаланиш даражаси жуда юқори бўлишига қарамасдан, ялпи жамғармалар даражаси юқори эмас. Ушбу ҳолат мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Швецияда жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Тўловлар миқдори қайд этиб қўйилган қисман жамғариладиган пенсия жамғармалари. Швецияда бу қоида бўйича давлат жамғармалари (АР) фаолият олиб боради. Мамлакатдаги тўртта (АР1, АР2, АР3, АР4) миллий пенсия жамғармаларига давлат меҳнат пенсиясини шакллантириш учун бадалларнинг 1/4 қисми келиб тушади⁴⁴.

АР1-АР4 жамғармалар учун пенсия жамғармаларини инвестициялашнинг қуйидаги қоидалари ўрнатилган:


- маблағларни муқобил инвестиция манбаларига инвестициялашга руҳсат бериш (кўчмас мулк, ўрмон хўжалиги, инфратузилма объектлари, хусусий акционер капитал);
- жамғарма активларининг 30%и риск даражаси паст бўлган қимматли қоғозларга инвестицияланиши мумкин;

⁴³Ўша манба. -С. 29.

⁴⁴Швеция АР7 давлат пенсия жамғармасининг расмий сайти: www.ap7.se/en/Splash/

- активларнинг 40%гача бўлган қисми валюта рискига учраши мумкин;
- ҳар бир жамғарма компанияларнинг 10%гача овозга эга бўлган акцияларини сотиб олиши мумкин;
- жамғарма активларининг 5%гача бўлган қисми асосий биржаларда сотилмайдиган қимматли қоғозларга қимматли қоғозлар фонди орқали инвестицияланиши мумкин;
- активларнинг 10%дан кам бўлмаган қисми ташқи бошқарув компанияларига берилиши мумкин;
- швед компаниялари акцияларига инвестициялар бозорнинг капиталлашиши даражасининг 2,0%идан ошмаслиги зарур.

Мукофот пенсияларни шакллантиришда фуқаролар жамғармани мустақил танлаш ҳуқуқига эга. Бунда маблағлар давлат (AP1-AP4, AP7) ёки хусусий жамғармаларга инвестицияланиши мумкин. Агарда кимдир жамғармани танламаган бўлса, пенсия жамғармалари еттинчи пенсия жамғармасига (AP7) ўтказилади ва турли саноат тармоқлари компанияларининг акцияларига инвестицияланади. Еттинчи жамғармага келиб тушган маблағлар Швеция солиқ департаменти бошқаруви ихтиёрига келиб тушади. Ушбу маблағларни қай тарзда инвестициялаш стратегияси Швеция солиқ департаменти томонидан белгиланади. Пенсия маблағлари ҳисоб-рақамларда қайд этилгунига қадар 18 ой мобайнида муомалада айланади ва суғурталанувчи шахс шахсий ҳисоб-рақамида фоизларга эга бўлади (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Швеция пенсия тизимида жамғариб бориладиган маблағларнинг шаклланиши⁴⁵

Швецияда умумийлик (барча ишчилар – таъминотнинг маълум турини олган аниқ ҳолатларнинг вужудга келишида мамлакатнинг

⁴⁵Ўша манба. -С. 32.

доимий аҳолиси учун тенг ҳуқуқлилиқ) ва универсаллиқ (ижтимоий мақомидан қатъи назар, барча фуқаролар уни молиялаштиришда ўз даромадларига тенг ҳажмда улуш қўшган ҳолда – бирдамлик тамойили асосида тенг қатнашадилар) ишчилар ижтимоий пенсия таъминоти тизимининг асосий тамойиллари ҳисобланади. Давлат аҳоли ижтимоий ночор тоифаларига ижтимоий неъматларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Жамиятда юзага келган эҳтиёжлар даражасига мос юқори нафақалар миқдорлари, турларининг хилма-хиллигини (пенсиялар, нафақалар, уйларда қарияларнинг яшашини таъминлаш ва ҳ.к.) сақлайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими швед “умумий фаровонлиқ давлати”нинг асосий элементи ҳисобланади. Унинг роли ва аҳамияти ИХТТ статистик маълумотларида яхши ифодаланади: агар фақат иш ҳақи шаклидаги даромад ҳисобга олинса (ойига ўртача 2,5 минг долл.), мамлакатнинг 36% аҳолисини камбағаллар тоифасига (жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари гуруҳида энг юқори кўрсаткич) киритиш мумкин. Бироқ жами ижтимоий маҳсулот солиқлар ва ижтимоий тўловлар орқали қайта тақсимлангандан кейин (давлат бюджетининг 1/3 қисми ижтимоий эҳтиёжлар плюс маҳаллий бюджетлар харажатлари ижтимоий бандларига ва пенсия ва суғурта фондларидан тўловларга кетади) камбағаллар тоифасига атиги 5,6% и тушади. Ушбу қиёсий кўрсаткичлар АҚШ учун 27% ва 17% ни ташкил қилади.

Бундай тизимнинг қимматлилиги (Швецияда солиққа тортиш даражаси 67% гача бўлиб, жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан биридир) аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигининг юқори даражаси, бойлиқ ва қашшоқлиқ ўртасида кескин зиддиятларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда мос равишда, барқарор сиёсий муҳит билан тўла қопланади. Социал-демократлар томонидан ўн йилликлар давомида ташкил қилинган “тенглаштирувчи” тизим нафақат сўллар орасида, балки либерал-консерватив сайловчилар томонидан ҳам кучли қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий соҳага ажратиладиган давлат харажатларининг қисқариши аҳоли ва касаба уюшмаларининг кескин норозилигини келтириб чиқаради.

Агар ижтимоий таъминотга йўналтирилган бутун харажатлар миқдори 100% деб қабул қилинса, марказий ҳукумат бюджетининг улуши 27% ни, маҳаллий ҳокимият органлари – 31%, корхоналар маблағлари – 41%, суғурталанган корхоналарнинг улуши эса бор-йўғи 1% ни ташкил этади.

Ҳозирги даврда Швеция дунёда ижтимоий таъминотга

ажратилган маблағлари давлат харажатларининг ЯММдаги улуши 42% дан юқори бўлган ягона мамлакатдир. Пенсиялар (қариллик, хизмат қилган йиллар учун, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик ҳодисаси) ва нафақалар (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, болаларга, кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, турли оилавий нафақалар, уй-жойларга, таълим олиш, ишсизлик бўйича) ижтимоий таъминотнинг муҳим турларидан ҳисобланади.

Оддий швецияликнинг пенсия таъминоти даражаси пенсияга кетиш чоғида турмуш тарзини тубдан ўзгартирмаслик имконини беради. Швецияда пенсияларнинг исталган турини ҳисоблаш асосига меъёрлаштириш тамойили қўйилган. Пенсия яшаш минимумига яқинлашадиган базавий суммага фоизларда аниқланади. Хизмат қилган йиллари учун пенсия 1959 йилдан киритилган. Пенсия таъминотининг ушбу тури бўйича суғурталаш, албатта, барча иқтисодий фаол аҳолига, жумладан, кичик тадбиркорларга ҳам тарқалади. Уни олишнинг асосий шарти камида 3 йил ёлланиб ишлашдир. Бундан ташқари, бу пенсия тўлови учун 30 йиллик меҳнат стажи керак.

Ишланган йиллар учун пенсия олиш ҳуқуқига 65 ёшга етган шахслар эгалар. Пенсия ҳажми уни олувчининг даромадига боғлиқ, аммо иш ҳақи юқорироқ бўлган 30 йиллик меҳнат стажининг тахминан 60% ини ташкил қилади (ишловчининг 15 йиллик юқори ҳақ тўланган ишига ўртача иш ҳақининг 2/3 қисми). Давлат пенсия жамғармалари корхоналар иш ҳақи фондидан маълум фоиз ажратмалари ҳисобидан шаклланади. Жисмоний шахслардан пенсия ажратмалари ундирилмайди. Аҳолининг паст ҳақ тўланадиган тоифалари билан бир қаторда барча пенсионерлар турар-жой дотациясидан фойдаланади.


Швецияда пенсия ислоҳотлари давом этмоқда ва ушбу ислоҳотларнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- пенсия ёшини 2015 йилда 61 ёшдан 62 ёшгача, 2019 йилдан 63 ёшгача узайтириш;
- кафолатланган пенсия ёшини 2019 йилдан 65 ёшдан 66 ёшгача ошириш;
- касбий ва хусусий пенсиялар учун чегарани 2017 йилдан 55 ёшдан 62 ёшгача кўтариш;
- ишлашни давом эттиришни хоҳлаганлар учун 2019 йилдан 67 ёшдан 69 ёшгача узайтириш (“Бандликни ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонун).

3.3. Россия Федерациясида жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш хусусиятлари

Миллий пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия жамғармалари активларидан инвестициялаш манбаи сифатида фойдаланиш имкониятлари тараққий этган мамлакатлар амалиётидан бирмунча фарқ қилади. Маълумки, собиқ иттифоқ мамлакатларида ҳозирги вақтда пенсия тизими тақсимот тизимидан аралаш шаклга ўтаётганлиги ушбу жараёнга бевосита таъсир кўрсатади. Шаклланаётган аралаш пенсия тизимларида нодавлат пенсия жамғармаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. МДХ мамлакатларида аралаш пенсия тизимининг шаклланиши ва фаолият юритиши турлича шаклда содир бўлмоқда.



3.3.1-расм. БРИКС мамлакатлари, Россия ва Қозоғистонда пенсия активларининг ЯИМдаги улуши, 2012 й (фоиз ҳисобида)⁴⁶.


ИХТТ мамлакатларида инвестиция бозорида пенсия активларининг ЯИМга нисбатан улуши 20%дан ошгандагина “етук” ҳисобланади. Қозоғистон пенсия бозорлари ушбу мезон бўйича баҳоланадиган бўлса истиқболли бозор ҳисобланади. Жумладан, 2012

⁴⁶Лансков П.М. Внутренние инвестиции в финансовые инструменты рынков капитала стран ЕЭП. / П.М. Лансков, Н.В. Максимчук, Г.Г. Дуисенова – Алматы, 2015. – с. 24.

йилда Қозоғистонда пенсия активларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 10,6%ни ташкил этди (3.3.1-расм).

Россия молия бозорида ҳозирги вақтда икки гуруҳ жамғармалар фаолият юритади: ҳар бир хоҳловчи ҳисоб очиши мумкин бўлган очик ва корпоратив жамғармалар. Таҳлиллар кўрсатишича, очик жамғармалар ўз харажатларини (реклама, офис таъминоти харажатлари) қоплай олмайдилар. Корпоратив жамғармаларда ҳолат бирмунча яхши даражада.

Россияда 2002 йилдан пенсия ислоҳотлари ягона давлат томонидан бошқариладиган тақсимотга асосланган пенсия тизимидан нодавлат ташкилотлари томонидан бошқариладиган мажбурий жамғаришга асосланган пенсия тизимига ўтиш бошланди. Пенсия тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига қатор давлат ташкилотлари жалб этилди. Ҳозирги вақтда пенсия тизимини тартибга солишда жиддий муаммолар мавжуд. Ушбу соҳани тизимли ва босқичма-босқич ислоҳ этиш мазкур тизимга нисбатан аҳоли ишончини кучайтирмоқда.



3.3.2-расм. Россия пенсия тизимининг жамғариб бориладиган маблағлари динамикаси, млрд. руб⁴⁷.

Мажбурий пенсия суғуртаси бўйича суғурталовчи субъектлар Россия Пенсия жамғармаси билан бир қаторда меҳнат пенсиясининг жамғариб бориладиган қисмига нисбатан 2005 йилдан бошлаб суғурталанувчи шахс хоҳишига кўра нодавлат пенсия жамғармасини

⁴⁷ <http://info.minfin.ru/pf.php>

ташқил этишлари мумкин. 2014 йил 1 май ҳолатига кўра, мамлакатдаги 118 та мажбурий пенсия суғуртаси бўйича суғурталаш ва ихтиёрий пенсия таъминоти фаолияти бўйича лицензияга эга нодавлат пенсия жамғармалари фаолият юритади. 2013 йилда Россияда 77 млн. киши меҳнат пенсияси бўйича ўз жамғармаларини амалга оширишди. 2014 йилнинг бошига келиб Россия пенсия тизимида 3 трлн. 842 млрд. рублдан ортиқ маблағ жамғариб бориладиган компонент сифатида йиғилган ва ушбу маблағларнинг ярми нодавлат пенсия жамғармаларида жамғарилган (3.3.2-расм).

Россияда хусусий пенсия жамғармаларининг жадал ривожланиши Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 16 сентябрдаги нодавлат пенсия жамғармаларини ташқил қилиш ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб берувчи “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу Фармонга мувофиқ, нодавлат пенсия жамғармалари мустақил фаолият юритади, ушбу жамғармалардан тўловлар давлат пенсиялари тўловлари билан бир қаторда амалга оширилади. Нодавлат пенсия жамғармалари активларини жойлаштиришни нодавлат пенсия жамғармалари активларини бошқаришга ихтисослаштирилган инвестицион компаниялар амалга оширади.

1994 йилда Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида нодавлат пенсия жамғармаларига нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида ёндашилди. 1995 йилнинг май ойида “Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси” қабул қилинди. Мамлакатнинг бешта ҳудудида фуқароларнинг пенсия ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш лойиҳаси амалга оширилди. Фуқаро учун тўланган ҳамма суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар фуқаронинг шахсий пенсия ҳисобида сақланади. Фуқаро бир вақтнинг ўзида Россиянинг турли ҳудудларида иш ҳақи олса ҳам, тўланган ҳамма суғурта бадаллари битта ҳисобга келиб тушади. Ҳар бир фуқаронинг мажбурий пенсия суғурта карточкасида фуқаро ҳисоб-рақами келтирилади. Россия Пенсия жамғармаси ҳар йили бу ҳисобдаги маблағлар тўғрисидаги ахборотни ҳисобот эгаларига юборади. Натижада ҳар бир фуқаро ўзининг шахсий пенсия ҳисобини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

1998 йил 7 майдан “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Федерал қонун кучга кирди. Ушбу Қонунда нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолияти нодавлат пенсия таъминотини

ривожлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Қонунда жамғарма ва жамғарма миждозларининг ҳуқуқлари, маждбуриятлари белгилаб берилган. 2000 йилдан бошлаб Россия Федерациясининг 22 та субъектида Ягона пенсия хизмати фаолият юрита бошлади. Ягона пенсия хизматининг ахборот таъминоти тизими банд аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ қамраб олади.

Россия нодавлат пенсия тизими нодавлат пенсия жамғармалари йиғиндисидан иборат. Россия қонунчилигига мувофиқ, нодавлат пенсия жамғармаси иждимой таъминот соҳасида фаолият олиб борувчи ноижорат ташкилотининг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- шартнома асосида аҳолига нодавлат пенсия таъминоти бўйича хизмат кўрстиш;
- “Россия Федерацияси маждбурий пенсия суғуртаси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ва шартнома асосида аҳолига пенсия суғурта хизматларини кўрсатиш;
- касбий пенсия тизимларини ташкил этиш тўғрисидаги келишувлар асосида касбий пенсия суғурта хизматлари кўрсатиш.

Нодавлат пенсия жамғармалари охирги функцияни бажаришмайди. Чунки Россияда ушбу турдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Нодавлат пенсия жамғармасининг фаолияти Россия қонунчилигига кўра Россия Федерацияси Пенсия жамғармаси (РПЖ) фаолиятига ўхшайди. Нодавлат пенсия жамғармаси РПЖ каби суғурта бадалларини жамлайди, инвестициялайди, уларнинг умумий ҳисобини юритади, пенсия тайинлаб, уни тўлайди.


Россиядаги нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим:

- пенсия жамғармалари – маждбурий пенсия суғуртаси бўйича нодавлат пенсия жамғармалари томонидан жамланган суғурта бадаллари миқдори;
- пенсия захиралари – нодавлат пенсия таъминоти бўйича нодавлат пенсия жамғармалари томонидан жамланган суғурта бадаллари миқдори.

Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ, нодавлат пенсия жамғармалари жамғарилган пенсия захираларини бошқарув компаниялари орқали ёки бевосита молиявий активларга инвестициялашлари мумкин. Нодавлат пенсия жамғармалари пенсия захираларини давлат қимматли қоғозлари, банк депозитлари ёки кўчмас мулк объектларига инвестициялашлари мумкин. Нодавлат

пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятида бошқа молиявий активлардан фойдаланишлари учун бошқарув компанияларига мурожаат қилишлари керак. Нодавлат пенсия жамғармаси ва бошқарув компаниялари ўртасидаги муносабат ишончли бошқарув шартномасига асосланади. Бошқарув компаниялари нодавлат пенсия жамғармасининг пенсия захираларидан фойдаланиши учун лицензияга эга бўлишлари керак.

Россияда нодавлат пенсия таъминоти устун даражада корпоратив пенсия тизими йўналишида ривожланмоқда ва улар турли фондлар шаклида фаолият олиб боради (3.3.3-расм).



3.3.3-расм. Россия нодавлат пенсия жамғармаларининг турлари⁴⁸

Нодавлат пенсия жамғармаларига пенсия захираларидан инвестиция мақсадида фойдаланишларида қуйидаги талаблар қўйилади⁴⁹:

- бир объектга жойлаштирилган пенсия захираларининг улуши 15 %дан ошмаслиги лозим;
- тан олинган котировкага эга бўлмаган қимматли қоғозларга жойлаштирилган пенсия захираларининг улуши 20 %дан ошмаслиги;
- фонд таъсисчилари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар РТСнинг биринчи даражали котировка рўйхатида бўлмаса,

⁴⁸ http://www.pfrf.ru/grazdanam/pensions/vidy_pens/strah_pens/

⁴⁹Гурвич Е.Т. Пенсионная реформа: общие принципы и необходимые меры. Экономическая экспертная группа, февраль 2011 г. <http://www.eeg.ru/>

уларни харид қилишга қилинган харажатларнинг пенсия заҳираларидаги улуши 30 %дан ошмаслиги;

- федерал қимматли қоғозлар қийматининг пенсия заҳираларидаги улуши 50 %дан ошмаслиги;


- Россия Федерацияси субъектлари ва маҳаллий ҳокимият органлари қимматли қоғозлари қийматининг пенсия заҳираларидаги улуши 50 %дан ошмаслиги;

- корхоналар ва ташкилотларнинг акциялари, облигацияларига қўйилган пенсия заҳираларининг улуши 70 %дан ошмаслиги;

- банк омонатларига ва кўчмас мулкка қўйилган пенсия заҳираларининг улуши 80 %дан ошмаслиги керак.


Россияда нодавлат пенсия таъминоти доирасида суғурталанувчи нодавлат пенсия жамғармаси билан пенсия шартномасини тузади. Ушбу шартномада кўрсатилган пенсия схемаси бўйича суғурталанувчи пенсия суғурта бадалларини нодавлат пенсия жамғармасига ўтказилади. Нодавлат пенсия жамғармаси бирдамлик ҳисоб-рақамига ёки шахсий ҳисоб-рақамга тушган маблағларни бошқарув корхоналари орқали инвестицияга айлантиради. Инвестициядан олинган даромадлар суғурталанувчиларнинг ҳисобларига ўтказилади ва келажакда олинадиган пенсия қиймати ошишига сабаб бўлади. Суғурталанган шахс пенсия ёшига етганда жамғарилган маблағдан келиб чиққан ҳолда нодавлат пенсиясининг қийматини белгилайди ва уни олиш тартибини аниқлаштиради.

Россияда фуқаролар нодавлат пенсия жамғармалари молиявий активларининг шаклланишига катта ҳисса қўшадилар. 2012-2013 йилларда пенсия ҳисоб-рақамига эга бўлган фуқаролар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ вакиллари Россия пенсия жамғармасидан нодавлат пенсия жамғармаларига ҳисоб-рақамларини ўтказганлар бўлса, иккинчи гуруҳ вакиллари эса давлат пенсия жамғармаси хизматларидан фойдаланишда давом этаётган фуқаролар. Натижада 2009-2014 йилларда нодавлат пенсия жамғармаларида ижтимоий суғурта хизматларидан фойдаланётган аҳоли сони 16,7 млн. кишига ортди (3.3.4-расм).



3.3.4-расм. Россия давлат ва нодавлат пенсия жамғармалари иштирокчилари нисбати⁵⁰

Таҳлиллар 2001-2014 йилларда нодавлат пенсия жамғармалари аъзолари сони 3,9 млн. кишидан 6,4 млн. кишига қадар, шахсий жамғарма рақамларда жамғарилган пенсия заҳиралари миқдори эса 33,6 млрд. рублдан 900,1 млрд. рублга қадар ортганлигини кўрсатмоқда (3.3.5-расм).



3.3.5-расм. Россия нодавлат пенсия жамғармалари қатнашчилари сони ва пенсия заҳиралари миқдорининг ўзгариши⁵¹

⁵⁰Сохранить накопительную пенсионную систему, март 2015// Центр макроэкономических исследований Сбербанка России, 2015. С. 5.

⁵¹ <http://www.cbr.ru/statistics/>

Амалга оширилган ислохотлар Россияда хусусий пенсия жамғармаларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратди. Мисол учун, 1998 йилда Россияда 271 та нодавлат пенсия жамғармалари мавжуд бўлган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 296 тага етди. Нодавлат пенсия жамғармалари сонининг ўсиб бориши кўп жихатдан Россия Президентининг 1992 йил 16 сентябрдаги “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши ва 1998 йил 7 майдан “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Федерал қонуннинг кучга кириши билан боғлиқ.

2004 йилдан бошлаб эса нодавлат пенсия жамғармаларига қўйиладиган талаблар оша бошлади. 2006 йилда ушбу жамғармаларга мажбурий пенсия таъминотини амалга ошириш ҳуқуқи берилди. Натижада нодавлат пенсия жамғармаларининг бирлашуви жараёни бошланди ва 2014 йилга келиб, бу жамғармаларнинг сони 119 тагача камайди (3.3.1-жадвал).


3.3.1-жадвал.

Россияда нодавлат пенсия жамғармаларининг сони⁵²

Йиллар	Лицензияга эга нодавлат пенсия жамғармалари сони	Мажбурий пенсия таъминоти тизимида фаолият кўрсатишни истовчи нодавлат пенсия жамғармалари сони
1998	271	0
1999	270	0
2000	262	0
2001	251	0
2002	287	0
2003	283	0
2004	296	0
2005	290	47
2006	289	73
2007	252	91
2008	246	105
2009	173	133
2010	159	133
2011	150	117
2012	139	112
2014	119	112

⁵²www.wikipedia.org

Таҳлиллар Россия нодавлат пенсия жамғармаларига ўтиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2006-2014 йилларда Россия пенсия жамғармасидан нодавлат пенсия жамғармаларига ўтиш учун берилган аризалар сони 1043,2 мингтадан 2294 мингтага қадар ортгани ҳолда нодавлат пенсия жамғармаларидан Россия пенсия жамғармасига ўтиш учун берилган аризалар сони 3,4 мингтадан 2033 мингтага қадар ошган (3.3.6-расм).



3.3.6-расм. Пенсия жамғармаси шаклланиши усули танлови бўйича тушган аризалар сони.⁵³

Нодавлат пенсия жамғармаларида пенсионерлар сони мажбурий пенсия суғуртасига эга бўлганлар ҳисобига ўсиб бормоқда. Жумладан, 2002-2014 йилларда нодавлат пенсия жамғармасидан пенсия олувчилар сони 350 минг кишидан 1,6 млн. кишига қадар ошган. Ўртача пенсия миқдори эса ушбу даврда 432 рублдан 2389 рублга қадар ўсган (3.3.7-расм).

Россия нодавлат пенсия жамғармаси миллий уюшмаси ҳисоботида кўра, 2014 йилда Россияда нодавлат пенсия жамғармалари инвестиция портфелининг 34,0%и пул маблағларидан, 6,2%и акциялардан, 39,1%и облигациялардан ташкил топган (3.3.8-расм).


Таҳлиллар Россияда нодавлат пенсия жамғармаларида пенсия резервлари ва жамғармалар миқдорининг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2011-2014 йилларда пенсия жамғармалари миқдори 3 бараварга ортган, ҳажми бўйича пенсия резервларидан ошиб кетган.

⁵³ http://www.pfrf.ru/press_center/~2016/05/16/112411



3.3.7-расм. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасы пенсионерлари ва ўртача пенсия миқдори динамикаси⁵⁴




3.3.8-расм. Россия нодавлат пенсия жамғармаларининг инвестиция портфели таркиби, 2014 й.⁵⁵

⁵⁴ <http://www.cbr.ru/statistics/>

⁵⁵ http://www.pfrf.ru/press_center/~2016/05/16/112411

2014 йил маълумотларига кўра, Россия нодавлат пенсия жамғармалари резервларининг 25%и акциялар, 22% облигациялар, 19%и пул маблағлари, 16%и нодавлат пенсия жамғармаларининг инвестицион пайларидан ташкил топган (3.3.9-расм).



3.3.9-расм. Россия нодавлат пенсия жамғармалари резервлари таркиби, 2014 й.

Демак, нодавлат пенсия жамғармаларининг ташкил қилиниши ва уларнинг ривожланиши Россия пенсионерлари моддий таъминоти яхшиланишига олиб келмоқда.

Россияда амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг яна бир хусусияти мамлакатдаги демографик вазиятни яхшилаш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг хусусий пенсия жамғармаларида иштирок этишларини фаоллаштириш мақсадида оилада фарзандлар сони биттадан ошганда давлат томонидан оналик капитали тақдим этилиши ҳисобланади. Айрим оилалар учун бундай капиталга эҳтиёж бўлмаса, ушбу маблағларни нодавлат пенсия жамғармаларига вақтинча инвестициялашни таклиф қилишмоқда.

Россияда оналик капитали дастурининг амал қилиш муддати 2018 йилга қадар узайтирилди. 2007-2015 йилларда ушбу дастур доирасида берилган сертификатлар сони 6687 тани ташкил этди. 2015

йилда оналик капитал миқдори 453026 рублни ташкил этиб, унинг миқдори ўтган даврга нисбатан 5,5%га ортди.

3.3.3-жадвал

Россияда оналик (оила) капитали дастури кўрсаткичлари⁵⁶

	Оналик капиталининг миқдори, руб.	Оналик капитали миқдорининг ўзгариши, %	Сертификатлар сони, минг дона	Фойдаланишга йўналтирилган маблағлар, млрд. руб.
2007	250 000	х	314	х
2008	276 250	10,5	569	х
2009	312 162,5	13,0	940	42,0
...				
2014	429 408,5	5,0	823	270,9
2015	453 026	5,5	1 041	328,6
Жами	х	81,2	6 687	1 360,1

Россияда амалга оширилган пенсия тизими ислохотларини умумлаштириб, ушбу ислохотлар “экстенсив” йўл билан амалга оширилганини таъкидлаш мумкин. Ислохотларнинг асосий натижаси пенсия қийматининг оширилишида ўз аксини топган. Пенсия қийматини ошириш учун Россия ҳукумати бу соҳага кўшимча молиявий ресурсларни жалб қилди. Аммо ушбу ислохотлар Россия пенсия жамғармасини мамлакатни яқин келажакда кутилаётган аҳолининг қариши муаммосига тўлиқ тайёрлай олмади. Шунингдек, ислохотлар натижасида мамлакатда амалга оширилаётган бюджет сиёсатининг самарадорлиги ҳам пасайди. Чунки Россияда амалга оширилган пенсия ислохотлари давлат харажатларининг катта қисми ноишлаб чиқариш соҳасига ўтиб кетишига олиб келди. Ушбу муаммоларни комплекс ҳал этишга бўлган эҳтиёж Россияда пенсия ислохотларини давом эттириш кераклиги, бу эса ислохотларнинг янги йўналишини белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

3.4. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш ва пенсия тизимининг инвестицион имкониятларини ошириш масалалари

Қозоғистон МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб пенсия таъминоти тизимини ислох қилган ҳолда, жамғариб


⁵⁶http://www.pfrf.ru/files/id/press_center/godovoi_otchet/Pension_fund_Annual_report_2015_1.pdf.pdf

бориладиган пенсия тизимига ўтди. Қозоғистонда 1997 йил 20 июнда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Пенсия ислоҳотларининг дастлабки даврида асосий эътибор давлат бюджетига тушаётган юкни енгиллаштиришга қаратилди. Шунингдек, ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири пенсия омонатларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш эди. Жумладан, пенсия жамғармаларини ошириб бориш учун давлат тўғридан-тўғри пенсионерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмни яратди.

Биринчидан, жамғариб бориладиган пенсия тизими устидан кучли назорат ўрнатилди. Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги Жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари фаолиятини бошқариш кўмитасининг қимматли қоғозлар бозоридаги бошқарув ваколати Қозоғистон миллий банкига берилган.

Иккинчидан, янги пенсия тизими қатнашчилари бўлган жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари, пенсия фаоллари орқали бошқариладиган пенсия компаниялари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб турувчи аниқ қонунчилик тизими яратилди.

Учинчидан, пенсия фаоллари томонидан пенсия жамғармаларига инвестиция киритилишида қатъий талаблар киритилди ва белгилаб қўйилди.



3.4.1-расм. Қозоғистон Республикаси пенсия тизими

Қозоғистонда тақсимот ва жамғариладиган тизимга эга аралаш пенсия тизими амал қилади (3.4.1-расм). 1998 йил 1 январга қадар 6 ойдан ортиқ меҳнат стажига эга фуқаролар пенсия тизимининг иккала қисмидан ҳам пенсия олишади. Кимнинг меҳнат стажи бўлмаса, пенсияга чиққанда пенсияни пенсия тизимининг жамғариб бориладиган қисмидан олади.

Қозоғистон пенсия тизимининг бирдамлик қисмидан тўланадиган пенсияларнинг молиявий манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Жамғариб бориладиган қисмидан тўланадиган пенсияларнинг молиявий манбаи эса фуқаролар томонидан яғона жамғариб бориладиган пенсия жамғармасида жамғарган маблағлари ва уларни инвестициялашдан олинадиган фоизлардан шаклланади.

Пенсия жамғармалари маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш имкониятлари Қозоғистонда пенсия ислохотлари тақсимот тизимидан суғурталанувчиларнинг индивидуал пенсия жамғармаларига асосланган жамғариб бориладиган тизимга ўтиш билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари суғурталовчи вазифасини ўтайди. Мамлакатда пенсия таъминотини давлат томонидан қафолатлаш мақсадида барча фуқароларга пенсия ёшига етганларида базавий пенсия миқдорини белгилашни кўзда тутувчи қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Қозоғистон пенсия тизими тўлиқ жамғариб бориладиган пенсия институтига боғлиқ, деган фикрни тасдиқламайди.

2013 йилда Қозоғистонда Яғона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси акционер жамият шаклида ташкил этилди. 2014 йилда эса бунга қадар хусусий жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари ихтиёрида бўлган активлар ва мажбуриятлар ушбу жамғармага ўтказилди. Шу билан бирга, Қозоғистон пенсия таъминоти тамойиллари ва жамғариб бориладиган пенсия тизимининг асосий кўрсаткичлари сақлаб қолинди: пенсия ҳисобларини персоналлаштириш, жамғармаларга нисбатан фуқароларнинг эгалик ва мерос ҳуқуқи, пенсия бадалларининг сақланиши бўйича давлат қафолатлари. Собиқ пенсия жамғармаларига ихтиёрий пенсия таъминоти соҳасида фаолият олиб бориш ёки Яғона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси бошқарув инвестиция портфелида қатнашиш таклиф этилди.

Қозоғистонда 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жамғарилган пенсия маблағлари 24,5 млрд. долларни ташкил этди. Яғона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси инвестиция

портфелининг асосий қисмини Қозоғистон Республикаси давлат қимматбаҳо қоғозлари ва давлат эмитентлари корпоратив қарз қоғозлари ташкил этади.

Қозоғистон Республикаси Миллий банки маълумотларига кўра, 2014 йилда маблағларнинг катта қисми Қозоғистон компанияларининг миллий пул бирлиги - тенгеда чиқарилган корпоратив облигацияларига йўналтирилган. Олтинга ва Қозоғистон Республикаси эмитентлари нодавлат қимматбаҳо қоғозларига инвестициялаш ҳажмининг қисқариши шароитида инвестициялар иккинчи даражали банкларидаги узоқ муддатли депозитларга сарфлаш миқдори ортиб бормоқда.

3.4.1-жадвал

Қозоғистон Республикаси пенсия жамғармалари инвестиция портфелининг таркиби⁵⁷

Молиявий дастаклар	01.01.2014 й.		01.11.2014 й.	
	млрд. долл.	улуши, %	млрд. долл.	улуши, %
Қозоғистон Республикаси давлат қимматбаҳо қоғозлари	12,1	50,9	11,4	49,6
Қозоғистон Республикаси эмитентларининг нодавлат қимматбаҳо қоғозлари	6,8	28,6	5,9	25,4
БВУда омонатлар	2,0	8,5	3,9	17,1
Хорижий эмитентларнинг нодавлат қимматбаҳо қоғозлари	0,8	3,3	0,9	3,9
Хорижий эмитентларнинг давлат қимматбаҳо қоғозлари	0,7	3,1	0,5	2,1
Халқаро молия ташкилотларининг қимматбаҳо қоғозлари	0,5	2,0	0,5	2,0
Олтин	0,9	3,7	-	0,0
Ҳосилавий қимматбаҳо қоғозлар	-	0,0	-0,0	-0,1
Жами	23,9	100,0	23,1	100,0

Таҳлиллар кўрсатишича, Қозоғистон Ягона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси консерватив инвестицион стратегия тарафдори ҳисобланади. Ушбу консерватив стратегия мамлакат капитал бозорини ривожлантиришга ундовчи жиддий туртки бермайди.

⁵⁷ <http://www.nationalbank.kz/>

Қозоғистон Республикаси капитал бозорининг муҳим хусусияти шундаки, унда пенсия ва суғурта тизимлари ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилиб, жамғарилган пенсия маблағларини жамғариш жараёнида у суғурта маҳсулотига айланади. Шунингдек, 2013 йилда Қозоғистон Республикаси қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, пенсия жамғармалари омонатчилари ўз ихтиёрий ва мажбурий пенсия ҳисоб-рақамларини суғурта ташкилотларига ўтказиш учун бирлаштириш имкониятига эга бўлишди.

Қиёсий таҳлиллар, миллий капитал бозорлари ривожланиши нуқтаи назаридан молиявий инқирозларга нисбатан барқарорлиги туфайли жамғариб бориладиган пенсия тизимларини ислоҳ этишнинг Қозоғистон варианты эътиборга лойиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу тизим ўтиш даврида жамғармаларнинг узлуксиз ўсиб бориши ва жамғариш жараёнини бошқариш шаклларининг ўзгариши шароитида фуқароларнинг ўз жамғармаларига нисбатан ҳуқуқларининг сақланиб қолишини таъминлайди.

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялаш зарурияти макроиқтисодий ҳолатнинг ўзгариши ва пенсия тизимининг бирдамлик қисмини тугатилиши билан бевосита боғлиқ.

Қозоғистон пенсия тизимини узок муддатли модернизациялашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш икки босқичдан иборат.

Биринчи босқич 2016-2020 йилларни ўз ичига олади ва пенсия тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Бунда асосий эътибор жамғариладиган пенсия тизимининг институционал асосини такомиллаштириш, оғир шароитли меҳнат билан банд бўлган шахслар учун касбий пенсия таъминотининг ихтиёрий тизимидан мажбурий тизимига ўтиш, аёллар ва эркакларнинг пенсияга чиқиш ёшини бир хиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг иккинчи босқичи 2020-2030 йилларни ўз ичига олади ва амалдаги пенсия таъминоти тизими кўрсаткичларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бунда асосий эътибор аҳолини жамғариладиган пенсия тизими хизматлари билан қамраб олиш тизимини кенгайтириш, пенсия таъминотининг минимал кафолатлари тизимини ўзгартириш, ҳарбийларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилади.

Жумладан, аҳолини пенсия хизматлари билан қамраб олиш тизимини кенгайтириш: яширин иқтисодиётга қарши кураш меҳнат муносабатлари, даромадларни легаллаштириш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга оширишни назарда тутди.

Демак, Қозоғистон пенсия тизимидаги ислохотлар жамғариб бориладиган пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида тўлиқ суғурта стажига ўтишни, жамғарилган пенсия маблағларининг инвестицияланиши устидан назоратни кучайтиришни, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини ошириш орқали пенсия тўловлари ва пенсия бадаллари ўртасидаги муддатни қисқартиришни, муддатидан олдин пенсияга чиқувчилар учун пенсия жамғармаларини жамғариш учун имкониятларни оширишни кўзда тутди.

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИНING ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатлар 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган ва 2005 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади.

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан иборат. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгалар.

Қонунда жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Қонунга кўра, иш берувчи юридик шахсларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиklarининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Ушбу Қонунга мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий

иш жойидаги Халқ банки филиалида, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга қўйиш, шунингдек, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш учун Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталида электрон ариза беришга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;
- жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча

шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

Қонунга кўра, жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан, ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Қонунда иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек, учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақлидирлар. Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан, учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул кадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Қонунда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари);

- жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари);

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Қонунга кўра, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши,

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек, Халқ банкнинг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

Қонун талабларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт. Халқ банки ушбу кўрсатиб ўтилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказди.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

Қонунда фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтиши ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу Қонунга мувофиқ, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар иш берувчи орқали, яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар эса бевосита яшаш жойларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

Қонун жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига юклатилган.

Қонунда тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия

тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эгаллиги кафолатланган.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади. Бунда жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фойзалар ҳақида ахборот олиш;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонунда жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчиларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор

қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Шунингдек, иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

Қонунга кўра, Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш; жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эгадир. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Шунингдек, Халқ банки:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

- жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек, улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек, уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонунда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлашни тугатиш ҳолатлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

- бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш тугатилади.

Қонунда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш тартиби белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Шунингдек, Қонунда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгилаб қўйилган.

4.2. Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўналишлари

Пенсия таъминотидаги институционал ўзгаришлар самараси, аввало, уларнинг қандай социал институтлар ва механизмларга таяниши, қандай социал дастаклар ва индикаторлардан фойдаланишига боғлиқ.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ

бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Нодавлат пенсия таъминоти пенсия жамғармаларининг тижорат фаолияти соҳаси ҳисобланади. Бунга нодавлат пенсия жамғармаларига пенсия бадаллари йиғишнинг персоналлашган жамғариш схемаси тааллуқли бўлади. Бу ихтисослашган корпорациялар омонатчиларнинг маблағларини олинган даромадлар ҳисобига инфляциядан ҳимоя қилиш, жамғармаларнинг юқори суръатда ўсишини таъминлаш мақсадида мажбурий тартибда миллий ва халқаро молиявий бозорларга инвестиция қиладилар.

Жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари маблағларини капитал бозорига йўналтириб, узоқ муддатли инвестиция сифатида ушбу бозорнинг ривожланишига имконият яратади. Бунда пенсия жамғармаларининг ўзлари капитал бозоридаги қудратли кучга айланади. Бундай шароитда жамғарма бошқарувчиларининг инвестицион сиёсати капитални тақсимлаш ва самарадорликка, умуман, иқтисодиётга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан, молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб беради.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Халқ банкининг вакилларидан иборат бўлган Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган бўлиб, у қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- муддатлилик, қайтаришлилик, даромадлилик ва диверсификациялаш тамойиллари асосида ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини белгилаш;

- ЖБПТ маблағларининг ҳар бир жойлаштириш объектига жойлаштириладиган энг кўп ҳажмини аниқлаш;

- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини хатарлилик бўйича гуруҳларга ажратиш;

- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш ва инвестиция қилишдан олинган даромаддан Халқ банки оладиган маржа миқдорини белгилаш ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланадиган фоиз ставкасини белгилаш.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш Халқ банкининг ЖБПТ маблағларини жойлаштириш бўйича таклифларини амалдаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки номидан ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш; Халқ банкидан унга юклатилган вазифалар бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни олиш; Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларини ўтказилиш санаси, жойи ва кун тартибини белгилаш, зарур ҳолларда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги қонунчилик ҳамда “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибга риоя қилиш ва уни ижро этиш; Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг Халқ банки томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг ўтказиш Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажбуриятлари қилиб белгиланган.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлислари ҳар чоракда камида бир марта, зарурият пайдо бўлганда даврий равишда кенгаш аъзоларининг камида тўртдан уч қисми иштирокида ўтказилиши лозим. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари мажлисда иштирок этувчи кенгаш аъзолари томонидан кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар миқдори тенг бўлган ҳолларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси мажлисда иштирок этган Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан имзоланадиган ҳамда кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган мажлис баёни билан расмийлаштирилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ҳисобланади.

Халқ банки ЖБПТ маблағларини жойлаштиришда фақат ЖБПТ омонатчиларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади ҳамда ЖБПТ маблағларини "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда "Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан бошқаради.

Халқ банки:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисини чақиришга доир ташкилий масалаларни ҳал қилиш;

б) Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш ҳамда ЖБПТ маблағларини фақат Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда ушбу Тартибга мувофиқ белгиланган тартибда шартномалар тузиш орқали жойлаштириш;

в) ЖБПТ маблағларини жойлаштириш бўйича таклиф қилинаётган объектларнинг дастлабки экспертизасини тайёрлаш;

г) фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига келиб тушаётган маблағлар, ушбу маблағларни жойлаштириш йўналишлари, битимлар тўғрисида ҳисоботлар, шунингдек, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан тўловлар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкка маълумот тақдим қилиб бориш;

д) маблағларни жойлаштириш эвазига олинган қимматли қоғозлар ҳисобини юритишни ташкил қилиш, қимматли қоғозлар сертификатларини сақлаш ва алоҳида турдаги қимматли қоғозлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш масалаларини амалга оширишга мажбур.

Халқ банки Марказий амалиётлар филиали билан Халқ банкининг шаҳар ва туман филиаллари ўртасида ЖБПТ маблағларининг ўсиб бориш ва умумий ҳажми бўйича маълумотлар ҳар йили таққослаб борилади. Шунингдек, олдинги ҳисобот йили давомида келиб тушган бадал маблағлари ва фуқароларнинг шахсий пенсия ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари бўйича ҳам таққослаш ишларини олиб боради.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги бадаллардан таркиб топган пул маблағлари суммаси баланснинг пассив қисмида акс эттирилади. Бунда баланснинг актив қисмида ушбу Тартибга мувофиқ жойлаштирилган маблағлар акс эттирилиши лозим.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш бўйича қилинаётган харажатлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан амалга оширилаётган тўловлар ҳисоби Халқ банкининг бошқа харажатларидан алоҳида тарзда юритилади.

Халқ банки ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкка жойлаштирилган ЖБПТ маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Ҳисобот шакли Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида ўтказилган маблағлар Халқ банки филиали томонидан махсус транзит ҳисобварақларида ҳисобга олинади ва кейинчалик Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлар" баланс ҳисобварақларида жамланиб борилади.

Халқ банкининг Марказий амалиётлар филиали томонидан жамланган ЖБПТ маблағларининг умумий суммасига ҳамда календарь йил давомида жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг мўлжалланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш учун йўналтириладиган бўш маблағлар ҳажми белгиланади.

Халқ банки филиалларида махсус ҳисобварақларидаги ЖБПТ маблағлари қолдиғи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан 1 ой давомида амалга ошириш учун зарур бўлган тўловлар суммасидан кам бўлмаслиги лозим.

ЖБПТ маблағларини жойлаштириш Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланадиган квоталарга мувофиқ Халқ банки томонидан амалга оширилади.

ЖБПТ маблағларини объектлар бўйича жойлаштириш квоталари ҳар чоракда Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари билан тасдиқланади.

Низомга мувофиқ, ЖБПТ маблағлари куйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин:

- а) Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматбаҳо қоғозларига;

- б) ипотека облигацияларига;
- в) амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматбаҳо қоғозларга;
- в) банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга;
- д) қонунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига мувофиқ, "д" кичик бандда кўрсатилган объектларга жойлаштиришда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қуйидаги талаблар қўйилади:

- а) кредит ташкилотининг фаолият олиб бориш бўйича лозим бўлган касбий тажрибага эгаллиги;
- б) активларнинг минимал миқдори, таркиби ва структураси билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятни амалга ошириш тажрибасига эга эканлиги;
- в) кредит ташкилотининг ёки хўжалик юритувчи субъектнинг хусусий капиталининг минимал миқдори;
- г) корпоратив қимматли қоғозлар эмитентларининг рентабеллиги, молиявий барқарорлиги, иш юритиш ва бозордаги фаоллиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган бошқа талаблар.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 23-банди "д" кичик бандида назарда тутилган, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланадиган бошқа объектларга жойлаштиришда уларнинг молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисидаги тасдиқланган аудиторлик хулосаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботи, ЖБПТ маблағларини жойлаштириш тўғрисидаги ариза беришдан олдинги уч йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда ЖБПТ маблағларини жойлаштириш масаласини батафсил кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Давлат қисқа муддатли облигациялари ва давлат ўрта муддатли облигацияларига маблағларни жойлаштириш “Давлат қисқа муддатли

облигациялари чиқарилишларининг муомалада бўлиши ва уларга хизмат кўрсатилиши тўғрисида”ги Низом ва “Муомалага чиқарилган Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

ЖБПТ маблағлари суд жараёнидан олдинги санация чоралари кўрилатган ёки Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан банкротлик жараёни кўзғатилган (кузатиш, вақтинча (ташқи) бошқариш) ёки охириги икки йил мобайнида ушбу жараёнлар қўлланилган эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин эмас.

Шунингдек, ликвидлилик, тўловлилик, даромадлилик ва бошқа қўйилган талабларга жавоб бермайдиган қимматли қоғозлар эмитентларига ЖБПТ маблағларидан жойлаштирилиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

ЖБПТ маблағлари “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўзда тутилмаган объектларга жойлаштирилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад, Халқ банки оладиган маржа суммаси чегириб ташлангандан сўнг, ҳар йили йил якунида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, улардаги мавжуд бўлган қолдиқ миқдorigа мутаносиб равишда ўтказилади.

ЖБПТ маблағларини жойлаштиришдан олинadиган Халқ банки маржаси миқдори Молия вазирлиги томонидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсиясига асосан дастлаб - аванс қисми йил бошида 1 февралгача, узил-кесил - декабрнинг охириги ўн кунлигида белгиланади.

ЖБПТ маблағларини жойлаштиришдан олинadиган маржани Халқ банки ва филиаллари орасида тақсимлаш тартиби Халқ банки томонидан белгиланади.

4.3. Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш имкониятлари

Ўзбекистонда амалга оширилатган инвестиция сиёсатининг мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш,

молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Оқилона инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, унга инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириб бориш, аввало, яратилган инвестиция муҳитига боғлиқ. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини такомиллаштириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Иқтисодиёт барқарор ривожланишининг асосий омили инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурслар жалб этиш ҳисобланади. Ўрта ва узоқ муддатли истикболда “узун” инвестицияларнинг асосий манбаи аҳоли маблағлари бўлиши лозим. Шу билан бирга, бундай ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятларини излаш лозимки, ушбу ресурслар капитал инвестицияларнинг асосий манбаидир. Пенсия жамғармалари молиявий бозорнинг узоқ муддатли даврда амалга оширишга мўлжалланган дастурларни инвестициялаш бўйича катта салоҳиятга эга бўлган муҳим субъектлари ҳисобланади. Пенсия жамғармалари маблағларини капитал бозорига йўналтириб, узоқ муддатли инвестиция сифатида жойлаштириш ушбу бозорнинг ривожланишига имконият яратади. Бунда пенсия жамғармаларининг ўзлари капитал бозоридаги қудратли кучга айланади. Бундай шароитда жамғармалар бошқарувчиларининг инвестицион сиёсати капитални тақсимлаш ва самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлайди.

Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармалари инвестицион жараёнларнинг муҳим иштирокчилари ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳозирги даврда пенсия тизимини

бирдамлик тизимидан аралаш шаклга ўтаётганлиги билан характерланиб, шаклланаётган тизимда нодавлат пенсия жамғармаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Пенсия жамғармасини келажакда кутаётган молиявий харажатларни прогнозлаштириш, уларга тайёргарлик кўриш, даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш, пенсия жамғармалари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг, балки, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларини чуқур ўйлашга мажбур қилмоқда. Чунки, дунёда шаклланаётган демографик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни бир зумда ўз йўналишидан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, пенсия жамғармалари, биринчи навбатда, ижтимоий функцияни бажарувчи молиявий институт бўлиб, унга нисбатан инвестицион фондлар, суғурта компаниялари, банкларга қўйилгани каби талаблар қўйилиши лозим. Пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш ва пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий услубларидан жаҳон амалиётида кенг тарқалган “жавобгарлик хатти-ҳаракати” тамойилига ўтиш лозим. Бу тамойил институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончлилиги ва шаффофлигини сақлаган ҳолда бозор таклифларига мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган халқаро андозаларга жавоб бераётган жамғармаларга ўз активларини молиявий бозорларда мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади, улар фаолиятига бўлган ишончнинг ортишини таъминлайди.

Пенсия жамғармалари маблағларини миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган компаниялар акцияларига жойлаштириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим бўлади. Бундай механизм, бир томондан, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, иккинчи томондан, миллий иқтисодиёт ривожланишининг локомотиви бўлиши лозим бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Шунингдек, пенсия активларини давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган узоқ муддатли инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳаси ривожланишига туртки берди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сонли ва 282-В - сонли қарори билан тасдиқланган “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ЖБПТ маблағлари Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматбаҳо қоғозларига; ипотека облигацияларига; амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматбаҳо қоғозларга; банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга; қонунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-банди талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга жойлаштирилиши мумкин.

“Давлат-тижорат Халқ банки маълумотларига кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахслар ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банкида очилган 5866,7 минг нафар фуқароларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи 160,5 млрд. сўми ташкил этади. Ушбу маблағларнинг 158,5 млрд. сўми банклараро депозитларга ва 2,0 млрд. сўми Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик компаниясига кредит тарзида жойлаштирилган”.⁵⁸

2014 йилда Халқ банкида жамғариладиган пенсия тизимида очилган ҳисобварақлар сони 8,205 млн.тани ташкил этди. Жамғариладиган пенсия тизимидаги маблағлар қолдиғи 2014 йилга келиб 1325,1 млрд сўмга тенг бўлди. Ушбу маблағлар тўлалигича банкларнинг депозитларига жойлаштирилиб, реал сектор тармоқларини модернизациялашни кредитлашга йўналтирилмоқда.

⁵⁸ Қасимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. –Т.: «Иқтисод-молия». 2014. 118 б.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимидан олинадиган даромадлилик даражаси 9,1 % ни ташкил этмоқда⁵⁹.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳолати⁶⁰

Кўрсаткичлар	2005 й	2008 й	2010 й	2013 й	2014 й
Фуқаролар ШЖБПХлари (дона)	4 084 871	5585975	6468 588	8204769	8,205
Жамғарилган маблағлар – жами (млрд. сўм)	18,9	173,1	404,6	1087,0	1325.1
Ҳисобланган фоиз даромади (млрд. сўм)	0,6	12,8	26,0	62,0	93,3
ШЖБПХ ўртача даромадлиги (%)	10,0	10,0	8,0	7,0	9,1

Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларидан инвестиция сифатида фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, Европа мамлакатлари жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари маблағлари молия бозорини ривожлантиришга, ўз навбатида, юқори даромад олишга қаратилган, шунингдек, 50%и кредит ресурсларига қаратилган бўлса, 30%и қимматли қоғозлар бозорига йўналтирилган, қолган 20%и эса бошқа паст рискли қўйилмаларга тўғри келади⁶¹.

Пенсия тизими ривожланишининг жаҳон тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда дунёда пенсия тизимининг таркибий тузилишида жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари салмоқли ўрин эгаллаб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон пенсия тизими таркибининг 98 %ини асосий давлат пенсияси, 1% ини мажбурий жамғариб борувчи пенсия ва 1% ини ихтиёрий жамғариб борувчи пенсия ташкил этди. Европа мамлакатлари мисолида қарайдиган бўлсак, Европа базавий давлат пенсияси бутун пенсия тизимининг 1/5қисмини, мажбурий жамғарилувчи пенсия тизимининг нақд ярмини, ихтиёрий жамғариб бориладиган қисми эса 30%ни ташкил этмоқда⁶².

⁵⁹ Вахабов А.В., Зокирходжаева Ш.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. // Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истикболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2015 йил 21 ноябрь.

⁶⁰ Ўша манба.

⁶¹ Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари. // “Иқтисод ва молия”. 2014. 5-сон

⁶² Ўша манба

5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИМҚОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

5.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия tizимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш талаблари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар янада чуқурлашуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллигининг кучайиши пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг мақсади самарали молиявий барқарор бўлган пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган пенсия тизимини шакллантириш ҳисобланади. Шунингдек, пенсия ислохотлари инвестицияларни иқтисодий ўсишга йўналтиришни рағбатлантириши мумкин. Пенсия тизими самарадорлигининг мезонлари аксарият банд аҳолини қамраб олиш, пенсионерларга пенсияга чиққунга қадар бўлган турмуш даражаси билан қиёсий таққосланадиган муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлайдиган молиявий барқарорликдан иборат бўлиши лозим.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган пенсия тизимининг ҳуқуқий асосларни ташкил этувчи “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар асосида икки даражали пенсия тизимининг бирдамлик ва мажбурий жамғариладиган қисмлари шакллантирилди. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи олувчилар бирдамлигига асосланган. Жамғариб бориладиган пенсия тизими эса ишловчиларнинг шахсий бадаллари ва иш берувчиларнинг ишловчилари учун тўлайдиган бадаллари ҳисобига шаклланади.

Кейинги йилларда қатор тараққий этган мамлакатлар жамғариб бориладиган пенсия тизими ва корпоратив пенсия жамғармаларига қўшимча тўловларни жорий этиш ҳисобидан ишловчиларни меҳнат даромадларини қоплаш коэффиценти миқдорини кескин оширди.

Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ушбу кўрсаткич 65 % ни ташкил этиб, пенсияга чиққандан сўнг юқори даражада даромад олиб яшаш имконини таъминламоқда.

Пенсия амалиётида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарали фаолият кўрсатишининг муҳим кўрсаткичи боғлиқлик коэффиценти ҳисобланиб, Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра, бир пенсионерга тўлов тўлаётган ишловчилар сони камида икки киши бўлиши лозим ва тўловлар давлатнинг бирдамлик тамойилига асосланган бўлиши керак. Ўзбекистонда эса демографик вазият ҳозирча яхши бўлиб, ҳар бир пенсионерга 5-6 ишловчи тўғри келмоқда.

Ўзбекистонда пенсия таъминотининг иккинчи даражаси жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисобланади. Меҳнат шартномаси асосида фаолият юритувчи иш берувчи ва фуқаролар учун жамғариладиган пенсия тизимида қатнашиш мажбурий ҳисобланади, асосий иш жойидан Халқ банки филиалига иш берувчи буюртмасига кўра шахсий жамғариладиган пенсия ҳисобрақами очилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс сифатида расмийлаштирилмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари жамғариладиган пенсия тизимида ихтиёрий қатнашади.

Ҳозирда мамлакатимизда амал қилаётган тизимни суғурта элементлари мавжуд бўлган давлат пенсия тизими деб аташ мумкин.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги пенсия таъминоти 2005 йилдан бошлаб, бирдамлик билан биргаликда мажбурий жамғариладиган элемент киритилишига қарамай, пенсия тизимининг асосини давлат пенсия таъминоти ташкил этмоқда.

Пенсия жамғармасига ижтимоий бадаллар тўловчи ишловчилар сони ва пенсионерлар ўртасидаги нисбат – боғлиқлик коэффиценти бирдамлик (таксимот) тамойилига асосланган пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини акс эттиради. Жаҳон амалиётида қабул қилинган чегаравий мезон нисбат камида 1:2 (бир пенсионер учун камида икки ишловчилар тўлов тўлашлари лозим) бўлиши лозим.

Тараққий этган мамлакатларда реал воқеликда аҳолининг қаришини глобал муаммосига асосан туғилиш камайиш тенденциясига эга бўлиб, меҳнат қобилияти ёшидаги пенсия бадалини тўловчи шахслар улуши аста-секин қисқариб бормоқда.

Ўзбекистонда ушбу нисбатга яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ортиши, бандлик соҳасидаги ҳолат, меҳнат миграцияси оқими ва демографик вазият жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда боғлиқлик коэффиценти 2000-2014 йилларда

яхшиланиб борди, жумладан, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 1:2,8 бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 1:4,0 ни ташкил этди. Банд бўлган аҳоли таркибида бор-йўғи 8,2 млн. киши – 65,5% киши пенсия фондига мажбурий жамғариладиган тўловлар тўлашини назарда тутадиган бўлсак, реал нисбат 1:2,6 тенг бўлади. Бироқ яқин беш йилликда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қулай демографик вазият туфайли туғилганларни пенсияга чиқиш ёшига етиши ва аввал имтиёзлари бекор қилинган шахсларни пенсияни расмийлаштириши туфайли одатдаги ҳар йили пенсияга чиқувчи шахсларга (150 минг) нисбатан кўп (270 минг) кишиларнинг мурожаат қилиши кутилмоқда. Бу эса боғлиқлик коэффициентини критик нуқтага яқинлаштиради.

Меҳнат миграцияси ҳажмининг ортиши хорижда ишлаётган фуқароларимизни пенсия жамғармасига суғурта тўловларини тўламаслигига ва келажакда мамлакатга қайтиб келиб, пенсия жамғармасига пенсия олиш учун мурожаат қилиб, унга бўлган босимнинг ортишига олиб келади. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири аҳоли таркибида меҳнат қилиш қобилияти ёшидан катталар улушининг ортиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида меҳнат қобилияти ёшидан катта аҳоли улуши бирмунча ошиб борди, жумладан, ушбу кўрсаткич 1991 йил 7,2 %ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 8,4 %га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонни тараққий этган ва бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлардан кескин фарқлантиради. Ваҳоланки, жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонга мувофиқ, пенсия ёшидаги шахсларни аҳоли умумий сонидаги улуши 12 %дан ортиқ бўлса, ушбу мамлакат аҳолиси қариётганлигини билдиради. Шунингдек, ушбу ҳолат тараққий этган мамлакатларда аҳоли ўртача яшаш давомийлигининг ўсиши асосида эркак ва аёлларни пенсияга чиқиш ёшини 65-67 ёшга оширилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли улушининг бирмунча пастлигига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатди: биринчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-2005 йиллар) аҳоли ўсиши суръатларининг пасайиши ва аҳоли миграцияси салбий сальдосининг юқорилиги кузатилди. Иккинчидан, иқтисодийни модернизациялаш шароитида (2006-2016 йиллар) мамлакатимизда 8% дан кам бўлмаган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилганлиги аҳоли турмуш даражасини изчиллик билан ошириш ва сифати яхшиланиши ҳамда аҳоли миграциясининг салбий қолдиғи барқарорлашуви натижасида аҳолининг йиллик ўсиш

суръатлари 1,0-1,2 %дан 1,5-1,8 %гача ўсди. Юқорида қайд этилган ижобий демографик вазият мамлакатимизни глобал аҳоли қариши тенденцияси таъсиридан сақлаб туради. Фикримизча, ўрта истиқболда аҳолининг қариши глобал муаммосини Ўзбекистон аҳолиси ёш таркибига таъсири салмоқли бўлади ва пенсия тизими молиявий барқарорлигининг сусайишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан ўрта истиқболда пенсия тизимининг демографик омилларга боғлиқлигини сусайтириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Пенсия тўловларини тўловчилар сони ва пенсионерлар ўртасидаги шаклланган нисбатга имтиёзли пенсионерлар улушининг юқорилиги ва меҳнатга яроқли аҳолининг тўлиқ банд эмаслиги ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Самарали пенсия тизимини шакллантиришда қуйидаги масалалар долзарб ҳисобланади:

- пенсияга чиқиш ёшини тўғри белгилаш;
- пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги, жумладан, амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлиги ва пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш;
- қоплаш коэффициентини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш;
- узоқ муддатли даврда пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини прогнозлашдаги ишончлилиқ ва асосланганликни таъминлаш, узоқ муддатли прогнозлашда вужудга келадиган рискларни суғурталаш.

Мамлакатда амал қилаётган солиқ солиш амалиётини оптималлаштириш пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди, чунки унинг ёрдамида жамғариб бориладиган ва ихтиёрий пенсия схемаларини шакллантириш ва тартибга солиш орқали давлат пенсия таъминотига тушадиган оғирликни камайитириш мумкин. 2013 йилда мамлакатимизда пенсия тўловларининг 98 %и давлат пенсия тизими ҳиссасига тўғри келди.

Миллий пенсия тизими молиявий барқарорлигининг комплекс таҳлили қатор хулосалар қилиш имконини беради. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, пенсия тизими самарали, молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ижтимоий самарали – пенсиялар суғурта қилинган ишловчиларнинг турмуш даражасини сақлаб қолиш ва суғурта қилинмаганларнинг камбағаллашувига йўл қўймаслиги лозим;

- шахсий адолат – пенсиялар меҳнат фаолияти жараёнида тўланган суғурта бадаллари миқдорига мутаносиб равишда меҳнат даромадлари йўқотишини қоплаши лозим;
- иқтисодий қулайлик – пенсия бадаллари хўжалик субъектлари, фуқаролар учун молиявий жиҳатдан оғир бўлиши керак эмас;
- суғурта жамғармаларининг молиявий барқарорлиги – узок муддатли истиқболда пенсия тўловлари аниқ ва кафолатланган бўлиши лозим;
- мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланиши лозим;
- пенсиянинг таъминланганлиги – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришиш, унинг қиймати пенсия бадаллари қиймати ва тўловининг давомийлигига боғлиқ бўлиши зарур;
- пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини мунтазам баҳолаб бориш лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим;
2. Ўзбекистонда кўп даражали комбинациялашган пенсия тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ;
3. “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги, “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Мажбурий хусусий пенсия таъминоти тўғрисида”ги каби пенсия тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунлар қабул қилиш лозим;
4. Ўзбекистонда пенсияни меҳнат стажига қараб тўлашдан суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш керак;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни нормаларини амалиётга самарали жорий этиш учун қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим;
6. Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизминини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятидан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим;
7. Жаҳоннинг илғор тажрибасини республикамиз амалиётида қўллаш мақсадида аҳоли турмуш даражасининг ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тўловлар юқини иш берувчилардан ишчи ва

ходимлар зиммасига босқичма-босқич ўтказиш, яъни амалдаги 87:13 нисбатни истиқболда 50:50 нисбатга етказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ;

8. “Бирдамлик” пенсия тизимидан босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур.

5.2. Пенсия жамғармалари маблағларидан фойдаланишда инвестициялаш объектларини танлаш йўналишлари

Пенсия маблағларини жамғариш жараёнидаги асосий жиҳат уларни инвестициялашдир. Жамғариладиган пенсияларни молиялаштириш учун пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялашдан мақсад маблағларнинг ўсишини таъминлаш ва улар қимматининг тушиб кетишидан ҳимоялашдир. Пенсия жамғармаларини инвестициялаш жараёнида уларнинг бутлигини таъминлаш чораларидан бири пенсия маблағларини инвестициялаш учун самарали молиявий воситаларни танлаш, диверсификациялаш кафолатлари, молиявий рискларнинг ортиқча концентрациясига йўл қўймасликдир. Таъкидлаш жоизки, инвестициялаш жараёнини ташкил қилишда шундай инвестицион инфратузилма ва пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялашда ишончлилик, маблағларнинг бутлиги ва даромадлилигини таъминловчи қондани яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда икки ўзаро қарама-қарши вазифалар вужудга келади: бир томондан, қўйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаш, иккинчи томондан, рискларни камайтириш. Бундай вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун жаҳон амалиётида қуйидаги тамойиллар қўлланилади: инвестицион портфелни диверсификациялаш, инвестицион воситаларнинг юқори ликвидлилиги ва активлар даражасига чегара ва инвестицион лимитлар (яъни иқтисодиёти ва мос равишда молиявий бозорлари нобарқарор бўлган мамлакатлар учун аҳамиятли бўлган инвестициялар бўйича минимал мақбул даромад) белгилаш.

Талаб этиладиган қулай шароитларни таъминлаш учун, аввало, бир қатор амалий вазифаларни ҳал қилиш лозим. Биринчидан, пенсия жамғармаларининг инвестициялашга рухсат этилган активлари ишончлилик ва ликвидлилик бўйича талабларга жавоб бериши керак ва уларни танлаш (ҳеч бўлмаганда тизимни шакллантиришнинг

бошланғич босқичида) давлат назорати остида амалга оширилиши лозим.

Пенсия жамғармалари маблағларини жойлаштиришда мумкин бўлган инвестициялаш объектларини танлашда молия бозорлари тегишли соҳаларининг тайёрлигини аниқлаш лозим бўлади. Шунинг учун, пенсия жамғармалари маблағларини жойлаштириш мумкин бўлган активлар тоифаларини кўриб чиқамиз.

Одатда, давлат томонидан чиқарилган ва кафолатланган қимматли қоғозлар камроқ рискли сифатида қаралади. Даромадлилик нуқтаи назаридан ички валюта заём облигациялари ва ташқи облигацион заёмлар қулай деб ҳисобланади. Бу, асосан, пенсия жамғармалари маблағлари бутлигининг қўшимча кафолати сифатида дастлабки босқичларда муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия маблағларининг реал мол-мулк билан таъминланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун пенсия жамғармалари ЯИМни оширишга йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияланиши лозим. Бу мамлакат иқтисодиётида хусусий инвестицион ресурслар камомадини муайян даражада бартараф этиш имконини беради. Ушбу ҳолатда инвестицион портфелнинг асоси корпоратив қимматли қоғозлар, яъни акция ва облигациялар бўлиши лозим.

Акциялар, моҳиятан компания капиталидаги улуш ҳисобланиб, унинг қиймати компания капиталининг ортишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги сабабли нисбатан юқори даромадлиликни таъминлаши мумкин. Акцияларга узок муддатли қўйилмаларни инобатга олган ҳолда, улар бўйича даромадлилик давлат қимматли қоғозларига қўйилмаларга нисбатан бирмунча юқори бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, пенсия жамғармалари маблағларини акцияларга инвестициялаш ишловчиларга даромадларда иштирок этиш ва охир-оқибатда юқори пенсияни таъминлаш имконини беради.

Албатта, пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялашда муомаладаги акцияларга, яъни фонд бозорида доимий муомалада бўлган акцияларга мурожаат қилиш лозим. Улар ичида бозор ҳолатини белгиловчи фаол акциялар-барометрлар алоҳида аҳамият касб этади. Бозорда йирик инвестицион ресурсга эга пенсия жамғармалари каби жиддий инвесторнинг пайдо бўлиши акционерлик жамиятларининг сиёсатига таъсир кўрсатади ва мўътадил бозор вазиятини вужудга келтириш имконини беради. Пенсия жамғармалари маблағларини инвестициялашнинг объекти

сифатида юқори даражали листингга кирмайдиган, аммо ўзларини тўла ишончли ва ликвид восита сифатида таклиф этаётган иккинчи эшелон қимматли қоғозларидан фойдаланиш мумкин.

Жаҳон амалиётида пенсия жамғармаларини акциялар бозорига инвестициялашда рискларни пасайтириш учун индексли инвестицион фондлар пайларидан фойдаланилади. Ушбу ҳолатда инвесторлар оқибатда портфелнинг ликвидлиги ва ишончилигининг юқорирок самарадорлигига олиб келувчи бозордаги барча ўзгаришларни ифода этувчи муайян бозор индексларидан фойдаланадилар.

Маълумки, миллий товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўстиришнинг муҳим манбаи – кичик бизнес ва ўрта тадбиркорлик бўлиб, кўпинча уларнинг ривожланишига инвестицияларнинг етишмаслиги тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, бундай компаниялар биринчи эҳтиёж товарларини ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади, инвестицион ресурслар ушбу товарлар нархини пасайтириш имконини бериши мумкин, бу биринчи навбатда, пенсионерлар учун муҳим.

Тижорат кўйилмаларининг эҳтимолли рисқи миллий иқтисодиётнинг хусусияти ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражаси билан боғлиқлигини таъкидлаш жоиз.

Корпоратив қимматли қоғозлар ичида облигациялар нисбатан ишончли бўлиб, у пенсия жамғармаларини инвестициялаш учун нисбатан қулай восита ҳисобланади. Корпоратив облигацияларга қўйилган маблағлар бевосита реал секторга йўналтирилади.

Шундай қилиб, биринчи эшелон корпоратив акцияларга эътиборни қаратиш лозимки, акциялар нархи фоиз ставкалари ва максимал ўсиш потенциалига сезгир. Бу ўринда уларнинг ишончилигини ошириш чораларини амалга ошириш муҳим. Бунинг учун пенсия жамғармалари маблағларини халқаро агентликларнинг кредит рейтингига эга бўлмаган эмитентларнинг облигацияларига йўналтирмаслик керак. Бундан ташқари, рисклардан суғурталанган ёки учинчи томондан (мумкин қадар, давлат томонидан) кафолати таъминланган янги типдаги корпоратив облигацияларга йўналтириш мақсадга мувофиқ, бу тажриба жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

Республикамизда уй-жой масаласи доимо долзарблигини сақлаб келмоқда. Шунинг учун пенсия жамғармалари кафолати остида уй-жой хариди учун ипотекавий молиялаштириш нисбатан қулай. Бу тажриба Чилида амалга оширилган бўлиб, пенсия резервининг 18% ни ташкил этган. Кўчмас мулк ва гаровга инвестициялар учун

тегишли инфратузилмани яратиш, ривожланган шаффоф ипотека бозорини унинг воситалари билан таъминлаш зарур.

Бугунги кунда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда пенсия жамғармалари маблағларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бирига айланган. Халқаро тажриба бундай амалиёт, инфратузилма ривожланиши билан бирга, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришини кўрсатмоқда.

Бундай муаммоларни кўпгина мамлакатлар, хусусан, ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар бошидан ўтказмоқда. Уларнинг кўпчилиги мавжуд вазиятдан хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш йўли билан чиқишни маъқул топиб, бунда пенсия жамғармалари энг асосий ўринни эгаллаб турибди. Preqin тадқиқотлар гуруҳининг 2011 йилдаги баҳосига кўра, институционал инвесторлар бошқарувидаги инфратузилмавий активлар ҳажми 174 млрд. долларга етди, бу кўрсаткич инқирозгача бўлган 2007 йилдагидан икки баробар кўп.

Бу инвестицияларнинг саккиздан бир қисми пенсия жамғармалари томонидан берилган. Инфратузилмавий активлар институционал инвесторларни қатор сабабларга кўра ўзига жалб этади. Биринчидан, бу активлар оқимлари инфляция билан боғлиқ; иккинчидан, инвестициялар горизонти пенсия мажбуриятлари характерига тўлиқ мос келади; учинчидан, инфратузилманинг ривожланиши ижтимоий жавобгарлик воситаси сифатида пенсия суғуртаси имижига мос келади.

Бугунги кунда пенсия жамғармаларида инфратузилмаларни молиялаштириш учун тўртта жиҳат мавжуд: ихтисослашган компания акцияларига эга бўлиш, инфратузилмавий фондларга қўйиш, тўғридан-тўғри инвестициялаш, қарз мажбуриятларига эга бўлиш.

Бундай қўйилмалар эмитентларнинг молиявий тўловга қодирлигининг стандарт бозор рисклари, бозор шароитларидаги салбий ўзгаришлар, қимматли қоғозлар қийматининг динамикаси ва ликвидлилиги билан боғлиқ.

Инфратузилмага институционал инвестициялар киритишни рағбатлантиришдан манфаатдор давлатлар санаб ўтилган рискларни камайтирувчи ёки сарфланган маблағлардан қайтимларни оширувчи махсус тартибларни киритади.

АҚШ ва Канадада инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий воситаси аввалдан субфедерал заёмлар ҳисобланади. Америкада инвесторлар учун бу қоғозларнинг жалб

этувчанлигини 1913 йилдаёқ ўрнатилган фойдадан федерал солиқ тўлашдан озод этилганлиги белгилаб беради.

Охирги йиллардаги молиявий бозорлардаги беқарорлик шароити бундай омилларнинг инфратузилмавий заёмларнинг машҳурлигини тезда ошишига имкон берди. Ҳозирги кунда Лотин Америкаси мамлакатлари пенсия маблағларини инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилишга шарт-шароитлар яратиб беришнинг энг бой тажрибасига эга. Улар биринчилардан бўлиб, ўз пенсия тизимларида ислоҳотларни ўтказиш билан бир вақтда инфратузилмавий лойиҳаларда давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш учун яхши шароит яратди.

Европа ва Америкадан фарқли ўлароқ, Лотин Америкаси мамлакатлари қонунчилиги пенсия жамғармаларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини қатъий чегаралайди. Айнан шу ҳолат инфратузилмавий облигацияларнинг оммавийлигини таъминлаб беради.

Чилида инфратузилмавий облигацияларни жойлаштиришнинг қуйидаги базавий схемаси амал қилади: эмитент, яъни концессионер ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан талаб қилинадиган инвестиция миқдорининг 15-20 фоизини таъминлайди.

Шундай қилиб, давлат-хусусий шерикчилик механизмларининг мавжудлиги, барқарор молиявий пудратчиларни танлаш, облигация эмиссияларининг сезиларли ҳажми, заёмлар кафолатининг (хусусий ёки давлат институти томонидан) мавжудлиги, заём чиқаришнинг ликвидлилигини таъминлаш институционал инвесторларнинг маблағларини инфратузилмага самарали жалб қилишнинг мажбурий шарти бўлиб ҳисобланади.

Бу шартлар таъминланган ҳолатда инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган пенсия жамғармалари маблағларининг потенциал ҳажми ортади.

5.3. Миллий иқтисодиётда пенсия жамғармаларининг инвестицион жараёнлардаги ролини ошириш йўллари

Агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш зарур. Бунда жамғарилган пенсия

маблағларини жойлаштиришда уларни фойдали объектларга йўналтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий методларидан дунёда кенг тарқалган “жавобгарлик хатти-ҳаракати” принципига ўтиш лозим. Бу принцип институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончилиги ва очиқлигини сақлаган ҳолда бозор таклифларига янада мосроқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган стандартларга жавоб бераётган жамғармаларга ўз активларини молиявий бозорларга мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим. Бу ҳолат пенсия тизимининг шаффофлигини оширади, ўз навбатида, улар фаолиятига ишончнинг ортишини таъминлайди.

Пенсия жамғармалари маблағларини миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга компаниялар акцияларига қўйиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Бундай механизм, бир томондан, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини ошириш, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётнинг локомотиви бўлиши мумкин бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш имконини беради. Шунингдек, пенсия активларини давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган узок муддатли инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Аҳолининг нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятига ишончини ошириш учун нодавлат пенсия жамғармаси иштирокчилари ва жамғарма қўювчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ механизмини яратиш лозим. Шунингдек, аҳолининг молиявий, энг аввало, пенсия соҳасидаги саводхонлигини ошириш лозим.

Нодавлат пенсия таъминотини келгусида ривожлантириш учун давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим. Бу жараёнда қўллаб-қувватлаш тизими аниқ ишлаб чиқилган, асосан, давлатнинг бу борадаги чоралари тизими белгилаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти узок даврга мўлжалланади, ўз навбатида, пенсия шартномасининг ўртача амал қилиш муддати 40-50 йилни ўз ичига олади. Бу давр оралиғида турли инқирозлар юз бериши мумкин, пенсия тизими бунга тайёр бўлиши керак.

Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятини тартибга солиш борасида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, инвестиция жараёнларига давлатнинг ҳаддан ташқари аралашуви ва шу билан бирга, давлатни бу соҳани тартибга солишдан четлаштириш ҳам жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятини стагнациясига олиб келади.

Пенсия жамғармаларининг пайдо бўлиши, уларни профессионал бошқариш ва диверсификация қилиш имконияти туфайли маблағларни инвестиция қилишнинг самаралилигини кўрсатди. Пенсия жамғармаларининг инвестиция активлари бўлажак пенсионерларга фойда келтириб, инвестицион портфел диверсификацияси ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун, жамғариш тизими доирасида пенсия жамғармаси активларини бошқаришдан мақсад таваккалчилик даражасида максимал фойдани таъминловчи портфелни яратиш (амалиётда бу мақсад ягона бўлиб ҳисобланмайди). Бу мақсадга таваккалчилик кўрсаткичларини, ликвидлиликни, инвестицион горизонт ва бошқаларни тартибга солиш йўли билан эришилади.

Нобозор инструментларни инвестициялаш ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ва ривожланаётган мамлакатларда устунликка эга. Лекин ижтимоий давлат лойиҳаларига ёки шундай лойиҳалар доирасида чиқариладиган нобозор қимматли қоғозларга мақсадли инвестициялар кўпгина ривожланган мамлакатлар пенсия жамғармалари портфелига киритилади.

Охирги пайтларда ипотека кредитлари бериш ва кўчмас мулк объектларига инвестиция киритиш кенг тарқалмоқда. Бу операциялар узоқ муддатли кредитлашни назарда тутиб, пенсия жамғармаси портфелининг рискинни камайтириш имконини беради.

Уй-жой қурилиши соҳасига инвестиция киритиш турлича шаклда бўлиши мумкин. Пенсия жамғармалари ўзлари ипотека кредитларини беришлари мумкин. Бундай амалиёт Иорданияда ўтказилиб, даромади кам оилаларга жамғарма маблағларининг бир қисмидан фоизи паст бўлган ипотека кредитлари берилган.

Қатор мамлакатларда (масалан, Нигерияда) бадавлат аҳоли учун уй-жой тижорат қурилишига устунлик берилган эди. Бу инвестициялар оммавий бўлмасада, юқори фойда нормасига эга. Айрим мамлакатларда (Танзания, Замбия) жамғарманинг ўзи уй-жой қурилиши билан шуғулланади, уни ўзлари сотади ёки ижарага беради. Ипотека кредит бозорининг ривожланиши жараёнида жамғарма

ипотека агентликлари томонидан эмиссия қилинган қарз олиш-бериш билан боғлиқ бўлган қоғозларга инвестиция киритиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокининг яна бир йўли - кўчмас мулкни бўлиб тўлаш шarti билан қайта сотиш ва сотиб олиш бўлиши мумкин. Масалан, пенсия жамғармаси ўз ҳисобидан ишлаб чиқариш объекти ёки турар жойни сотиб олади, кейин эса ўзи учун фойдали шартларда шартнома тузиш йўли билан муҳтож мижозга бўлиб тўлаш шarti билан сотади. Бунда лизинг муносабатларини кенг қўллаш лозим.

Пенсия жамғармаси маблағларини диверсификациялашнинг мазкур йўналишларини тадбиқ этиш, пенсия маблағларини жамғариш ва уни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш жараёни ўртасидаги узилишни бартараф қилиш имконини беради.

Пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятининг яна бир йўналиши инсон капиталига инвестициялаш ҳисобланади. Пенсия жамғармалари пул маблағларини жамғаришни рағбатлантириш билан бирга, инвестицияларнинг устуворлиги тамойили асосида чуқур структура ва технологик ўзгаришларга катта эътибор қаратиш зарур. Пенсия активлари инвестицияларини юқори технологик тармоқлар ва илмий сиғимли технологияларга, инсон капиталини ривожлантиришга йўналтириш лозим. Бу йўналиш ички ва дунё бозорида Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

ХУЛОСА

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотнинг мувозанатлаштирилган тизимига эга бўлиш ишловчилар ҳамда бутун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимининг муҳим шарти ҳисобланиб, мамлакатнинг меҳнат ресурсларини кенгайтиради, мустаҳкамлайди, иқтисодий ўсишнинг миллий салоҳияти, ислоҳот ўтказиш учун зарурий шароит яратади, жамиятда сиёсий ва ижтимоий вазият барқарорлашади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, пенсия таъминотининг бозор модели куйидаги ёндашувларга асосланиши лозим:

биринчидан, мамлакатнинг барча фуқароларини, муайян сабабларга кўра ўз кексалигини суғурталашни моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган кишиларни камбағалликдан ижтимоий ҳимоялаш унинг вазифасидир;

иккинчидан, умумий суғурта тизими уч даражали тизимнинг муҳим элементи бўлиб, у барча фаол аҳолига қарилик бўйича пенсияни “ишлаб топиш” имконини беради.

Республикада пенсия тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун, аввало, куйидаги масалалар ҳал қилиниши лозим:

- пенсия миқдорини пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий бадалларнинг миқдор ва ҳажмлари билан боғлаш;

- аҳоли жинсига кўра фуқароларнинг пенсия жамғармасининг даромад ва харажат қисмларидаги иштирокида ноадекватликни бартараф этиш;

- пенсия белгилашда жинси бўйича фуқароларнинг пенсия жамғармасининг даромад қисмида иштирокининг ҳар бир йилини баҳолашдаги фарқлар муаммосини ҳал этиш;

- аҳолининг айрим категориялари ва гуруҳларининг пенсия жамғармасининг даромад қисмида иштирокини қайта кўриб чиқиш;

- иш берувчи ва ишловчилар, шунингдек, товар ишлаб чиқарувчиларнинг турли гуруҳлари учун пенсия жамғармасига тўланадиган бадалларнинг миқдорларидаги номутаносибликни бартараф этиш.

Мавжуд пенсия тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ҳукумат, тадбиркорлик ва касаба уюшма тузилмалари, жамият барча аъзоларининг келишилган ҳаракати натижасида ошириш; ижтимоий

суғурта ва таъминот механизмини такомиллаштириш ёрдамида жамиятда ижтимоий келишувга эришиш; жамиятнинг ҳар бир аъзоси аҳолининг муҳтож қатламига ёрдам кўрсатишда онгли тарзда иштирок этиши ва ўзига ҳам шундай ёрдам кўрсатилишига ишонч ҳосил қилиши каби принципиал қоидаларга таяниш лозим.

Ижтимоий ҳимоянинг ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам тизими каби механизмларини такомиллаштириш ишловчилар, иш берувчилар ва давлат муносабатини уйғунлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

Ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш ижтимоий хавф-хатарни, яъни ижтимоий суғуртанинг ўзаро боғланган мустақил шакллари ажратишни талаб этадиган ҳимоянинг функционал белгиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу нафақа ва пенсиялар тўлаш учун маблағларни шакллантириш ва сарфлашдаги манзиллилик, шунингдек, меҳнатга қобилиятини йўқотишни профилактикалаш учун ташкилий ва молиявий шарт-шароит яратишга эришиш имконини беради.

Ижтимоий суғуртанинг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий суғуртани молиявий таъминлашнинг ишончли усули жамғармани ишловчи, иш берувчи ва давлат иштирокида уч каналли шакллантириш ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан ишловчиларнинг ижтимоий суғурта фондларини молиялаштиришда бевосита иштирок этишлари ва бу орқали ўзларининг ижтимоий ҳимоя даражасига таъсир кўрсатишлари заруриятга айланади.

Пенсия жамғармалари молиявий бозорнинг узок муддатли амалга оширишга мўлжалланган дастурларни инвестициялаш бўйича катта имкониятга эга муҳим субъектлари ҳисобланади. Пенсия жамғармалари маблағларини капитал бозорига йўналтириб, узок муддатли инвестиция сифатида ушбу бозорнинг ривожланишига имконият яратади. Бунда пенсия жамғармаларининг ўзлари капитал бозоридаги қудратли кучга айланади. Бундай шароитда жамғармалар бошқарувчиларининг инвестицион сиёсати капитални тақсимлаш ва самарадорлигига ва умуман бутун иқтисодиётга таъсир кўрсатади.

Пенсия жамғармалари баъзи молиявий функцияларни бажарувчи муассаса эмас, балки, энг аввало, ижтимоий функцияни бажарувчи молиявий институтдир. Демак, пенсия жамғармаларига инвестицион фондлар, суғурта компаниялари, банкларга қўйилгани каби талаблар қўйилиши лозим.

Бугунги кунда молиявий институтларни йириклаштириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Ушбу масалада икки ҳолатни инобатга олиш лозим. Биринчидан, институционал инвесторларни ҳаддан ташқари йириклаштириш тўлақонли рақобат муҳити бузилишига олиб келиши мумкин. Иккинчидан, ҳар қандай марказлаштирилган тизим тарқоқ тизимга нисбатан рискка анча кўпроқ дуч келади. Марказлаштирилмаган тизим барқарор, шунингдек, фуқароларга, яъни, истеъмолчиларга яқинроқ бўлади.

Пенсия тизимининг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш уни бошқариш ва тартибга солиш хусусиятларига ҳам узвий боғлиқ. Агар пенсия жамғармасини бошқаришни давлат қўлига олса, у ҳолда бу активларни давлат томонидан бошқарувчи сифатида сиёсий етакчилар тайинланади. Хусусий бошқарувчилар эса жамғармаларнинг эгаларидан танланади. Ўз-ўзидан маълумки, улар турли рағбатлар билан раҳбарликни амалга оширадилар, ўз навбатида, уларнинг фаолияти чегараси турлича табиатга эга бўлади. Бунинг оқибатида инвестициялаш натижалари танланган бошқарув шаклига боғлиқ равишда кескин фарқланиши мумкин.

Давлат бошқарувида бўлган жамғармалар маблағларини давлат қимматли қоғозларига ёки давлат корхоналарининг қимматли қоғозларига инвестициялайдилар. Кўпинча бундай инвестицияларнинг даромадлилиги бозордан паст бўлади ва инфляциянинг ўсиб бориши шароитида салбий ахамиятга эга бўлади. Бу эса бадал тўловчи ишловчиларни солиқларни яширишга олиб келади (ёки баъзи бадалларни иш берувчилар тўлайди), натижада жамғарма очик бозорда инвестициялашга нисбатан кам даромад олади, бошқа бошқарув усулларига нисбатан бадаллар даражасини ошириши ёки пенсияларни камроқ тўлаши лозим бўлади. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат бошқарувидаги пенсия жамғармаларининг капитални жамғариш ва уни тақсимлашга таъсири давлатнинг бу маблағлардан қандай фойдаланаётганлигига боғлиқ.

Хусусий бошқарувдаги пенсия жамғармалари даромадлиликнинг бозор даражасидан паст бўлишига мақбул ҳолат сифатида қарамайди. Хусусий бошқарувчилар кўпинча маблағларни нодавлат қимматбаҳо қоғозларига инвестициялайдилар ва давлат бошқарувидаги пенсия жамғармаларига нисбатан кўпроқ даромад оладилар.

Хусусий бошқарув пенсия захираларини шакллантириш ва инвестициялаш борасида субъектлар фаолияти устидан назорат билан давлат томонидан тартибга солишни умумлаштиради. Бундай

органлар вазирлик, идора ва бошқалар таркибига кирсада, мустақил сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

Пенсия захираларини марказлашган ҳолда тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бу борадаги асосий масалалардан бири инвестицион жараёнларни деполитизация қилиш ва инвестицион қарорлар қабул қилишда нафақат бюджет манфаатларини, балки, суғурталанган шахснинг пенсия даромадини ошириш борасидаги узоқ муддатли манфаатларини ҳам инобатга олиш лозим.

Агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш зарур. Бунинг учун жамғарилган пенсия маблағларини жойлаштиришда уларни фойдали объектларга эмас, давлат органлари белгилаган сиёсий жиҳатдан аҳамиятли объектларга йўналтиришга ундовчи сиёсий босимлардан қочиш лозим бўлади. Акс ҳолда бу ижтимоий фалокатни келтириб чиқаради.

Фикримизча, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасини ривожлантириш ва инвестицион фаоллигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ишловчилар, иш берувчилар ва банд аҳолини пенсия жамғармаларини шакллантириш учун бадаллар тўлашга рағбатлантирувчи қулай солиқ тартибини такомиллаштириш;

- жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари инвестицион салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, инвестицион жараёнларни тартибга солишни такомиллаштириш;

- пенсия захираларини жойлаштириш жараёнини тартибга солишни янада такомиллаштириш учун пенсия жамғармалари инвестицион портфели таркиби ва тузилмасини тартибга солишнинг миқдорий методларидан дунёда кенг тарқалган “жавобгарлик хатти-ҳаракати” принципига ўтиш лозим. Бу принцип институционал инвесторларга инвестицияларнинг ишончлилиги ва очиқлигини (шаффофлигини) сақлаган ҳолда бозор таклифларига янада мосроқ ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг учун белгиланган стандартларга жавоб бераётган жамғармаларга ўз активларини молиявий бозорларга мустақил инвестициялаш ҳуқуқини бериш лозим;

- жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари маблағларини миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга компаниялар

акцияларига қўйишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш лозим. Бу механизм, бир томондан, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини ошириш, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётнинг локомотиви бўлиши мумкин бўлган компанияларни қўллаб-қувватлаш имконини беради;

- пенсия активларини давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган узоқ муддатли инфратузилмавий лойиҳаларга жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш лозим;

- аҳолининг жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари фаолиятига ишончини ошириш учун пенсия жамғармаси иштирокчилари ва жамғарма қўювчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ механизмини яратиш лозим;

- жамғариб бориладиган пенсия таъминотини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Бунда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аниқ ишлаб чиқилган, асосан, давлатнинг бу борадаги чоралари тизими белгилаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу механизмни амалга ошириш республикамизда пенсия тизимини такомиллаштириш ва аҳоли кекса табақаларининг конституцион ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2012. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил 2 декабрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 3 сентябрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2010 йил 26 ноябрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 апрелдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни яқка тартибда ҳисобга олишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 90-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 июндаги “Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 14 апрелдаги 4715-сон фармони)153-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя

- қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 237-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 250-сонли Қарори.
 11. Государственное регулирование рыночной экономики./Под общ. Ред. Кушлина В.И., Волгина Н.А.-М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. – с.361.
 12. Мосейко В. В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства //Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования.2008.
 13. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. –Т.: «Иқтисод-молия». 2014. 118 б.
 14. Шатохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом. Учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации, Яросл. гос. ун-т им. П.Г.Демидова. -Ярославль. Изд-во ЯрГУ. 2002.
 15. Новиков А. А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 5.
 16. Роик В.Д. Эволюция пенсионных систем: мировые тенденции и опыт России //Человек и Труд. 2008. № 8.
 17. Роик В.Л., Чернышев С.Д. Социальное страхование – основной путь реформирования досрочных профессиональных пенсий. // Пенсия. 1997. №6.
 18. Вахабов А.В., Зокирходжаева Ш.А. Ўзбекистонда пенсия таъминотини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари // Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2015 йил 21 ноябрь.
 19. Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари//Иқтисод ва молия. 2014, №5
 20. Гайдар Е.Т. История пенсий. Становление и кризис системы социальной защиты в современном мире. Статья вторая //Независимая газета. 2004. 13 июля.
 21. Борисенко Н.Ю. Мировой опыт проведения пенсионных реформ // Финансы и кредит. 2004. № 18. -С. 54

22. Пенсионная реформа: от слов к делу//Ваш Банк. Экономист. Декабрь 2000.
23. Оскоми́на Чилийского чуда// Фонд "Антикризис". 2009. 27 июля.
24. Итоги пенсионной реформы и долгосрочные перспективы развития пенсионной системы Российской Федерации с учетом влияния мирового финансового кризиса//Пенсионное обозрение. 2011. 22декабря.
25. Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. //Журнал НЭА, №3(15), 2012.
26. Малютина Н.Н. Развитие системы пенсионного обеспечения в зарубежных странах // Труд за рубежом. - 1995. - № 3. - С. 104.
27. Шрам В.П. О реформе пенсионного обеспечения в Сербии и Хорватии // Журнал российского права. - 2008.№ 6.
28. Лебедева Л. Почему американским пенсионерам живется лучше, чем российским? // Человек и труд. - 2005.№ 4. - С. 63.
29. U.S. Department of Labor, Employee Benefits Security Agency. Private Pension Plan Bulletin: Abstract of 2000 Form 5500 Annual Reports. 2005. July.
30. Александрова А.В. Реформирование пенсионного законодательства США в условиях глобализации// Социальное и пенсионное право. - 2009.- № 4.
31. Шушков В.В., Топунова И.Р. Обобщение мирового опыта проведения пенсионных реформ // Трудовое право. - 2008. - № 6.
32. Лансков П.М. Внутренние инвестиции в финансовые инструменты рынков капитала стран ЕЭП. / П.М. Лансков, Н.В. Максимчук, Г.Г. Дуисенова – Алматы, 2015. – с. 24.
33. Галишникова Е.В. Международный опыт государственного управления пенсионными средствами в системах пенсионного обеспечения зарубежных стран //Научно-аналитический журнал “Наука и практика”. Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова. № 2 (14) 2014 г.
34. Гурвич Е.Т. Пенсионная реформа: общие принципы и необходимые меры. Экономическая экспертная группа, февраль 2011 г. <http://www.eeg.ru/>
35. Сохранить накопительную пенсионную систему, март 2015// Центр макроэкономических исследований Сбербанк России, 2015. С. 5.
36. Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б.8-12.
37. Аллаёров Ш., Мирзамахмудов М. Пенсия жамғармаси фаолиятининг жаҳон амалиётидаги тараққиёт босқичлари // Молия. -Тошкент. 2012. №4. – Б.134-139.

38. Антропов В.В. Социальная защита а странах Европейского союза. Монография. -Москва: Издательство «Экономика».2006. 173 стр.
39. Ахмедов М. Иқтисодиётда “узун” молиявий ресурслар салмоғини оширишда нодавлат пенсия жамғармасининг аҳамияти. // Молия. - Тошкент. 2012. №2. – Б.129-132.
40. Баранов А. Новая российская пенсионная реформа: причины и последствия. //Рынок ценных бумаг, № 9 (436), 2013.
41. Бочаров В.В, Леонтьев В.Е, Радковская Н.П. Финансы. Учебник.- СПб.: «Питер». 2009. -400 с.
42. Ваҳобов Д.Р. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: 2012.
43. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. -Т.: «Шарқ». 2003. 320 б.
44. Ваҳобов Д.Р. Жаҳон пенсия тизимининг асосий йўналишлари // Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами.– Тошкент, 2010. – Б. 241-244.
45. Ваҳобов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. – Тошкент, 2010.- № 4.– Б. 21-27.
46. Ваҳобов А.В, Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008. -287 б.
47. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Монография. -Т.: «Молия». 2002. –Б. 293.
48. Ваҳабов А.В., Охундедаева М.О. Ўзбекистонда пенсия тизимининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари. //Иқтисод ва молия, №3, 2015.
49. Ваҳабов А.В., Закирходжаева Ш.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. /Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари, муаммолари ва ечимлари. Республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: ТМИ, 2015.
50. Ваҳабов А.В., Охундедаева М.О. Пенсия тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари /Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодий мутаносибликларнинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири. Республика илмий-амалий конференцияси. –Т.: ЎЗМУ, 2015.
51. Всё о пенсионной реформе в России: монография / П.А.Орлов-Карба. –М.: Гардарики, 2005. – 302 с.
52. Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения: автореф дис...к.э.н.

- М.: Российский университет дружбы народов. 2008. -27 б.
53. Ерошенков С.Г. Переход к накопительной пенсионной реформе: мировой опыт и возможности применения его в России. - М: МАКС Пресс., 2001. - 251 с.
 54. Зырянова Т.В. Зарубежный и отечественный опыт регулирования пенсионной системы. //Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях, №2, 2007. С. 48.
 55. Кадомцева С.В. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: «ИНФРА -М». 2010. -352 с.
 56. Карчевский В.В., Андросова Л.Д., Окунева Л.П., Смирнова Е.Е. Целевые бюджетные и внебюджетные фонды. Учебное пособие. – М.: “Вузовский учебник”. 2011. -224 с.
 57. Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари. Монография. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2008. 112 б.
 58. Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати: Т.: «Молия». 2004. 152 б.
 59. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 212 б.
 60. Мирзамахмудов М.М. Мақсадли жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш. Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2013. 112 б.
 61. Мировой опыт реформирования пенсионных систем: концептуальные подходы и практические действия/ под ред. Л.С.Дегтярь. –М.: ЭПИКОН, 1999. С. 14.
 62. Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: «Экономика”. 2010. -235стр.
 63. Нещитой А.С. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К". 2012. - 336 с
 64. Новиков А. А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 5.- С. 67
 65. Пенсионная реформа в России: причины, содержание, перспективы /под ред. М.Э.Дмитрева, Д.Я.Травина. –МПб.: Норма, 1998, -С.78.
 66. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. Учебник.- М.: «ЮНИТИ-ДАНА». 2011. -703 с.
 67. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций. Учебник.- М.: «ЮНИТИ-ДАНА». 2011. -463 с.
 68. Рустамов Д. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари.Монография. - Т.: «Молия», 2013.
 69. Саидов М.Х. Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изоҳли луғати. -Т.:

- “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”. 2004. -121 б.
70. Соловьев А.К. Пенсионная реформа: иллюзии и реальность: учебное пособие. -2-е изд., перераб. и доп. –Москва: Проспект, 2015, -336 с.
 71. Сивакова И.В. Пенсии в схемах: учебное пособие. -2-е изд. – Москва: Проспект, 2016. -176 с.
 72. Терещенко К. Анализ и оценка эффективности мирового опыта использования средств пенсионных систем. //Проблемы современной экономики. №2(42), 2012.
 73. Тухтарова М.С. Пенсионное обеспечение граждан. Справочник для населения. –Т.: “NORMA” 2010. – 360 с.
 74. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. –Т.: Фан, 2005. – 174 с.
 75. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам – Т.: «Ўзбекистон». 2011. – 140 б.
 76. Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ». 2006. -480 б.
 77. Хаитов А., Зиядулаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси. Ўқув кўлланма. –Т.: “Адолат”. 2009. -172 б.
 78. Хайдаров М. Давлат бюджетининг асосий параметрлари обод турмуш йилини таъминлаш омили сифатида. // Иқтисод ва молия. - Тошкент. 2013. -№1. – Б. 6-9.
 79. Ходжаев Х. Социал соҳа ва инновацион жараёнлар // Молия. - Тошкент. 2012. -№4. – Б. 121-123.
 80. Шокирова Ф. Инновацион ривожланиш моделлари ва иқтисодий ўсиш. // Молия. –Тошкент. 2012. №3. –Б. 73-79.
 81. Жарков А.А. Финансовые источники становления и развития негосударственных пенсионных фондов: автореферат дисс. канд. экон. наук. - М., 2008. - С. 22.
 82. Горюнов И.Ю. Негосударственные пенсионные фонды в современной России: Дис. ...докт. экон. наук.М., 2006. - С. 59.
 83. Чудовская Г.В. Негосударственные пенсионные фонды в Российской Федерации: дис. ... канд. экон. наук. - М., 2007. - С. 61-62.
 84. Непп А.Н. Возможность применения реформирования системы пенсионного обеспечения Германии к Российским условиям: дис. ... канд. экон. наук. - Екатеринбург, 2005. - С. 45.
 85. Басов В.В. Негосударственные пенсионные фонды как институт

социальной защиты населения: дисс. канд. экон. наук. - Нижний Новгород, 2000. - С. 57.

86. Della Croce, R. and J. Yermo (2013) Institutional Investors and Infrastructure Financing. OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions, No. 36, OECD Publishing. Available at: <http://dx.doi.org/10.1787/5k3wh99xgc33-en>
87. Futures Industry Magazine (2013) Industry leaders call for IOSCO role in cross-border regulatory recognition. Available at: www.futuresindustry.org
88. World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat, New York, 2015.
89. Williams M. Government: Cash Management Its Interaction with Other Financial Policies. International Monetary Fund Fiscal Affairs Department Technical Guidance Note. 2010. -201 p.
90. OECD (2013), Pensions at a Glance Asia/Pacific 2013, OECD Publishing. http://dx.doi.org/10.1787/pension_asia-2013-en
91. Allianz International Pension Papers 1/2014.
92. McKinsey Global Institute (2013) Financial Globalization: Retreat or Reset? Global capital markets 2013. McKinsey & Company. Available at: <http://www.mckinsey.com/insights/>

Интернет-сайти маълумотлари

1. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
2. www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
3. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
4. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси.
5. <http://www.xb.uz> Халқ банки
6. http://chelt.ru/2010/8-10/tabah_8-10.html
7. <http://www.nationalbank.kz/>
8. <http://info.minfin.ru/pf.php>
9. www.pfrf.ru
10. <http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>
11. http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2013-en
12. www.ap7.se/en/Splash/
13. <http://www.cbr.ru/statistics/>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I ПЕНСИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ БОБ АСОСЛАРИ	
1.1. Пенсия таъминотининг ижтимоий суғурта тизимида тутган ўрни.....	6
1.2. Пенсия тизимининг ривожланиш моделлари ва уларнинг амал қилиш механизми.....	13
1.3. Пенсия тизимларини гуруҳлаштириш услубияти.....	20
2- НОДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ПЕНСИЯ БОБ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИНВЕСТИЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА	
2.1. Пенсия таъминоти тизимида жамғариш усулларини қўллашнинг зарурлиги ва уни тартибга солиш хусусиятлари.....	32
2.2. Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил қилиш асослари ва асосий тамойиллари.....	35
2.3. Нодавлат пенсия тизими ривожланишининг хориж тажрибаси	40
3- МИЛЛИЙ ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БОБ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНияТЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	
3.1. Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармаларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш йўналишлари.....	49
3.2. Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусиятлари.....	57
3.3. Россия Федерациясида жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш хусусиятлари.....	65
3.4. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотиға ўтиш ва пенсия тизимининг инвестицион имкониятларини ошириш масалалари.....	76
4- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	
4.1. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти.....	82
4.2. Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўналишлари.....	90

4.3.	Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш имкониятлари.....	96
5	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРИБ БОБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
5.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари...	101
5.2.	Пенсия жамғармалари маблағларидан фойдаланишда инвестициялаш объектларини танлаш йўналишлари.....	106
5.3.	Миллий иқтисодиётда пенсия жамғармаларининг инвестицион жараёнлардаги ролини ошириш йўллари.....	110
	Хулоса.....	114
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	119

А.В.ВАХАБОВ, Н.М.МАЖИДОВ

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ
ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДАГИ РОЛИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Мухаррир: Хакимов М.А.

Босишга рухсат этилди 1.05.2017 й. Бичими: 60x84 1/16.
Нашриёт босма табиғи 8,0. Шартли босма табиғи 7.
Бащоси шартнома асосида. Адади 100 нусха. Буюртма №49

“Университет” нашриёти. Тошкент – 100174,
Талабалар шаҳарчаси. Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетининг
босмахонасида босилди.